

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

22-сон
(210)
2006 й.
май-июнь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

188. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат саноатининг «Ўзозик-овқатсаноат» давлат-акционерлик концернини қайта ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 26 сентябрдаги ПФ-945-сонли Фармонини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 30 майдаги ПФ-3755-сон Фармони
189. «Ёр-мой ва озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 30 майдаги ПҚ-359-сон қарори [Кўчирма]
190. «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги ПҚ-362-сон қарори

Учинчи бўлим

191. «Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг сақланиши устидан назоратни кучайтиришга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори

192. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биржа савдоларида тузиладиган экспорт-импорт контрактларини тузиш ва расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш билан боғлиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 96-сон қарори
193. «Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сон қарори
194. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 9 мартдаги ПК-303-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 98-сон қарори
195. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 февралдаги ПФ-3722-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 99-сон қарори
196. «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг Намунавий уставини ҳамда Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартирали уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги Намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон қарори
197. «Деҳқон хўжалиги аъзоларини ижтимоий суғурталаш ва уларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 майдаги 102-сон қарори

Бешинчи бўлим

198. «Тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналарга мулк солиғи бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 12 майдаги 43, 2006-27-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 31 майда 1576-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
199. «Кон қолдиқларидан фойдаланишда ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғининг 2006 йил 14 февралдаги 28-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 31 майда 1577-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

200. «Мис эритиш ишлаб чиқариши ходимлари учун ишларнинг ҳавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғининг 2006 йил 14 февралдаги 31-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 31 майда 1578-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 27 майдан 2 июнгача бўлган маълумот

+

-

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

188 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат саноатининг «Ўзозик-овқатсаноат» давлат-акционерлик концернини қайта ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 26 сентябрдаги ПФ–945-сонли Фармонини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ–3366-сонли Фармонига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат саноатининг «Ўзозик-овқатсаноат» давлат-акционерлик концернини қайта ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 26 сентябрдаги ПФ–945-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 30 май,
ПФ–3755-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

189 Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида**[Кўчирма]**

Республиканиннг ёғ-мой ва озиқ-овқат саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, соҳа корхоналарини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сотишнинг бозор механизмларини ривожлантириш мақсадида:

1. «Ёғмойтамакисаноат» ва «Озиқовқатсаноат» уюшмалари муассисларининг умумий мажлиси томонидан мазкур уюшмаларни бирлаштириш ҳамда Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасини ташкил этиш тўғрисида қарор чиқарилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси муассисларининг 1-иловага* мувофиқ таркибига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ички ҳамда ташқи бозорларининг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, соҳани ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати корхоналарига ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлашда, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда, маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт ҳажмларини кенгайтиришда кўмаклашиш;

ёғ-мой саноати корхоналарининг чигит ишлаб чиқарувчилар билан, жумладан, чигитни қабул қилиш, қатъий ҳисобга олиш ҳамда уларнинг сифати устидан таъсирчан назорат ўрнатиш масалаларида ўзаро муносабатларни изчиллик билан такомиллаштириш;

соҳа корхоналари томонидан пахта ёғи чиқишининг белгиланган меъёрларига риоя этилиши, шунингдек ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сотишда тегишли тартибга амал қилинишини таъминлаш;

соҳа корхоналарига ахборот хизматларини кўрсатиш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

3. Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг умумий ходимлари чекланган сони 37 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 27 нафар бўлган ижроия аппарати тузилмаси 2 ва 3-иловаларга** мувофиқ маъқуллансин.

Белгилансинки:

корхона ва ташкилотлар Уюшмага эркин аъзо бўлиш ҳамда унинг таркибидан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар;

Уюшма ўз таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ихтиёрий ажратмалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига фаолият юритади.

4. Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси бир ой муддатда муассислар умумий йиғилишини ўтказсин, ўз низомини тасдиқласин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси бир ой муддатда акциз солиғи олинадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган тамаки саноати корхоналари фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси ижроия аппарати Тошкент шаҳар, Нукус кўчаси, 73«а»-уй манзилида жойлаштирилсин.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Уюшмани алоқа, шу жумладан ҳукумат алоқа воситалари билан таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёғ-мойтамаки саноат» ёғ-мой ва тамаки саноати корхоналари уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1994 йил 26 сентябрдаги 482-сонли ва «Озиқовқат саноат» қандолатчилик, чой ва пиво-алкоголсиз ичимликлар саноати корхоналари уюшма-

* 1-илова берилмайди.

** 2-3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

сини ташкил этиш ва унинг фаолияти тўғрисида» 1994 йил 26 сентябрдаги 483-сонли қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 30 май,
ПҚ-359-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

190 Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кейинги йилларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва 2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида республикада давлат таълим стандартлари, умумий ўрта таълим ўқув режалари ва дастурлари талай даражада такомиллаштирилди, уларга мувофиқ замон талабларига мос келадиган янги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалари нашр этилмоқда.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Биринчи синф ўқувчиларини, «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг тарбияланувчиларини, шунингдек кам таъминланган оилаларнинг болаларини дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари билан бепул таъминлаш тизими жорий этилган. Ўқувчиларни ижара асосида дарсликлар билан таъминлаш тизими синов тариқасида жорий этилмоқда.

Шу билан бирга дарсликларни сотиш механизми аҳолининг уларга бўлган талаб-эҳтиёжини тўла қондиришни ҳисобга олган ҳолда бутун республика ҳудудида чакана савдонинг пухта тизимини ташкил этиш ҳамда уларни нашр этишга буюртманомаларни шакллантириш жараёнига педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналарини кенг жалб этиш йўли билан такомиллаштиришни тақозо этади.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, уларни нашр этишга буюртманомаларни шакллантириш механизми ҳамда ижара тизимини, шунингдек дарсликлар чакана савдоси кенг тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этишга буюртманомалар тўпламини шакллантиришнинг янги механизминини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, бунда дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларини чиқариш ва сотишга йиллик прогноз квоталари педагог-

лар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналари иштирокида ҳар йили ўтказиладиган ихтисослаштирилган китоб кўргазма-ярмаркалари, шунингдек умумтаълим мактаблари кутубхона фондларини хатловдан ўтказиш натижасида белгиланади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Ўзкитобсавдо» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили октябрь-ноябрь ойларида барча вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига мўлжалланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларининг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаларини ташкил қилсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда умумтаълим мактаблари биринчи синфларининг ўқувчилари учун дарсликлар ҳар йили, 2—4-синфлар учун — икки йилда бир марта ва 5—9-синфлар учун — тўрт йилда бир марта янгиланади.

Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича ҳукумат комиссияси (Р.С. Қосимов) умумтаълим мактаблари учун янги ўқув режалари, дарсликларни экспертизадан ўтказиш ва маъқуллаш чоғида дарсликларни янгилашнинг белгиланган муддатига риоя этилиши ҳамда уларнинг мазмуни асоссиз ўзгартирилишига барҳам берилишига алоҳида эътибор қаратсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳар йили 1 декабргача: кейинги ўқув йилига тавсия этиладиган дарсликлар рўйхатини, шунингдек янгиланган варианты чиқарилгани муносабати билан бекор қилинган дарсликлар рўйхатини ота-оналарга маълум қилишни;

умумтаълим мактаблари кутубхона фондларининг зарур дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалари билан таъминланганлигини, шунингдек утилизация қилинадиган жисмоний ва маънавий эскирган дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларини аниқлаш мақсадида мазкур кутубхона фондларини хатловдан ўтказишни;

навбатдаги ўқув йили учун ўқитиладиган тиллар, номлар ва синфларга қараб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларининг ихтисослаштирилган ярмаркалари, педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналари фикрини ўрганиш, шунингдек хатловдан ўтказиш натижалари асосида предметлар бўйича дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалари чиқариш ва сотишга прогноз квоталари шакллантирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан дарсликларни ярмаркаларда тузилган шартномалар бўйича чакана савдо тармоғи орқали эркин сотишни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили шакллантириладиган прогноз квоталари асосида ҳар йили 1 июлга қадар зарур ҳажмлар ва номлардаги дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалари чиқарилишини ташкил этишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларининг нашриёт расмийлаштируви ва матбаа ижроси давлат стандартини белгиланган тартибда қайта кўриб чиқсин ва қайтадан тасдиқласин, уларнинг санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги ҳамда белгиланган фойдаланиш муддати давомида тегишли жисмоний ҳолатини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда уларни нашр этиш чоғида фойдаланадиган қоғоз ҳамда бошқа матбаа материалларининг сифат кўрсаткичларига нисбатан талаблар оширилишига алоҳида эътибор қаратсин;

матбаа корхоналарида ўрнатилган стандартларга риоя этилиши устидан самарали ички назорат механизмини жорий этсин.

5. «Ўзкитобсавдо» ДАК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда шаҳарлар ва туман марказларида аҳолига дарсликлар сотиш учун ихтисослаштирилган ярмарка-савдо шохобчалари ташкил этилишини таъминласин, шунингдек олис аҳоли пунктларида дарсликлар чакана савдосини ташкиллаштириш чора-тадбирларини қабул қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим мактаблари кутубхона фондларидан ўқувчиларга дарсликларни ихтиёрийлик асосида ижарага бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари ҳисобига кутубхоначиларнинг тариф ставкасига мансаб маошининг 20 фоизигача миқдорда вақтинчалик устама ҳақ белгилаш воситасида кутубхона фонди сақланиши учун ходимларни рағбатлантириш механизми жорий этилсин.

Бунда шу нарса назарда тутилсинки, кутубхоналардаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сақлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда ўқувчилар ўртасида дарсликларни авайлаб асраш тўғрисида ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар олиб борилишини ташкил этиш умумтаълим мактаблари кутубхоначилари ишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

— умумтаълим мактабларининг кутубхона фондлари учун ҳамда ярмарка савдоси ва чакана савдо тармоғи орқали эркин сотиш учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалари тайёрлашга буюртманомани шакллантириш ва бажариш; +

умумтаълим мактабларининг айрим тоифадаги ўқувчиларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига дарсликлар билан аниқ таъминлаш;

дарсликларни ижарага бериш тартиби;

кутубхоналардаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни сақлаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда ўқувчилар ўртасида дарсликларни авайлаб асраш тўғрисида ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар олиб борилишини ташкил этиш умумтаълим мактаблари кутубхоначилари меҳнати натижаларига баҳо бериш мезонлари;

фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни утилизация қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда дарсликларнинг нархи ва уларни етказиб бериш билан боғлиқ сарф-харажатлар сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Қосимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 31 май,
ПҚ-362-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

191 Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришга, уларнинг сақланиши устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси корхоналарида дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳисоби ва ҳисоботи ташкил этилишининг амалдаги тизимини ўрганиб чиқиш натижасида донни қабул қилиш жараёнида ҳисоботлар бузиб кўрсатилишининг олдини олишга ҳамда дон тайёрлаш, уни сақлаш ва қайта ишлашда нормативларга риоя қилиниши устидан амалда натижа берадиган назоратни олиб боришга тўсқинлик қилаётган бир қанча муаммолар ва камчиликлар аниқланди.

Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сақланиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш, талон-торож қилиш ҳолатларига, ҳисоботнинг бузиб кўрсатилишига йўл қўймаслик, шунингдек ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, юклаб жўнатиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнлари ҳисоби ва ҳисоботининг амалдаги тизими ҳисоботлар бузиб кўрсатилиши, талон-торож қилиш ҳолатларига йўл қўйилмаслиги устидан назорат қилишни, дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сақланиши таъминланиши устидан, шунингдек нормативларга, шу жумладан табиий камайиш нормаларига риоя қилиш устидан назоратни тўлиқ даражада таъминламаётганлиги қайд этилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси раҳбарлари давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган доннинг сақланишини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмаганлиги, тайёрланаётган дон ҳажми билан боғлиқ ҳисобот бузилишига йўл қўйилганлиги ва камомад ҳолатлари учун қатъий огоҳлантирилсин.

3. Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва ҳужжатлар билан расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

дон камомади, дон ва дон маҳсулотлари бузилиши натижасида етказилган зарарни корхоналарнинг суд органлари томонидан айбдор деб топилган моддий жавобгар шахслари ва раҳбарларидан ундириш дон ва дон маҳсулотларининг бозор нархи бўйича пул маблағлари корхонанинг ҳисоб рақамларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган, истисно ҳолларда – сифат кўрсаткичлари бўйича стандарт талабларига мувофиқ бўлган тенг миқдордаги дон билан қопланган ҳолда амалга оширилади;

донни қайта ишлайдиган корхоналар томонидан истеъмолчиларга, шу жумладан қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фермер хўжаликларига омихта ем ва дон чиқиндилари сотилаётган маҳсулотнинг қиймати олдиндан юз фоиз тўланиши шарти билан сотилади;

темир йўл шохобча йўлларига эга бўлган тайёрлов пунктларига донни автомобиль транспортида ортиб жўнатиш, шунингдек «Ўзстандарт» агентлигининг минтақавий органлари томонидан бериладиган мувофиқлик сертификати мавжуд бўлмаганда донни давлат ресурсларига қабул қилиш тақиқланади;

мавсумий ҳамда доимий ишлайдиган дон қабул қилиш пунктларида донни қабул қиладиган моддий жавобгар шахслар фақат «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан келишган ҳолда тайинланади.

5. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси ва «Ўздавдонинспекция» дон тайёрлаш даврида давлат ресурслари учун тайёрланаётган доннинг сифати ва миқдорини назорат қилиш учун ўз вакиллари иштирок этишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан қабул қилинадиган донга мувофиқлик сертификати шартнома асосида ўз вақтида берилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси ва ҳудудий статистика органлари раҳбарларига давлат эҳтиёжлари учун дон тайёрлаш ҳажми тўғрисида ишончли маълумотлар ўз вақтида тўпланиши ва тақдим этилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Бош прокуратура билан биргаликда дон тайёрлаш даврида статистика ҳисоботлари маълумотларининг ишончилиги корхонанинг ўзига бориб дастлабки ҳисоб маълумотлари бўйича мунтазам равишда текширилишини ташкил этсин.

8. Маҳаллий ҳокимият органлари ва мансабдор шахсларнинг дон тайёрлаш даврида унинг сифатини аниқлаш ва кундалик маълумотларни юритиш масалаларига, шунингдек «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизими корхоналарида масъул мансабдор шахсларни тайинлашга аралашishi қатъиян тақиқлансин.

9. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси билан биргаликда икки ой муддатда:

дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотиш бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани;

сақлаш, қуриштириш, тозалаш, ташиш ва қайта ишлаш жараёнида доннинг нобуд бўлиши ва камайишини қоплаш учун молиявий захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги низомни;

дон маҳсулотлари корхоналарининг технология жараёнини ташкил этиш ва юритиш қоидаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари билан операциялар ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 20 мартдаги 137-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига илованинг 43-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2003 й., 2-сон, 19-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»

2004 йил 8 июндаги 269-сон қарорига 4-илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 6-сон, 54-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатлар мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 май,
95-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 25 майдаги 95-сон қарорига
ИЛОВА

Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки миқдор ва сифат жиҳатидан ҳисобини юритиш ва ҳужжатлар билан расмийлаштириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомнинг амал қилиши давлат эҳтиёжлари учун дон харид қилиш, уларни сақлаш, қайта ишлаш ҳамда дон ва дон маҳсулотларини сотиш фаолиятини амалга оширувчи мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларга татбиқ этилади. Бундай корхоналар сирасига дон тайёрлаш корхоналари, элеваторлар, тегирмонлар, ёрма, омихта ем ва уруғни қайта ишлаш корхоналари ва бошқа корхоналар киради.

2. Дон ва дон маҳсулотларининг миқдор ва сифат жиҳатидан дастлабки ҳисоби (кейинги ўринларда «дастлабки ҳисоб» деб аталади):

дон ва дон маҳсулотларининг сақланиши ва улардан оқилона фойдаланилиши устидан назорат қилишни;

дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, уларга ишлов беришда, шунингдек дон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда уларнинг массаси ва сифати ўзгаришини аниқлашни;

сотувчилар (етказиб берувчилар) ҳамда харидорлар (олувчилар) ўртасида, шу жумладан ички ташишда дон ва дон маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларнинг тўғрелигини;

дон ва дон маҳсулотлари сифати ёмонлашувининг олдини олишни таъминлаши шарт.

3. Дастлабки ҳисоб дон ва дон маҳсулотлари билан барча хўжалик операциялари тўғрисидаги ахборотларни, уларни ялпи, узлуксиз ва ҳужжатли ҳисобга олиш

йўли билан йиғиш, рўйхатдан ўтказиш ва умумлаштиришнинг тартибга солинган тизимини ифодалайди.

4. Миқдор ва сифат жиҳатидан дастлабки ҳисобни ташкил этишни ва унинг тўғрилигини корхона раҳбари таъминлайди.

5. Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг миқдор жиҳатидан ҳисоби ва улар билан операциялар физик оғирликда бир килограммгача аниқликда олиб борилади. Бундан ташқари, ун ва ёрманинг, шунингдек заводда идишга жойлаштирилган маккажўхори ва бошқа экинлар уруғининг ҳисоби идишлар сони бўйича юритилади.

6. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

дон — ғалла ва дуккакли экинлар, мойли экинларнинг озиқ-овқат, ем ва техник мақсадда фойдаланиладиган дони;

дон маҳсулотлари — ун, ёрма, нон-булка ва макарон маҳсулотлари, омихта ем, ем аралашмаси, кепак ва донни қайта ишлашдан олинган қўшимча маҳсулотлар;

дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг сифат сертификати — дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатининг норматив ҳужжатлар талабларига, шунингдек уларнинг кўрсатиб ўтилган маҳсулотни тайёрлаган корхона номига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат;

ИЧТЛ — ишлаб чиқариш технология лабораторияси;

йироқдаги пунктлар — корхонага тегишли бўлган, дон топширувчилардан донни қабул қилувчи ва уни вақтинча сақлаш функциясини бажарувчи, юридик шахс мақомига эга бўлмаган пунктлар;

рекламация далолатномаси — дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифат ва миқдор жиҳатидан мувофиқ бўлмаганда, уларни қабул қилишда эътироз билдириш учун тузиладиган далолатнома.

7. Моддий жавобгар шахслар — дон ва дон маҳсулотларининг миқдор ва сифат жиҳатидан сақланиши учун масъул бўлган шахслар: элеваторлар ва механизациялаштирилган дон сақлаш омборларининг катта мастерлари (ишлаб чиқариш участкалари бошлиқлари), ишлаб чиқариш участкалари мастерлари, омбор мудирлари, йироқдаги пунктларнинг омборларга бевосита мутасаддилик қилувчи мудирлари, маккажўхори уруғлигига ишлов берувчи маккажўхори донини калибрловчи цехлар бошлиқлари, омихта ем комплексларининг ишлаб чиқариш бошлиқлари, омборларга мутасаддилик қилувчи уруғлик тозаловчи корхоналар (цехлар) бошлиқлари. Тегирмонлар, ёрма, омихта ем ва уруғлик тозаловчи корхоналарда (цехларда) тайёр маҳсулотларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан сақланиши учун, улар омборларга берилгунгача, корхоналарнинг ишлаб чиқариш цехлари бошлиқлари жавоб берадилар.

8. Корхона раҳбарлари ҳар бир моддий жавобгар шахс билан алоҳида, ишга қабул қилиш вақтида унга топширилган ҳамда шартнома амал қилишининг барча даврида у қабул қилиб олган барча моддий бойликлар учун тўлиқ мулккий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузадилар. Шартномалар ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ билан бир вақтнинг ўзида тузилади.

Корхона раҳбари моддий жавобгар шахсни мазкур Низом билан таништириши шарт. Дон ва маҳсулотларни сақлашга жавобгар бўлган шахслар алмаштирилганда, унинг жавобгарлигида бўлган барча моддий бойликлар янги тайинланаётган шахсга қатъий равишда тарозида тортиб ёки қопланган маҳсулот миқдори жойларини қайта ҳисоблаш орқали топширилади.

II. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги корхоналаридан дон харид қилишни расмийлаштириш

9. Дон маҳсулотлари корхоналари томонидан давлат эҳтиёжлари учун дон контракция шартномаларига мувофиқ прејскурант харид ва шартномавий харид нархлари бўйича бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан харид қилинади.

10. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги корхоналаридан харид қилинадиган донга ўртача суткалик ёки бир марталик намуна бўйича сифат аниқланган ҳолда юк хати реестри тузилади, кейинчалик ПК-10-шакл бўйича қабул қилиш квитанцияси, навли уруғликлар харид қилишда эса ПК-10а-шакл бўйича қабул квитанцияси ёзилади.

11. ПК-10 ва ПК-10а-шакл бўйича қабул квитанциялари қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар ҳисобланади, квитанциялар серияси ва тартиб рақами маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича белгиланади.

12. Қабул квитанциялари нусхаларининг зарур сониди, бироқ ҳар бир туркум ва ўсимликка камида 5 нусхадан қўлда расмийлаштирилади.

13. Қабул квитанциялари шакллари белгиланган тартибда тасдиқланади ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан давлат эҳтиёжлари учун дон сотилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади.

III. Темир йўл ва автомобиль транспортида ички ташиш тартибда келтирилаётган дон ва дон маҳсулотларини расмийлаштириш

14. Темир йўл транспорти билан бошқа корхоналардан келтирилган дон ва маҳсулотларнинг барча туркуми қабул қилиб олувчи корхонанинг моддий жавобгар шахси ёки тарозибони томонидан темир йўл станциясининг қабул қилиб олувчи-тошпирувчиси билан биргаликда, автомобиль транспортида келтирилганда эса юкни етказиб келган ва шу юкнинг сақланишига жавобгар бўлган ҳайдовчи иштирокида аниқланади.

Дон маҳсулотлари ортилган вагонларни темир йўл четидида мавжуд бўлган станциялар тарозиларида тортиш, вагонларни бир-биридан ажратмасдан тортиш ҳамда катта юк ортилган вагонларни (иккига бўлиб) кичик ҳажмли юкни тортишга мўлжалланган тарозиларда тортиш тақиқланади.

Юкларни тортиш натижалари тегишли тарози журналларига (28 ва 29-шакл) ёзиб қўйилади.

15. Стандарт оғирликдаги қопларга солинган маҳсулотлар тортмасдан қабул қилинади ва берилди. Туркумнинг оғирлиги жойларнинг сони ва стандарт оғирликка қараб ваколатли шахслар иштирокида аниқланади.

Юк вагондан туширилиш вақтида айрим қоплар йиртилганлиги (ёрилганлиги, тикилган жойидан сўкилганлиги ва ҳоказолар) аниқланган тақдирда мазкур қоплардаги маҳсулот тижорат далолатномасида (рекламация далолатномасида) қайд этилган ҳақиқий оғирликдан келиб чиқиб кирим қилинади.

Вагон ичидида тўкилган маҳсулотлар қолдиғи мавжуд бўлса, ушбу қолдиқлар йиғилиб тортилади ҳамда ҳақиқий оғирликдан келиб чиқиб юк қабул қилувчи томонидан кирим қилинади.

16. Темир йўл транспортида келтирилган дон маҳсулотларини қабул қилиш моддий жавобгар шахс томонидан бир неча вагонда келтирилганда (14-шакл), битта вагон учун 15-шакл бўйича қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

17. Қабул қилиш далолатномалари темир йўл юк хатлари билан биргаликда бухгалтерияга тақдим этилади.

18. Автомобиль транспортида келтирилган дон маҳсулотларини қабул қилиш юкни қабул қилиб олган моддий жавобгар шахс томонидан юк жўнатувчининг илова қилинган юк хатига имзо чекилиб, қабул қилиш пайтида аниқланган ундаги ҳақиқий оғирлик кўрсатилиб расмийлаштирилади.

19. Импорт бўйича келтирилган дон импорт қилувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилинади, уларнинг бундан кейинги ташилиши мазкур Низомга мувофиқ расмийлаштирилади.

Портлардан импорт дон маҳсулотлари (ун, ёрма)ни ўртача коносамент оғирлик бўйича жўнатиш тақиқланади.

20. Дон ва дон маҳсулотларининг омбор ҳисоби уларнинг амалдаги миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича юритилади.

21. Амалда қабул қилинган оғирлик (қоплар сони)нинг жўнатиш станцияси (бандаргоҳ, порт, корхона) юк хатида кўрсатилган оғирликдан фарқ қилиши дон ёки маҳсулотни топширувчи ёки қабул қилувчи шахслар томонидан расмийлаштирилган далолатнома билан тасдиқланади.

22. Темир йўлда ташишда дон ва дон маҳсулотлари оғирлигининг табиий камайиш нормасидан ортиқча камомади ва масса неттони аниқлаш натижаларидаги чекланган тавофут, шунингдек стандарт оғирликдаги қопларга жойланган ун, ёрма ва маккажўхори уруғидаги камомад ёки улар сифатининг ёмонлашиши мазкур Низомга 1-иловада назарда тутилган тартибда бориладиган темир йўл станцияси томонидан тузилган тижорат далолатномаси билан расмийлаштирилади.

— Тўкилган ҳолда ва идишда (қопда) ташиладиган дон ва дуккакли дон, мойли ўсимликлар, барча навдаги ун, барча турдаги ёрма, кепак, омихта ем автомобиль тарозиларида тортишнинг аниқлик нормаси юк оғирлигининг $\pm 0,1$ фоизидан ошмаслиги керак. +

Ички йўлларда темир йўлда ташиладиган дон ва дон маҳсулотлари бўйича ҳисобкитоб қилишда табиий камайиш ва тарози нуқсони нормаси камомади мазкур Низомга 1-иловада назарда тутилган тартибда ҳисобга олинади.

23. Дон ва дон маҳсулотлари камомадини аниқлашда ҳамда айнаи бир юкни жўнатувчи ва олувчининг бир типдаги тарозиларда тортишда аниқланган камомаддан тортишнинг мазкур диапазони учун автомобиль тарозиларнинг йўл қўйиладиган нуқсонига тегишли оғирликни чиқариб ташлаш зарур. Вагонлардан юкни туширишда, агар маҳсулотни сифатсиз идишда ташиш оқибатида сочилган ва кўқариб чиққан маҳсулот бўлса, бу тижорат далолатномаси билан тасдиқланиши керак. Корхоналар ушбу ҳолларда зарарни қоплаш учун эътироз жўнатувчига билдиришлари керак.

24. Табиий камайиш нормасидан ортиқ бўлган камомад ҳажми ва нетто оғирликни аниқлаш натижасидаги чекланган фарқ учун белгиланган тартибда айбдор шахсларга нисбатан эътироз билдирилади.

Юк жўнатувчиларнинг эътирозлари бўйича дон маҳсулотлари тўлиқ ортилмаганлиги ва ортиқча юкланганлигининг моддий ҳисоби бўйича тикловчи ёзувлар дафтарнинг харажат қисмида (36-шакл), ортиқча юклаш — харажат кўпайишига қора рангда, тўлиқ юкламаслик эса — харажат камайишига қизил рангда ёзилади.

25. Носоз вагонларда ёки пломбаси бузилган вагонларда келган дон маҳсулотларининг камомади ёки бузилиши учун эътироз белгиланган тартибда темир йўл ёки транспорт экспедиторлик компанияларига билдирилади.

Дон ва дон маҳсулотлари камомади (бузилиши) учун транспорт ташкилотлари

ва юкни жўнатувчиларга эътироз билдириш мазкур Низомга 1-иловада назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Келтиришда аниқланган ортиқча дон ва дон маҳсулотлари белгиланган тартибда юкни олувчи томонидан кирим қилинади, уларнинг қиймати эса юкни жўнатувчининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

27. Автотранспорт ташкилоти томонидан етказиб берилган дон камомаднинг аниқланган ҳажмига автотранспорт ташкилотларига эътирозни расмийлаштириш ва тақдим этиш учун ҳайдовчилар томонидан имзоланган юк хатлари асосида ҳар бир корхона бўйича ўсимликлар бўйича камомад ведомости тузилади.

28. Камомадни ортиқча маҳсулот билан қоплаш тақиқланади.

29. Дон (буғдой, арпа, сули, қора буғдой, маккажўхори, гуруч ва ҳоказо донлар) ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини ташиш ва сақлашдаги табиий йўқотишлар нормаси мазкур Йўриқномага 2 ва 2а-илваларда назарда тутилган тартибда қўлланилади.

30. Намлиги, бегона ўтлар аралашганлиги ва сифатнинг бошқа товар кўрсаткичлари бўйича дон ва дон маҳсулотлари сифатида тавофутлар мавжуд бўлганда мазкур Низомга 3-иловада назарда тутилган тартибда рекламация далолатномалари тузилади.

IV. Шартномани расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар ҳамда донни қайта ишлаш юзасидан қишлоқ хўжалиги корхонларига ва бошқа корхоналарга, шунингдек жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар бўйича ҳисоб юритиш тартиби

31. Донни хом ашё маҳсулоти қайтариб олиниши асосида қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш шартнома асосида амалга оширилади, уларнинг дастлабки ҳисоби ҳам мазкур Низомга мувофиқ расмийлаштирилади, бунда маҳсулоти қайтариб олинadиган хом ашё қиймати бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ баланс ҳисоб рақамлари сифатида ҳисобга олинади.

Маҳсулоти қайтариб олинadиган дон бўйича лабораторияда ҳам, бухгалтерияда ҳам миқдор ва сифатни ҳисобга олишнинг тартиб рақами қўйилган ва ип ўтказиб тикилган, тегишли имзолар қўйилган ва корхона мухри босилган алоҳида дафтари юритилади.

V. Дон ва дон маҳсулотларини жўнатишни расмийлаштириш

32. Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинган дон ва дон маҳсулотларининг тизимдан ташқари истеъмолчиларга сарфи (бериш ва юклаб жўнатиш) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли топшириқлари асосида амалга оширилади.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинган дон ва дон маҳсулотларининг корхонага сарфи (бериш ва юклаб жўнатиш) учун буйруқлар (221-шакл) ва нарядлар, шунингдек улар асосида жўнатувчи корхоналар ва олувчи корхоналар ўртасида тузилган шартномалар ҳужжат (асос) бўлиб ҳисобланади.

33. Тизимдан ташқари истеъмолчиларга дон ва дон маҳсулотлари бериш буйруқ (221-шакл) билан расмийлаштирилади, уларнинг тизим ичида ташилиши нарядлар (222-шакл) билан расмийлаштирилади.

34. Корхонага тушадиган барча буйруқлар ва нарядлар дон маҳсулотларини бериш учун олинган ва ёзилган буйруқлар ва нарядларни ҳисобга олиш журналла-

рида рўйхатдан ўтказилади. Ҳар бир буйруққа дон маҳсулотлари берилишининг ҳисоби карточкаси юритилади. Унда омборга берилган буйруқлар ва уларнинг ба- жарилиши, берилган дон ва дон маҳсулотлари ва уларнинг ушлаб қолиниши қайд этилади.

Буйруқлар ва нарядлар дон ва дон маҳсулотлари юклаб жўнатилишини тас- диқлайдиган ҳужжатлар билан биргаликда корхона бухгалтериясига берилади.

35. Дон маҳсулотларини юклаб жўнатиш ва бериш ҳужжатларида – транспорт юк хатларида ва бошқа шахарга юклаб жўнатиш бўйича корхоналар томонидан ёзи- ладиган сўёт-фактураларда наряд ёки буйруқнинг тартиб рақами кўрсатилиши ке- рак.

36. Дон ва дон маҳсулотларининг ҳар бир туркуми буйруқ (16-шакл) асосида корхонанинг моддий жавобгар шахси томонидан, тортиш йўли билан аниқланади- ган (стандарт оғирликдаги қопларга қадоқланган маҳсулотдан ташқари) микдор бўйича ва корхона лабораторияси аниқлаган сифат кўрсаткичи бўйича берилади (юклаб жўнатилади).

Юк жўнатувчида вагон ёки элеватор тарозилари бўлмаса, оғирликни аниқлаш жўнатиладиган станциянинг вагон тарозиларида темир йўлнинг тарозибони томо- нидан юк жўнатувчи билан биргаликда аниқланади, ва уларнинг юк хатдага имзоси билан тасдиқланади.

37. Юкларни тортиш натижалари тарози журналларига (28 ва 29-шакллар) киритилади. Тиркамали автомобилларда олиб чиқиб кетилаётган туркум дон бўйича журналларда (28 ва 29-шакллар) автомобиль ва тиркаманинг рақами кўрсатилади.

38. Стандарт оғирликдаги қопларга солинган ун, ёрма ва маккажўхори уруғ- ликлари, бошқа уруғларни бериш тарозидан тортилмасдан амалга оширилади, улар- нинг оғирлиги эса қоплар сони ва стандарт оғирлик ёки ҳар бир юк ўрнида етказиб берувчи томонидан кўрсатилган оғирлик бўйича аниқланади.

39. Бериш (юклаб жўнатиш)да дон ва маҳсулотнинг сифати корхона лаборато- рияси томонидан аниқланади, текшириш натижалари текшириш карточкасига ва журналга киритилади.

40. Олувчиларга ем аралашмаси ва омихта ем беришда уларнинг ҳар бир турку- мида сифат гувоҳномаси берилади (43-шакл).

41. Сифат гувоҳномасини (43-шакл) расмийлаштиришда корхона лаборатория- си унда бериш пайтида аниқланган маҳсулотнинг амалдаги намлигини кўрсатади, сифатнинг бошқа кўрсаткичлари мазкур гувоҳнома бўйича акс эттирилади.

42. Олувчи дон ва маҳсулот сифатига норозилик билдирган тақдирда, улар олувчи иштирокида кўрсатиб ўтилган лаборатория томонидан такроран анализ қили- нади ёки намуна сифат тўғрисидаги узил-кесил хулоса учун ваколатли давлат орга- нига юборилади.

43. Юк темир йўл станцияси ёки бандаргоҳга топширилгандан кейин корхона- нинг ваколатли шахси станциядан (бандаргоҳдан) юк квитанциялари (темир йўл квитанциялари ва дарё юк хатлари)ни олади ҳамда ўша куннинг ўзида уларни дон маҳсулотларини юклаб жўнатган моддий жавобгар шахсга беради.

44. Дон ва маҳсулотнинг оғирлиги юк товар-транспорт юк хатига (21-шакл) имзо чекилган ҳолда топшириладиган ҳайдовчи ёки қузатиб борадиган шахс ишти- рокида моддий жавобгар шахс ёки тарозибон томонидан аниқланади.

45. Моддий жавобгар шахс юк квитанциялари тўғри тўлдирилганлигини тек- ширади, уларни қайта тортиш журнали билан солиштиради ва шундан кейин дон маҳсулотларини юклаб жўнатишга темир йўл ведомостлари ёки дарё юк хатлари (20-шакл) тўлдириб юклаб жўнатишни расмийлаштиради.

46. Моддий жавобгар шахс дон ва дон маҳсулотлари юклаб жўнатилгандан кейинги кундан кечикмай транспорт-юклаб жўнатиш ҳужжатларини ҳисобот билан биргаликда корхона бухгалтериясига топширади.

47. Дон ва маҳсулот темир йўл ёки дарё транспортига юкланганда ортилган ҳар бир дон ва маҳсулотнинг туркумига лаборатория сифат гувоҳномаси ёзади ва унда юк хати бўйича оғирликни ва лаборатория бўйича аниқланган сифатни кўрсатади, стандарт оғирликдаги қопларга солинган ун ва ёрма бўйича эса, бундан ташқари, қоплашдаги намлик ва юклаб жўнатиш санаси кўрсатилади.

Донни темир йўл транспортига ортишда битта темир йўл хати бўйича битта олувчининг номига бир неча вагонларга юкланган доннинг бир хилдаги туркумига битта сифат гувоҳномаси беришга рухсат берилади.

Ушбу ҳолларда сифат гувоҳномасида вагонларнинг рақами кўрсатилади. Бундай тартиб тарқатиш станцияларида юклаб жўнатишда татбиқ этилмайди.

48. Сўтадаги маккажўхорини юклаб жўнатишда сифат гувоҳномаларида доннинг амалдаги чиқиши ҳам кўрсатилади.

49. Сифат гувоҳномаси ИЧТЛ бошлиғи (лаборатория мудир) ёки унинг ўрнидаги шахс томонидан имзоланади.

50. Дон ва дон маҳсулотларини автомобиль транспортига юклаш моддий жавобгар шахс томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилдиган буйруқ (16-шакл) асосида амалга оширилади.

Дон ва дон маҳсулотларини автомобиль транспортда ташиш учун бериш товар транспорт хати билан расмийлаштирилади (21-шакл).

51. Дон ва дон маҳсулотларининг ҳар бир туркумига лаборатория томонидан белгиланган шакл бўйича сифат гувоҳномаси ёзилади.

52. Дон ва маҳсулотни корхона ичида ташишга раҳбар томонидан имзоланган юк хатлари (19-шакл) расмийлаштирилади.

Дон ва маҳсулотни бир ҳудуд доирасида омбордан омборга ташишда оғирлик бир марта ҳар иккала моддий жавобгар шахс ҳозирлигида аниқланади.

Дон ёки маҳсулот бир моддий жавобгар шахснинг ихтиёрида бўлган омборлар бўйича алоҳида миқдор-сифат ҳисоби юритилдиган омбордан омборга ташилганда оғирлик моддий жавобгар шахс томонидан корхона раҳбари тайинлаган ходим ҳозирлигида аниқланади.

53. Корхона ичида ташилдиган дон ва маҳсулотнинг сифати, стандарт оғирликдаги қопларга солинганлар бундан мустасно, лаборатория томонидан аниқланади ва сифат кўрсаткичлари юк хатида (19-шакл) кўрсатилади.

54. Дон маҳсулотларини корхона ичида ташишга фармойиш (19-шакл) корхона раҳбари томонидан белгиланган муддат давомида амал қилади.

55. Навли уруғликларнинг ҳар бир туркумини беришда қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

а) Уруғликка аттестат (86-шакл) — барча ўсимликларнинг элита уруғига ва супер элитасига, шунингдек маккажўхорининг ўзидан-ўзи чангланган линиялари уруғига;

б) Уруғликка гувоҳнома (85-шакл) — қолган барча репродукциялар уруғига;

в) Маккажўхорининг гибрит уруғларига гувоҳнома (84-шакл) — маккажўхорининг гибрит уруғларига.

56. Ушбу ҳужжатларда нав сифатлари топширувчиларнинг нав ҳужжатлари асосида, экиш сифатлари эса — уруғчилик бўйича ваколатли орган томонидан берилган Уруғнинг кондиционлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида акс этирилади. Уруғларнинг намлиги уруғлик ортиб жўнатилган ёки берилган кунда корхона лабораторияси томонидан амалга оширилган текшириш асосида кўрсатилади.

57. Уруғликка аттестатлар ва уруғликка гувоҳномалар корхона раҳбари, ИЧТЛ бошлиғи ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади.

58. Навли уруғларни беришда транспорт ҳужжатларига навли уруғларнинг мазкур туркумига берилган уруғликка аттестат ёки гувоҳнома илова қилинади.

Гувоҳнома ёки аттестат нусхалари юклаб жўнатилган уруғликнинг счёт-фактурасига илова қилинади ва лабораторияда қолади.

59. Ишлаб чиқариш жараёнида уруғликларнинг ноқондицион туркумлари аниқланган тақдирда уларга қўшимча ишлов бериш, уларни қондицияга етказиш чоралари қўрилиши керак. Уларни қондициягача етказиш имкони бўлмаган тақдирда ушбу туркум уруғлик ресурсларидан чиқарилади.

VI. Донни филиаллар, ижарага олинган корхоналар ва йироқдаги пунктлардан узоқ муддат сақлаш ва қайта ишлаш учун олиб чиқишни расмийлаштириш

60. Корхоналар томонидан филиаллардан ижарага олинган ва йироқдаги пунктлардан донни олиб чиқиш асосий корхонанинг раҳбари кўрсатмаси асосида амалга оширилади.

61. Донни тарозида тортиш моддий жавобгар шахс (тарозибон) томонидан автомобиль ёки товар тарозиларида автомобиль ҳайдовчиси ҳозирлигида амалга оширилади.

Ҳайдовчи юкни товар-транспорт юк хатига имзо чекиб ташиш учун қабул қилиб олади ва донни бориш пунктида ҳам оғирлиги бўйича топширади.

Филлиаллар, ижарага олинган корхоналар ва йироқдаги пунктларни узоқ муддат сақлаш ва қайта ишлаш учун олиб чиқиш уч нусхада ёзиладиган товар-транспорт юк хати (21-шакл) билан расмийлаштирилади.

62. Доннинг сифати лаборатория томонидан аниқланади ва товар-транспорт юк хатларида (21-шакл) кўрсатилади.

63. Филиаллар, ижарага олинган корхоналар ва йироқдаги пунктлардан донни олиб чиқишда асосий корхонага олиб келинган доннинг сифати донни қабул қилган корхонанинг лабораторияси томонидан аниқланади ва миқдор-сифат ҳисоби дафтарида (36-шакл) қайд этилади.

Дон ва маҳсулот автомобиль транспортда ва ўз вагонлари билан бир аҳоли пунктида жойлашган корхонадан корхонага ташилганда намуналар танланади ва сифати етказиб берувчи ва олувчи вакиллари томонидан корхона лабораторияларида аниқланади. Дон ва маҳсулот жўнатувчи томонидан харажатларга чиқим қилинади ва олувчи томонидан айни бир сифат бўйича кирим қилинади.

64. Доннинг сифатини аниқлаш ва автотранспортнинг ушланиб қолишига йўл қўймаслик мақсадида сифати бўйича бир хил дон туркумларини ўртача суткалик намуналар бўйича амалга оширишга рухсат берилади.

Ўртача суткалик намуналар лабораториялар томонидан донни асосий корхонага юклаб жўнатган ҳар бир алоҳида ҳисобга олинган шахс бўйича шаклантирилади.

65. Сифати бўйича бир хил дон туркумлари ўртача суткалик намуналар бўйича асосий корхона томонидан қабул қилиб олинишида унинг лабораториясида аниқланган доннинг сифати жўнатувчи корхонанинг ҳужжатлари бўйича доннинг ўртача тарозида тортилган сифати билан қиёсланади.

66. Лабораториялар ўртасида ҳар хилликлар пайдо бўлган тақдирда низо ваколатли давлат органи томонидан ҳал қилинади. Филиаллар, ижарага олинган корхо-

налар ва йирокдаги пунктлардан донни бевосита бошқа корхоналарга юклаб жўнатишда ҳар хилликлар пайдо бўлган тақдирда мазкур Низомга мувофиқ рекламация далолатномаси расмийлаштирилади.

Дон ўртача суткалик намуна бўйича асосий корхона томонидан қабул қилиб олинishiда рекламация далолатномасида жўнатувчи корхонанинг ҳужжатлари бўйича доннинг ўртача тарозида тортилган сифати ва ўртача суткалик намуна бўйича лаборатория томонидан аниқланган амалдаги сифат кўрсатилади.

Ваколатли давлат органининг вакили ҳозир бўлмаган тақдирда сифатни биргаликда аниқлаш учун жўнатувчининг вакили (катта лаборант, лаборант) чақирилади. Бундай аниқлаш натижалари тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилади ҳамда олувчи ва жўнатувчи учун мажбурий ҳисобланади.

Филиаллар, ижарага олинган корхоналар ва йироқ пунктлар унинг таркибига кирадиган асосий корхоналар ҳар бир рекламация далолатномаси олингандан кейин миқдор, сифат ҳисоби дафтарига (36-шакл) ҳар бир филиал, ижарага олинган корхона ва йирокдаги пункт бўйича алоҳида тегишли тузатишлар киритиши шарт.

67. Автомобилда ташишда доннинг сифати ёмонлашиши ва камомати аниқланган ҳолларда эътироз расмийлаштирилади ва бир сутка муддатда автотранспорт ташкилотига берилади.

VII. Дон ва маҳсулотни тозалаш, қуришиш ва уларни қайта ишлашнинг бошқа турларини расмийлаштириш

68. Тозалаш ва дон, ун ва ёрмага ишлов беришнинг бошқа турлари раҳбарнинг фармойишига кўра амалга оширилади.

Фармойишда мажбурий тартибда тозаланиши керак бўлган доннинг ва ишлов берилиши керак бўлган ун ва ёрманинг миқдори ва сифати, уни амалга оширишнинг мақсади ва усуллари, сифатнинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича уларни қайси кондициягача етказиш зарурлиги ва ишнинг тамом бўлиши муддати кўрсатилади.

69. Ишлар бажарилиши лаборатория томонидан иш тамом бўлгандан кейинги кундан кечикмай моддий жавобгар шахс билан биргаликда далолатнома шаклида (34-шакл) расмийлаштирилади.

70. Дон туркумларига ишлов бериш бир ойда камида бир марта далолатнома (34-шакл) билан расмийлаштирилади.

71. Далолатномада дон ва маҳсулотнинг ишлов берилгунгача ва ишлов берилгандан кейинги миқдори ва сифати, олинган қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндиларнинг миқдори ва сифати кўрсатилади. Далолатнома моддий жавобгар шахс ва ИЧТЛ бошлиғи томонидан имзоланиши, бухгалтер томонидан текширилиши ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланиши керак.

Дон дон тозалаш машиналарида тозаланганда омборда сақланаётган барча алоҳида ҳисобга олинган дон туркуми, тозаланган дон миқдори ҳисобга олиш маълумотлари бўйича аниқланади.

Агар омборда сақланаётган доннинг фақат бир қисми тозаланса, ишлов беришгача бўлган миқдор тартиб кўриш йўли билан ёки бутун туркумга ишлов беришгача — ўлчаш йўли билан аниқланади. Ишлов беришгача дон сифатини аниқлаш усули далолатномада (34-шакл) кўрсатилади.

72. Бир жойда турадиган тарозилар билан жиҳозланган элеваторларда, қуришиш-тозалаш минораларида ва механизациялаштирилган омборларда ишлов бериш учун берилаётган дон миқдори тарозида тартиб кўриш йўли билан аниқланади.

Донни тозалаш ва ташишда, шунингдек ун ва ёрмага ишлов беришда олинган

озуқа дон маҳсулотлари ва чиқиндилар дон ва маҳсулотнинг ҳар бир ишлов берилган туркуми бўйича алоҳида аниқланадиган оғирлик ва сифат бўйича чиқиндилар цехига берилади. Озуқабоп дон маҳсулотлари ва чиқиндиларнинг тарозида тортилган оғирлиги ишлов бериш далолатномаларига тиркаб қўйилади.

73. Донни потокда тозалаш ва қуритишни тозалаш ва қуритишга далолатномаларда (34-шакл) расмийлаштиришда ушбу поток линиясига донни қабул қилиш бўйича маълумотлардан келиб чиқиб шахсий ҳисоб рақамлари бўйича миқдор-сифат ҳисобини кўрсатиш керак.

Далолатномаларда (34-шакл) қуйидагилар кўрсатилади:

тозалашгача миқдори ва сифати — қабул қилинган донга реестрлар маълумотлари асосида;

дон тозалангандан кейин олинган қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар миқдори ва сифати;

қуритишга юборилган дон миқдори (дон чиқиндиларини тозалашда олинган оғирлик бундан мустасно, агар булар дон қуритилгунга қадар ажратиб олинса), шунингдек қуритишгача ва қуритилгандан кейин доннинг намлиги;

лаборатория текширишлари асосида формула бўйича аниқланган қуритишда оғирликнинг камайиши.

74. Донни тозалашда олинган қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар оғирлиги бўйича чиқиндилар цехига (омборга) берилади, асосий экин бўйича ҳисоб рақамидан чиқим қилинади ва сақлаш жойи бўйича кирим қилинади.

Қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар оғирлиги ведомостлари дон тозалаш далолатномаларига (34-шакл) тиркалади.

75. Тозалаш ва қуритишдан кейин доннинг сифати ҳамда қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар сифати корхона лабораторияси томонидан аниқланади.

76. Қуритиш пайтида доннинг камайиши мазкур Низомда белгиланган тартибда акс эттирилади.

Сақлаш жойи тозалангунга қадар қуритишдан камайишнинг омбор ва тезкор ҳисоботлари бўйича мавжуд дондан дастлабки чиқим амалга оширилади.

Жойлаштиришда ўз-ўзидан навларга ажралиши, шунингдек донни силжитадиган механизмлар билан шамоллатиш натижасида уюм юзасида ҳосил бўладиган енгил органик аралашма дон уюми юзасидан олиб ташланиши керак.

Қўплаб чиққан дон уюмидан нормал дон олиш мақсадида ишлов берилади. Ушбу уюмга ишлов бериш ҳам далолатномалар (34-шакл) билан расмийлаштирилади.

77. I ва II тоифали қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар нормал дон олингандан кейин оғирлиги тартиб кўрилади, уларнинг сифати аниқланади, шундан кейин улар чиқиндилар цехига (омборга) берилади, III тоифа чиқиндилар (ноозуқа) эса тартиб кўрилади ва белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Чиқиндилар цехига (омборга) топширилган қўшимча маҳсулотлар I ва II тоифали чиқиндилар, шунингдек III тоифа (ноозуқа) йўқ қилинган чиқиндилар улар олинган асосий экиннинг ҳисоб рақамидан ўчирилади.

78. Донни транспортерларда кўтарма ғалвирли ташишда ҳосил бўладиган озуқабоп дон маҳсулотлари ва чиқиндилар (ноозиқ маҳсулотлар) белгиланган тартибда ишлов беришга далолатнома (34-шакл) билан расмийлаштирилади.

79. Ортиш-тушириш ишларини бажаришда ва донни транспортерлар (кўтарма ғалвирсиз) билан ташишда ҳосил бўладиган кўкариб чиққан дон далолатнома (22-шакл) тузиш билан расмийлаштирилади ва тегишли сақлаш жойи бўйича кирим қилинади. Бундай кўкариб чиққан донни ҳисоб рақамидан чиқариб ташлаш тозалаш далолатномаси тузилиши кутиб ўтирилмасдан улар ҳосил бўлиши давомида амалга оширилади.

80. Фойдаланиш учун яроқсиз бўлган чиқиндилар (ноозик маҳсулотлар) ва кўкариб чиққан дон корхона ҳудудидан чиқариб ташланиши ва мазкур Низомда белгиланган тартибда йўқ қилиниши керак.

81. Донни қуёшда қуритиш ишлов бериш далолатномаси (34-шакл) билан расмийлаштирилади. Қуёшда қуритишда қўшимча маҳсулотлар ва чиқиндилар ҳосил бўлмаслиги муносабати билан ушбу кўрсаткичлар устидан далолатномаларда (34-шакл) чизик тартиб қўйилади.

VIII. Донни қабул қилиш ва қайта ишлашнинг дастлабки ҳисоби ва ҳужжатлар билан расмийлаштириш

82. Ишлов бериш учун омборлардан дон бериш ИЧТЛ хулосасига мувофиқ белгиланган тартибда расмийлаштирилган, раҳбар томонидан имзоланган фармойиш (109-шакл) асосида амалга оширилади.

Фармойишда қайси омборлардан, силослардан ёки бошқа сақлаш жойлардан ишлов бериш учун дон ажратилиши, унинг оғирлиги ва сифати кўрсатилади, фармойиш тўрт нусхада ёзилади, биринчи нусхаси ИЧТЛда қолади, иккинчи нусхаси донни бераётган тегишли моддий жавобгар шахсга, учинчи нусхаси ишлаб чиқариш цехи бошлиғига ва тўртинчи нусхаси бухгалтерияга берилади.

83. Омихта ем ишлаб чиқариш учун хом ашё бериш белгиланган тартибда талабномалар-юк хатлари (119-шакл) билан расмийлаштирилади, уларда рецептларнинг тартиб рақами ва белгиланган рецептура бўйича омихта ем ишлаб чиқариш учун талаб этиладиган хом ашё миқдори кўрсатилади.

84. 110-шакл бўйича (ёки 119-шакл бўйича талабнома-юк хати) асосида берилган дон (хом ашё) ва лаборатория текширишлари маълумотлари бўйича қайта ишлаш учун берилган дон омбордан чиқим қилинади ва ишлаб чиқариш цехи томонидан кирим қилинади.

Корхона раҳбари томонидан белгиланган донни бераётган масъул шахслар, ишлаб чиқариш корпуси бошлиғи ва унинг ёрдамчилари тарози приборлари соз ишлашини ва ишлаб чиқаришга берилаётган тарозида тўғри тортилишини текшириш натижаларини тарози журнаliga киритган ҳолда мунтазам равишда текшириб туришлари шарт.

85. Ишлаб чиқарилган маҳсулот корхоналарда ҳисоблагичнинг кўрсаткичлари бўйича ҳисобга олинади, чиқиндилар эса бевосита смена мастери ёки қоплаш бўлими мудирининг бевосита кузатувида тарозида тортилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисоби журналда (116-шакл) смена мастери томонидан юритилади, санитария ҳолати тўғрисидаги белгини смена лаборанти кўяди.

Журналда, шунингдек идишсиз сақлаш омборига, қадоқлаш цехига берилган маҳсулот, қопланган қоплар сони ҳам юритилади. Маҳсулотни ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулот омборига бериш юк хати (112-шакл) билан расмийлаштирилади.

Юк хатлари ҳар бир смена тамом бўлгандан кейин тўлдирилади ва қоплаш бўлим мудирини томонидан имзоланади, у бўлмаган жойларда эса — цех бошлиғи ёки смена мастери ва омбор мудирини томонидан имзоланади. Юк хатининг бир нусхаси маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳисоб рақамидан чиқариш учун бошқа нусхаси эса — маҳсулотни омборга кирим қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Идишсиз сақлаш омборларида маҳсулот ҳажм автомат тарозиларда аниқланган ҳолда кирим қилинади.

86. Ишлаб чиқариш цехи бошлиғи ёки смена мастерлари, лаборатория ходимлари, шунингдек омбор мудирлари ёки уларнинг ёрдамчилари тарозининг тўғри ишлашини мунтазам равишда текшириб туришлари зарур. Ҳисоблагичлар кўрсаткичлари билан маҳсулот омборига берилган амалдаги миқдор ўртасида фарқ бўлган ҳолларда сабаблари батафсил кўрсатилган ҳолда фарқлар тўғрисида далолатнома тузилади.

87. Бир сутка ўтгандан кейин тегирмонларда икки нусхада тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш, топшириш ва фойдаланилган идиш тўғрисида билдирги (113-шакл) тузилади. Билдиришноманинг бир нусхаси бухгалтерияга берилади, иккинчи нусхаси цехда қолади.

Ишлаб чиқилган маҳсулот билдиргида нетто оғирликда кўрсатилади.

Бир смена маҳсулотини бошқа сменага бериш қоплаш бўлимида қолдиришга йўл қўйилмайди.

88. Ишлаб чиқилган барча маҳсулот тўлалигича омборга берилиши керак. Маҳсулотни омборни четлаб бериш қатъиян тақиқланади.

89. Тегирмонда ўрнатилган тарозидан аниқланган оғирлик ёки ҳақиқатда сотишда аниқланган ва тегишли ҳужжат билан расмийлаштирилган оғирлик (тарози журнали — 28-шакл ва 29-шакл) кепак, қўшимча маҳсулотлар, чиқиндилар оғирлиги ҳисобланади.

90. Ишлаб чиқариш жараёнида олинган чиқиндилар (ноозиқ маҳсулотлар) тўпланиб бориши давомида оғирлиги тортилиб кўрилади, корхона ҳудудидан ташқарига чиқарилади ва корхона раҳбари томонидан тайинланган комиссия ҳозирлигида йўқ қилинади. Комиссия таркибига омбор мудирлари, ишлаб чиқариш-технология лабораторияси (ИЧТЛ) ва корхона соқчилари вакиллари мажбурий тартибда киритилади.

Чиқиндиларни (ноозиқ маҳсулотларни) йўқ қилиш далолатномалари (23-шакл) билан расмийлаштирилади. Далолатномалар корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Чиқиндиларни (ноозиқ маҳсулотларни) йўқ қилиш учун корхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш рухсатнома (196-шакл) билан амалга оширилади.

91. Чиқиндиларни (ноозиқ маҳсулотларни) тарозидан тортиш натижалари тарози журналига (28-шакл) киритилади. Агар тиркамали автомобилда олиб чиқилса, у ҳолда журналда автомобиль ва тиркаманинг рақами кўрсатилади. Маҳсулот солинган стандарт оғирликдаги қопларнинг тўғрилигини таъминлаш учун корхона раҳбарлари ва тегишли масъул шахслар жавоб беради.

Цех бошлиғи ва унинг смена мастерлари, лаборантлар, шунингдек тайёр маҳсулот омбори мудирлари (унинг ёрдамчилари) ҳар ойда (камида икки марта) маҳсулотнинг белгиланган нормаларга (стандарт оғирликка) мувофиқ жойланиши тўғрилигини текшириши керак. Корхоналар раҳбарлари стандарт оғирлик тўғрилигини ҳар ўн кунда назорат тартибидан текширишни ташкил этишлари керак. Четга чиқиш аниқланган тақдирда улар дарҳол тарози оғирлигини тортиб қоплаш аппаратларини созлаш чораларини кўришлари керак. Ун, ёрма солинган, стандарт оғирликдан четга чиққан қоплар стандарт оғирликка етказилиши керак.

Маҳсулотни қоплашда стандарт оғирликни назорат тартибидан текширишда, агар маҳсулот солинган қопларнинг оғирлигидаги четга чиқиш оғирлигини тортиб қоплаш аппаратининг йўл қўйиладиган нуқсони алоҳида қоп учун $\pm 0,25\%$ ўн қопдаги маҳсулотнинг ўртача оғирлиги $\pm 0,10\%$ бўлса тўғри ҳисобланади. Стандарт оғирликни жўнатувчининг ёки олувчининг омборларида текширишда тарозиларнинг йўл қўйиладиган нуқсони ва намлик пасайишидан кўрилган оғирликнинг камайиши миқдори ҳисобга олинади.

92. Намлик пасайишидаги кўрилган камомад ҳажми қўйидаги формула асосида

ҳисоблаб чиқилган қопга солинаётган пайтдагиси билан етказиб берилаётган вақтдаги намлик орасидаги солиштирилган фарқдан ошмаслиги лозим:

$$X = \frac{100 (a - б)}{100 - б}$$

Бунда: X — оғирлик камайиши фоизи;

a — қоплашдаги намлик кўрсаткичи;

б — сотиш ёки сақлашдаги намлик кўрсаткичи.

Текшириш камида 10 та қопни тортиб кўриш йўли билан амалга оширилади.

93. Қоплаш бўлими ёки омборда стандарт оғирликни текшириш натижалари қоплардаги маҳсулот стандарт салмоғини назорат қилиш журнаliga (150-шакл) киритилади. Журналга текширишда ҳар бир қоп (пакет)даги маҳсулотнинг стандарт оғирлигидан четга чиқиш ёзиб қўйилади.

94. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сифати корхона лабораторияси томонидан аниқланади ва топшириладиган юк хатларида кўрсатилади.

95. Агар ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати текшириляётган вақтда брак (но-стандарт) маҳсулот аниқланса, унда ИЧТЛ (корхона лабораторияси) бу ҳақда белгиланган шаклда далолатнома тузади. Далолатномада ностандарт маҳсулотнинг миқдори ва ностандарт маҳсулот ишлаб чиқарилишига сабаб бўлган аломатлар кўрсатиб ўтилади. Ностандарт маҳсулот алоҳида тахланади ва албатта қайта ишланиши керак.

Ностандарт маҳсулот ҳисоби (ҳужжатлар билан расмийлаштириш) ҳар ойда юритилади.

Ностандарт маҳсулотга ишлов бериш журналда (116-шакл) акс эттирилади.

Агар смена охирида ностандарт маҳсулот мавжуд бўлса, унинг миқдори у қачон ва ким томонидан кейинчалик ишлов берилишидан қатъи назар, ҳисобга оlinиши керак.

Стандартлар талабларига ёки сифатнинг вақтинчалик нормаларига жавоб бермайдиган маҳсулот ностандарт маҳсулот тоифасига тегишли бўлади.

96. Агар илгари брак қилинган маҳсулот уни майда туркумларга бўлиб текширишда стандарт деб эътироф этилса, у ҳолда брак қилиш тўғрисидаги далолатнома билан ҳужжатлар орқали тасдиқланган бундай ун ёки ёрма миқдори ностандарт маҳсулот миқдоридан чиқариб ташланади. Ностандарт маҳсулотни қайта ишлашга бериш корхона раҳбарининг фармойиши бўйича амалга оширилади ва юк хати билан расмийлаштирилади (115-шакл).

97. Бухгалтерия ҳисобида турган ностандарт маҳсулот, қаерда (омборда ёки ишлаб чиқариш цехида) турганлигидан қатъи назар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобида бўлиб, фақат маҳсулотдаги носозлик тўғрилангандан кейин, тайёр маҳсулот ҳисобига қўшилади.

Ишлаб чиқариш цехи бошлиғи журналда (116-шакл) ностандарт маҳсулотлар ташилиши ҳисобини олиб боради ва қайта ишлашга берилган ушбу маҳсулот иккинчи марта корхона ишлаб чиққан маҳсулот ҳажмига қўшилиб кетмаслигини назорат қилиб боради.

98. Ун тортиш вақтида уч суткадан ортиқ бўлмаган муддатда ёки ўн кун тургандан кейин биринчи сменанинг тўрт соати мобайнида ишлаб чиқилган амалдаги сифат нормаларига мувофиқ бўлмаган маҳсулотлар ностандарт маҳсулот сифатида ҳисобга оlinмаслиги ва ишлаб чиқариш корпусини ойлик тозалашгача қайта ишланиши керак.

99. Омихта ем ва аралаш озуқа ишлаб чиқариш ҳисоби, шунингдек бир смена-

да хом ашёдан фойдаланиш сменали билдиришнома билан (114-шакл) расмийлаштирилади.

100. Бир сменада ишлаб чиқарилган омихта ем ва аралаш озуқалар ҳар бир тарозидида тортилган омихта ем ва аралаш озуқа тарози журналида рўйхатдан ўтказилган ҳолда оғирлиги бўйича омборларга берилади. Улар ҳар бир рецепт бўйича алоҳида сақланиши керак. Смена тамом бўлгандан кейин тарози журналидаги тарозидида тортилган омихта ем ва аралаш озуқа ҳисоблаб чиқилади ва маҳсулотни бериш юк хати билан расмийлаштирилади. Юк хатида ҳар бир рецепт бўйича омборга берилган маҳсулот миқдори кўрсатилади.

Омихта ем корхонасининг ишлаб чиқариш цехи смена мастери смена тамом бўлгандан кейин бир сменада омихта ем ишлаб чиқарилиши ва хом ашёдан фойдаланиш тўғрисида билдиришнома ёзади (114-шакл). Билдиришномада бир сменада рецептлар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот ва турлар бўйича қайта ишланган хом ашё миқдори кўрсатилади.

Билдиргида кўрсатилган миқдор тўғрисидаги маълумотлар тарози журналларидаги тортиш яқунларига мувофиқ бўлиши керак.

Ҳар бир смена охирида ишлаб чиқариш цехидаги хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар қолдиғи (майдалаш машиналари ва дозаторлар устидаги силослардаги) ўлчаш йўли билан (шартли равишда, ойлик тозалаш ўтказилгунгача) аниқланади, улар навбатдаги сменага берилади.

Бир сменада хом ашё сарфи смена бошланишида хом ашё қолдиғидан ва бир сменада хом ашё тушишидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш цехида смена охирида қолган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар миқдорига камайтириб аниқланади.

101. Хом ашё сарфи ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар нормаси ҳисобга олинган ҳолда бир сменада маҳсулот ишлаб чиқаришга мувофиқ бўлиши керак.

Тайёр маҳсулотнинг омбор ҳисоби мазкур Низомга мувофиқ юритилади. Ун-ёрма ва омихта ем корхоналарининг тайёр маҳсулот омборлари мудирлари ҳар куни омборга ҳақиқатда тушган маҳсулот миқдорини ва ҳар бир смена учун юк хатлари билан расмийлаштирилган чиқиндиларни ўз омбор ҳисоботлари бўйича кирим қилдилар.

Корхона бухгалтерияси томонидан ҳар куни омборга кирим қилинган маҳсулот, дон маҳсулотлари ва ноозуқа чиқиндилар миқдорини смена билдиришномаларида кўрсатилган миқдор билан таққослайди. Фарқлар аниқланган тақдирда уларнинг сабабларини аниқлаш ва фарқларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш учун корхона раҳбарига ахборот берилади.

IX. Ишлаб чиқариш корпусларини тозалаш ва ишлаб чиқаришда фойдаланилган хом ашёнинг натижаларини аниқлаш

102. Ун, ёрма корхоналарда ишлаб чиқариш корпусини тўлиқ тозалаш ҳар ой тамом бўлгандан кейин комиссия томонидан амалга оширилади. Комиссиянинг таркибида бош муҳандис, бош бухгалтер, ишлаб чиқариш ва ИЧТЛ раҳбарлари, элеваторлар, дон омбори ва тайёр маҳсулотнинг моддий жавобгар шахслари ва бошқалар кириши керак.

Тозалаш ўтказишдан олдин охириги иш сменасида ишлаб чиқариш цехига берилган дон (хом ашё) тўлиқ ишлатилиши устидан назорат таъминланиши керак.

Агар тозалаш тамом бўлгунга қадар тозалаш тугагандан кейин ишлайдиган кейинги смена учун дон (хом ашё) берилган бошлаган бўлса, у ҳолда ушбу смена учун берилётган дон (хом ашё) тарози журналларида алоҳида қайд қилинган, тозалаш-

гача бўлган олдинги сменада ишлатилган дон (хом ашё) билан аралашиб кетилишига йўл қўйилмаган ҳолда алоҳида хирмонларга жўнатилиши керак.

Тозалашдан олдинги сменада ишлаб чиқарилган барча маҳсулот тўлиқ ҳолда омборга берилади. Ишлаб чиқариш корпусида маҳсулотнинг қандайдир қисми, чиқиндилар ва ҳоказолар қолдирилишига рухсат этилмайди.

103. Алоҳида ҳолатларда, технологик жараёнларни олиб бориш шароитида ишлаб чиқариш корпусидаги (хирмонлар, силослар, идишлар, бункерлар ва ҳоказолар) хом ашёни қабул қилиш жойларини хом ашё қолдигидан (омихта ем корхоналарида), тўлиқ бўшатиш имконияти бўлмаса бундай қолдиқлар миқдори тортиб кўриш йўли билан белгиланган тартибда комиссия томонидан аниқланади.

104. Тозалаш натижалари бўйича ишлаб чиқариш корпусини тозалаш тўғрисида далолатнома (117-шакл) тузилади. Унда қайта ишлашга қабул қилинган дон миқдори, олинган асосий маҳсулот миқдори, ембоп дон маҳсулотлари ва чиқиндилар, ҳақиқий қуриганлик (намланиш) акс эттирилади.

Маҳсулотнинг ҳисоб бўйича чиқишини корхонанинг ишлаб чиқариш-технология лабораторияси аниқлайди.

105. Маҳсулотнинг ҳисоб бўйича чиқишини аниқлаш учун корхонанинг ишлаб чиқариш-технология лабораторияси томонидан ҳисобот даври учун қайта ишлаш учун берилаётган доннинг ўртacha сифати қабул қилинади. У сифат-миқдор дафтарларида (36-шакл) кўрсатилганга мос келиши керак (баъзи ёрма ўсимликларидаги бегона аралашмалар бундан мустасно).

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг намлик бўйича сифат кўрсаткичи (оралиқ маҳсулот), ушбу ҳисобот даврида сифат-миқдор журналида кирим қилинган маҳсулот намлигига ҳам мос келиши керак.

Тозалаш далолатномасида, шунингдек, тозалашгача ва тозалашдан кейинги хом ашё сифати, маҳсулот сифати, ҳамда ностандарт маҳсулот чиқиши ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Ностандарт маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги ҳақидаги маълумотлар бирламчи ҳужжатлар асосида кўрсатилади. Қайта ишланган ностандарт маҳсулот ишлаб чиқарилган ҳажмга киритилмайди ва тегишли равишда тозалаш далолатномасида акс эттирилмайди.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори деб, автомат тарозиларда аниқланган ёки ортилган (жўнатилган) ва тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган унинг оғирлиги турлар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар оғирлиги ҳисобланади.

106. Ун ва ишлаб чиқариш ва идишсиз сақлаш бир нафар моддий жавобгар шахсга юкланган ун тортиш корхоналарида маҳсулот оғирлиги умумий оғирлик бўйича аниқланади ва камайишга чиқим қилинишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолатда идишсиз сақлаш ва бериш сифими тегирмон корпуси билан бир вақтда тозаланadi.

107. Камайишни ҳисобдан чиқариш фақат ун ишлаб чиқариш цехининг моддий жавобгар шахси томонидан идишсиз сақлаш ва бериш цехининг моддий жавобгар шахсига берилган тақдирда амалга оширилади.

108. Ишлаб чиқариш корпусининг тозалаш далолатномалари комиссия, моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Далолатноманинг бир нусхаси юқори турувчи ташкилотга юборилади.

109. Янги корхоналарни ишга тушириш ва мукамал таъмирлашдан кейин (механик тозалаш ва газлаштиришдан сўнг) ишлаб турган корхоналарни ишга тушириш ва ушбу мақсадда унни қайта ишлаш уч суткадан ортиқ давом этмаслиги учун доннинг алоҳида туркуми қайта ишлашга юборилади, шундан кейин белгиланган тартибда тўлиқ тозалаш ўтказилади.

Бунда барча дон хирмонлари ҳамда маҳсулотлар ва чиқиндилар қопланадиган

хирмонлар бўшатиб қўйилиши, олинган барча маҳсулотлар ва чиқиндилар эса тарозида тортилиши ва қатъий ҳисобга олиниши даркор. Майдалаш натижалари комиссия томонидан корхонанинг алоҳида тозалаш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Комиссия ҳар ойда тозалаш ўтказилади.

Олинган ун ва ёрма, кепак ва чиқиндилар, шунингдек қуриганлик ёки намлик ҳамда норма бўйича механик йўқотишлар (оғирлик ифодасида) ва қайта ишлаш учун берилган дон миқдори орасидаги фарқлар қайта ишланган дон маҳсулотларининг майдалаш учун кетган миқдори бўлиб ҳисобланади.

Корхона мукамал таъмирлаш учун (газлаштириш, бошқа кўринишдаги майдалашга ўтиш) тўхтатилганда барча ускуналарда қолиб кетган маҳсулотлар олиниши ҳамда комиссиянинг далолатномаси билан расмийлаштирилиши зарур.

Далолатномада ушбу маҳсулотлар миқдори алоҳида сатрда кўрсатилади: «Бундан ташқари, мукамал таъмирлаш учун тўхтатиш чоғида (газлаштириш учун, бошқа майдалашга ўтиш учун) олинди».

Майдалаш ходкаси бўйича маҳсулот чиқиши ҳисоб-китоби корхона ишининг кейинги давридан алоҳида тузилади. Фойдаланилган хом ашё корхонанинг умумий йиллик дон балансига киритилади.

Х. Идишсиз (қопсиз) сақлаш ҳамда унни ва қадоқланган маҳсулотларни бериш операцияларини расмийлаштириш

111. Унни идишсиз сақлаш қурилмалари сақлаш сифими, унни тегирмондан силосга ўзатиш ускуналари, шунингдек унни силосдан авто ун ташувчиларга ортиш ускуналарини ўз ичига олади.

Уннинг сифати ва миқдорини аниқлаш учун намуналар мазкур тегирмонни назорат қилишнинг технология схемасида назарда тутилган ерлардан олинади.

Унни идишсиз сақлаш омбори ишлаб чиқариш цехи бошлиғи ихтиёрида бўлган ва тортиш фақат сотилаётганда амалга ошириладиган корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори жўнатишда аниқланган миқдор асосида ҳисобланади, камайиш ҳисобига ҳеч бир ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди. Ушбу ҳолатда унни идишсиз сақлаш омбори тегирмон корпуси билан бир вақтда тозаланиши зарур.

Ишлаб чиқарилган ун миқдори ва сифати бўйича унни идишсиз сақлаш омбороналарига бериладиган ва моддий жавобгар шахс томонидан қабул қилинадиган корхоналарда идишсиз сақловчи омбороналар бўйича миқдор-сифат ҳисоби юритилади ҳамда фақат маҳсулот намлиги пасайиши ҳисобига белгиланган тартибда чиқим қилинади.

112. Унни идишсиз сақлаш омборида белгиланган шакл бўйича силосларни тўлдириш ва ун сарфи дафтари юритилади.

Идишсиз сақлаш омбори бўйича кирим қисми (36-шакл) силосларни тўлдиришни ҳисобга олиш дафтари маълумотлари бўйича, ун намлиги эса ўртача смена намуналари бўйича тўлдирилади.

Сақлаш узоқ давом этмаслиги туфайли омборларнинг силосларида идишсиз сақлашда уннинг табиий камайиш нормаси белгиланмаган ва шу муносабат билан ушбу кўрсаткич бўйича камайиш ҳисобига ҳисобдан чиқарилмайди.

113. Унча кўп бўлмаган тўкилган ун супуриндилари ҳосил бўлганда улар қайта ишлаш далолатнома билан расмийлаштирилади ва сақлаш жойи бўйича кирим қилинади. Уннинг супуриндиларини асосий ун ҳисобидан чиқариш фақат идишсиз сақлаш омборини тўлиқ тозалашдан сўнг ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган тозалаш далолатномаси асосида амалга оширилади. Ун ва ёрма мод-

дий жавобгар шахслар томонидан қоплар сони ва стандарт оғирлик бўйича қадоқлаш учун қабул қилинади

Унни қадоқлаш вақтида оғирлиги бўйича йўл қўйиладиган четга чиқишлар қўйидаги фоизларда, бироқ ундан ортиқ бўлмаслиги керак:

тортиб солишда $\pm 1\%$;

ҳажмий солишда $\pm 2\%$;

0,5 кг ва 1,0 кг нетто оғирликдаги ёрмани қадоқлашда алоҳида пакетлар учун четга чиқиш $\pm 1\%$ дан ортиқ бўлмаслиги керак;

0,3 нетто оғирликдаги талқонни қадоқлашда нетто оғирликдан четга чиқиш $\pm 2\%$ дан ошмаслиги шарт.

Микдор-сифат ҳисоби ун ва ёрманинг ҳар бир тури ва нави бўйича ҳисобга олиш дафтари (36-шакл) маълумотлари бўйича юритилади, дафтарда қоплар сони, уннинг (ёрманинг) қайта ишлашда кирим бўйича стандарт оғирлиги, намлиги ҳамда қадоқлаш вақтидаги ҳақиқий оғирлиги, намлиги чиқим бўйича акс эттирилмоғи лозим.

Ишлаб чиқаришда ун (ёрма)нинг намлиги, ун (ёрма) ишлаб чиқариш корхонасининг ишлаб чиқариш-технология лабораторияси томонидан берилган сифат гувоҳномаси маълумотлари бўйича инобатга олинади, қадоқлаш вақтидаги ун (ёрма)нинг намлиги, қадоқланаётган корхона лабораторияси томонидан аниқланади.

Унни (ёрмани) қадоқлаш пайтида, тўкилиш ва йўқотишларнинг олдини олиш чораларини кўриш зарур.

114. Ун ва ёрма супуриндисини қайта ишлаш далолатнома билан расмийлаштирилади ҳамда ҳақиқий оғирлик бўйича алоҳида дафтарларда (36-шакл) ҳисобга олинади.

Қадоқлаш цехларини тозалаш ҳам ҳар ойда ўтказилади ва белгиланган тартибда 30-шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади.

115. Агар ун ва ёрма тасдиқланган, кирим қилинган ун (ёрма) супуриндиларидаги йўқотишлар, ҳисобидан чиқарилганлиги унни (ёрмани) сақлаш ва ташишдаги намлик пасайиши ва табиий камайиш ҳисобидан ҳисобдан чиқариладиган камомадди стандарт оғирлик билан чиқарилган ҳақиқий маҳсулот орасидаги барча фарқларни қоплай олмаса, юзага келган камомад қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

116. Корхоналарнинг раҳбарлари ва масъул шахслари қадоқлашни доимий равишда назорат қилиб боришлари, ун (ёрма) солинган қоғоз халтачаларнинг белгиланган нетто оғирлигини таъминлашлари, маҳсулотнинг тўкилишига йўл қўймасликлари ва сифат-микдор ҳисоби аниқ юритилишини таъминлашлари лозим.

Дон қабул қилиш ва донни қайта ишлаш корхоналарининг маҳсулотлари ва чиқиндилари таснифи мазкур Низомда 4-иловада келтирилган.

ХI. Омихта ем ишлаб чиқариш корхоналарида кўп компонентли тарозиларда омихта ем компонентларини дозировка қилишда хом ашё ва тайёр маҳсулотлар билан операцияларни дастлабки ҳисобга олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш хусусиятлари

117. Моддий жавобгар шахсни бошқа шахс билан алмаштиришнинг барча ҳолатларида хом ашё, маҳсулот ва бошқа моддий бойликларни топшириш, қабул қилиш одатда, идиш трафаретида кўрсатилган оғирлик бўйича хом ашё тайёр маҳсулот микдорини қайта тортиш ёхуд қопдаги ёки уларнинг сифатини моддий жавобгар шахслар ва корхона раҳбари томонидан тайинланган комиссия иштирокида аниқланган ҳолда стандарт оғирлик бўйича амалга оширилади.

118. Мажмуага келтирилган барча хом ашё миқдори автомобиль ёки вагон тарозиларининг кўрсаткичлари, стандарт ва трафарет оғирликдаги қоплар сони бўйича ҳамда шартномаларда назарда тутилган қабул қилиш қоидаларидан, махсус шартларни ёки Давлат стандартларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

119. Қабул қилинган хом ашё қабул қилиш далолатномаси (14-шакл) билан расмийлаштирилади ва омихта ем ишлаб чиқариши бошлигининг ҳисоботига киради.

120. Омборлардан ишлаб чиқариш цехига берилаётган барча хом ашё кўп компонентли тарозиларнинг кўрсаткичлари бўйича, суюқ компонентларнинг оғирлиги эса — ҳажмли ҳисоблагичларнинг солиштирма оғирликка қайта ҳисоблаб чиқилган кўрсаткичлари ёхуд идиш трафаретида кўрсатилган нетто оғирлик йиғиндиси бўйича аниқланади.

121. Кўрсатилган оғирлик бошлиқ ҳисоботидан чиқариб ташланади. Бундан ташқари йиллик хатлов ўтказилгунга қадар қўшимча равишда олдинги йилда корхонада амалда шакланган ишлаб чиқаришда хом ашё нобудгарчилиги миқдорида маҳсулот таннархига, бироқ қайта ишланган хом ашё умумий ҳажмининг бир фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда ҳисобдан чиқариб ташланади.

Кўп компонентли тарозиларнинг ҳисоблагичлари кўрсаткичлари, ҳажмли ҳисоблагичлар, ишлаб чиқаришга берилган стандарт оғирлик ёки трафаретда кўрсатилган оғирлик бўйича суюқ ингредиентлар оғирлиги махсус журналга киритилади. Ушбу маълумотлар омихта ем ишлаб чиқариш ва хом ашёдан фойдаланганлик тўғрисида смена билдиришномалари тузиш учун хизмат қилади (114-шакл).

Смена билдиришномасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори (омихта ем, ОВК, премикслар) кўп компонентли тарозиларда тортилган оғирлик жами бўйича суюқ компонентлар оғирлиги қўшимча қилинган ҳолда кўрсатилади.

122. Агар тизимдаги қувват потокдаги барча маҳсулотни донаторлаштиришга етмаса, ишлаб чиқарилган донаторлаштирилган маҳсулотлар оғирлигини автомат тарозиларда аниқлаш зарур. Бу ҳолда омборга берилган сочилган маҳсулотнинг оғирлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q2=Q1-(Q3-Q4) \text{ кг};$$

бунда:

Q1 — кўп компонентли тарозида аниқланган сочилган маҳсулот йиғиндиси (тортишлар йиғиндиси), кг

Q2 — тайёр маҳсулот омборига жўнатилган сочилган маҳсулот оғирлиги, кг

Q3 — автомат тарозилар маълумотлари бўйича донаторлаштирилган омихта ем оғирлиги, кг

Q4 — суюқ компонентлар оғирлиги, кг

123. Сочилган омихта ем тайёр маҳсулотлар омборидан донаторлаштиришга берилган тақдирда сочилган омихта ем оғирлиги ҳисоб-китоб бўйича аниқланади, яъни донаторлаштирилган омихта ем оғирлигидан (автомат тарозилар маълумотлари асосида) донаторлаштириш учун прессга берилган суюқ компонентлар оғирлиги чиқариб ташланади.

Бунда сочилган омихта ем оғирлиги омбордаги мавжуд маҳсулотни зуддик билан ҳисоблашга хизмат қилади. Смена билдиришномасида алоҳида сатр билан — «Омихта ем, омбордан донаторлаштириш учун берилган рецепт» ёзилади ва унинг оғирлиги қайд этилади.

Агар омихта ем корхоналарида донаторлаштиришга берилаётган сочилган маҳсулотни тортиш тарозилари мавжуд бўлса, у ҳолда донаторлаштирилган маҳсулот оғирлиги автомат тарозилар маълумотлари ва суюқ компонентлар оғирлиги бўйича

сочилган маҳсулот оғирлиги йиғиндиси сифатида аниқланади. Омборга берилган сочилган маҳсулот оғирлиги кўп компонентли тарози маҳсулотлари билан автомат тарозилар маълумотлари орасидаги фарқ бўйича аниқланади.

Омборга берилган сочилган маҳсулотнинг ва дондорлаштирилган маҳсулотнинг оғирлиги бўйича маълумотлар смена билдиришномасида намлиги кўрсатилган ҳолда алоҳида ёзиб қўйилади.

124. Смена билдиришномасининг «Бир сменада ишлатилган хом ашё» бўлимидаги «Сарфланди, кг» устунида хом ашёнинг ҳар бир тури сарфи ёзиб қўйилади. Сарф кўп компонентли тарозилардаги тортишлар йиғиндисини рецепт бўйича хом ашёнинг ушбу туридаги фоиз таркибига қайта ҳисоблаш бўйича аниқланади. Суюқ компонентлар оғирлиги ҳажмли ҳисоблагичлар маълумотлари, стандарт оғирлик ёки трафаретда кўрсатилган оғирлик бўйича ёзиб қўйилади.

125. Хом ашёнинг омбордан ишлаб чиқаришга бериш вақтидага намлиги аниқланмайди ва смена билдиришномасида акс эттирилмайди.

126. Премикслар ишлаб чиқаришга сарф қилинган олдиндан қуритилган кепакнинг камомадини ҳар сменада тезликда аниқлаш учун ўртача смена намуналари бўйича уларнинг ҳақиқий қуриши аниқланади.

Шартли қабул қилинган кепакни (тўлдирувчини) ҳар сменада 1 фоизгача ҳисобдан чиқариш олинган қуритиш натижалари катталигига кўпаяди.

Кепакнинг оғирлиги премикс цехига ўрнатилган кўп компонентли тарозиларда аниқланади. Ушбу кўрсаткичлар смена билдиришномасига киритилади.

Арпани қуритишда бўладиган йўқотишларни ҳар сменада тезлик билан аниқлаш учун ўртача смена намуналари бўйича уларни ҳақиқий қуришини аниқлаш зарур.

127. Шартли равишда қабул қилинган ҳар сменадаги арпа йўқотишларининг 1 фоизгача бўлган ҳажми олинган қуриганлик катталигига оширилади ва шу усулда аниқланган йўқотишлар фоизи омехта ем ишлаб чиқаришга сарфланган арпани кўшимча, шартли равишда ҳисобдан чиқаришга ишлатилади. Қуритилган арпанинг оғирлиги рецептга қўшилган фоиз ҳисоб-китоби бўйича аниқланади. Ушбу маълумотлар смена билдиришномасига киритилади. Бир суткада бир марта, смена билдиришномалари асосида хом ашё, омехта ем ва қоп (идиш) (37-шакл асосида) ҳаракатлари тўғрисида иккита йиғма ҳисобот тузилиб, бухгалтерияга топширилади.

128. Маҳсулот берилиши давомида ишлаб чиқариш ҳужжатларига оғирлик бўйича аниқлик ва тузатишлар киритилади. Бунинг учун ҳар бир рецепт бўйича жўнатилган маҳсулот миқдори смена билдиришномаларида кўрсатилган миқдор билан солиштирилади.

129. Жорий ойда маҳсулотни тўлиқ жўнатмаслик ҳолатлари юзага келса ҳамда кейинги ойга ўтувчи қолдиқ мавжуд бўлса, у ҳолда раҳбарнинг фармойиши билан комиссия тузилади, комиссия маҳсулот силосини янги ишлаб чиқарилган маҳсулот ушбу силосларга қўшилиб кетмаслигини истисно этадиган тарзда муҳрланади.

Қолдиқ маҳсулот энг биринчи навбатда комиссия иштирокида жўнатишга тайёрлаб қўйилади, унинг оғирлиги одатдагидек ўлчанади, яъни автомобиль ва вагон тарозиларида тортилади ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарилган ойдаги ишлаб чиқариш бўйича ҳужжатларда ҳисобга олинади.

130. Миқдор-сифат ҳисоби қуйидаги тарзда юритилади:

хом ашёнинг кирими бўйича — хом ашёнинг ҳар бир турига алоҳида ҳисоб рақами очилади, унга олдинги хатлов бўйича кирим қилинган хом ашё қолдиқлари бўйича маълумотлар (оғирлик ва намлик) киритилади. Сўнгра шахсий ҳисоб рақамларига бирламчи ҳужжатларга мувофиқ омборга келтирилган ва 37-шаклда акс эттирилган барча хом ашё бўйича маълумотлар киритилади;

хом ашё сарфи бўйича — хом ашёнинг ҳар бир турига шахсий ҳисоб рақамларида, агар улар четга берилган бўлса, хом ашё сарфи тўғрисидаги ёзувлар (оғирлик ва намлик) қайд қилинади.

Омихта ем комплекси хатлов учун тўхтатилгунга қадар хом ашё сарфи тўғрисидаги шахсий ҳисоб рақамларига (36-шакл) ҳеч қандай ёзув қайд этилмайди.

Хатлов ўтказилгандан кейин шахсий ҳисоб рақамларига хом ашёнинг ҳар бир тури бўйича сарф тўғрисидаги ёзув қайд этилади. Сарф тушган барча хом ашё ва олдинги хатлов қолдиқлари йиғиндисидан четга берилган хом ашё миқдорини ва ушбу хатлов натижалари бўйича хом ашё қолдиқларини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади. Мана шу тарзда олинган натижадан ишлаб чиқариш далолатномаси-ҳисоботини (121-шакл) тузишда фойдаланилади, унда ишлаб чиқаришга сарфланган хом ашёнинг миқдори ва намлиги акс эттирилади.

36-шакл ва 37-шаклда акс эттирилган хом ашё қолдиқлари ўртасидаги аниқланган фарқларга хатлов тамом бўлиши пайтида тузилган 37-шаклда тузатиш киритилиши керак.

Комплексни хатлаш даврида ўрнатиладиган намлик бўйича камомадни ҳисоблаш ва ишлаб чиқариш далолатномаси-ҳисоботи (121-шакл) тузиш учун ишлаб чиқариш бўйича билдиришномалар асосида ва тегишли тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқарилаётган омихта емнинг уларнинг турлари бўйича миқдорсифат ҳисоби юритилади.

Маҳсулотни бериш бўйича сифат-миқдор ҳисоби юритилмайди.

131. Ҳар йили омихта ем цехи мукамал таъмирлаш учун тўхтатилган даврда барча турдаги маҳсулот ва хом ашё хатланади. Хатловдан сўнг ишлаб чиқариш далолатнома-ҳисоботи (121-шакл) тузилиб, унда барча камомадлар акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш далолатномаси-ҳисоботини (121-шакл) тузишда I «Ҳақиқатда қайта ишланган хом ашё, кг» бўлимида кўрсатилган устунларга мувофиқ бўйича маълумотлар киритилади. «Ишлаб чиқаришда сарф қилинган» устунига эса тушган барча хом ашё ва олдинги хатлов қолдиқлари йиғиндисидан четга берилган хом ашё миқдорини ва мазкур хатлов натижалари бўйича хом ашё қолдиқларини чиқариб ташлаш йўли билан олинган маълумотлар киритилади. Мана шу ишлаб чиқаришга сарф қилинган барча хом ашё ҳисобланади.

Худди шу йўл билан сарф қилинган хом ашёнинг ўртача тортилган намлиги аниқланади.

II «Қайта ишлашдан қабул қилинган» бўлимига автомобиль ва вагон тарозилари маълумотлари бўйича бутун маҳсулотни реализация қилиш натижасидаги барча маҳсулот турлари бўйича маълумотлар киритилади.

Ишлаб чиқариш далолатнома-ҳисоботида (121-шакл) маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар асосида аниқланган маҳсулотнинг ўртача тортилган намлиги кўрсатилади.

Омихта ем ишлаб чиқариш билан боғлиқ премикслар цехи (технологик линиялар) бор бўлган корхоналарда II «Қайта ишлашдан олинган» бўлими фақат сотилган премикслар ҳақидага маълумотлар киритилади.

Ушбу комплекснинг омихта емини ишлаб чиқаришга ишлатилган премикслар ишлаб чиқариш далолатномаси-ҳисоботида акс эттирилмайди, чунки улар сотилган омихта ем таркибида ҳисобга олинади.

III «Ишлаб чиқаришдаги хом ашё баланси» бўлими тўлдирилади ҳамда 121-шакл бўйича ҳисоблаб чиқилади.

132. Ишлаб чиқариш жараёнида сақлаш пайтида хом ашё ва маҳсулот намлиги ўзгаришига боғлиқ бўлган камайиш, шунингдек, белгиланган норма доирасидаги

табiiй камайиш қўшимча равишда ҳисобдан чиқарилмайди, чунки улар ишлаб чиқариш далолатномаси-ҳисоботида (121-шакл) акс эттирилади.

133. Ишлаб чиқариш далолатномаси-ҳисоботи (121-шакл) хатлов комиссияси аъзолари томонидан имзоланади ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Омихта ем корхоналари раҳбарлари, бош муҳандислари ва бош (катта) бухгалтерлари, шунингдек, ишлаб чиқариш бошлиқларидан (моддий жавобгар шахслар) иборат комиссия келтирилади хом ашё ва берилади, жўнатилади тайёр маҳсулот, автомобиль ёки вагон тарозиларида тарозибонлар томонидан тўғри тортилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориши шарт.

Омихта ем корхоналарида қўп компонентли тарозилар иши устидан алоҳида, кучайтирилган назорат ўрнатилиши ва улар бунинг учун махсус ажратилган мутахассис томонидан мунтазам равишда текшириб борилиши шарт.

Омихта ем корхоналари бўйича тозалаш далолатномаларида ҳисобот даврининг охири ва бошидаги қолдиқлари ҳисобга олинган қайта ишланган хом ашёнинг сифати ва миқдори, ишлаб чиқарилган омихта ем сифати ва миқдори ҳамда маҳсулот чиқиши нормалари бажарилиши кўрсаткичлари (ишлаб чиқаришда хом ашёдан фойдаланиш баланси) кўрсатилади.

Омихта ем саноати корхоналарида ишлаб чиқариладиган оксил витамин қўшимчалар ва бошқа корхоналардан тушган премиксларнинг миқдор-сифат ҳисоби оғирлиги ва намлиги бўйича дафтарларда (36-шакл) юритилади.

Оксил-витамин қўшимчалар ва премиксларнинг сарфланган ва хатланган туркумлари бўйича оғирликнинг камайишини ҳисобдан чиқариш сақлаш пайтида намликнинг камайиши ҳисобига амалга оширилади.

ХII. Стандарт оғирликдаги қопларга солинган ун ва ёрма маҳсулотларини қайта ишлашни расмийлаштириш

134. Ташиш ва сақлашда зарарланган қопдаги ун ва ёрма (сув тегиб қотиб қолган, йиртилган, кемирувчилар томонидан зарарланган) қайта қопланиши ва қайта ишланиши керак.

Қайта ишлашдан олдин ва қайта ишлангандан сўнг маҳсулотнинг оғирлигини ўлчаб кўриш корхона раҳбари томонидан тайинланган комиссия томонидан моддий жавобгар шахс мажбурий иштирок этиш шарти билан амалга оширилади.

135. Ун ва ёрмани қайта ишлаш ва қопга қайта солиш далолатнома (32-шакл) билан расмийлаштирилади, у комиссия ҳамда моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади, шунингдек ўринлар сони, ҳақиқий оғирлик ва намлик бўйича миқдор-сифат ҳисоби дафтарда (36-шакл) ҳисобга олинади.

Қайта ишланган туркумнинг стандарт оғирлиги билан қайта ишлашдан олинган ун, ёрма ва чиқиндиларнинг ҳақиқий оғирлиги ўртасидаги фарқ белгиланган тартибда тасдиқланган далолатнома асосида алоҳида ҳисоб рақамида ҳисобга олинади.

136. Маҳсулот қайта ишлангандан сўнг корхона лабораторияси томонидан аниқланган ун ва ёрма намлиги сифати яхшиланишидан кўрилган камайиш миқдорини аниқлашда ун ёки ёрма ушбу туркуми учун дастлабки қоплаш чоғида берилган сифат гувоҳномасидаги намлик билан солиштирилади ҳамда фарқ мазкур Низомнинг 92-бандида келтирилган формула бўйича қайта ҳисоблаб чиқилади.

Табiiй камайиш нормасини аниқлашда сақлаш муддати қопга солиш кунидан бошлаб ҳисобланади.

Ун ва ёрмани қайта ишлашда келиб чиққан чиқиндилар тортилади ва ун, ёрма таркибидан чиқарилиб, сақлаш жойи бўйича кирим қилинади.

Агар тасдиқланган сақлаш ва ташишда намлик пасайиши ҳамда табиий камайиш нормаси ҳисобидан ҳисобдан чиқарилиши керак бўлган камомад қайта ишлаш-гача бутун маҳсулотнинг стандарт оғирлиги ҳақиқий оғирлиги орасидаги фарқни қоплай олмаса, бундай ҳолатларда ушбу камомад қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Стандарт оғирликдаги қопларга солинган импорт ун ёки ёрмани қайта ишлаш-да, сақлаш муддатини ҳисоблаш улар ортилган кундан ҳисобланади, намлик пасайиши ҳажми эса ҳақиқий аниқланган намлик билан ушбу маҳсулотга берилган сер-тификатда кўрсатилган намликни солиштириш йўли билан аниқланади.

Агар қайта ишлангунга қадар ун ва ёрманинг ҳақиқий оғирлигини қайта иш-лангандан кейин ун ва ёрма чиқиндиларнинг ҳақиқий оғирлиги билан солиштириш-да ун ва ёрма камомади аниқланса, бундай камомад ун ва ёрманинг сифати ёмонла-шувига йўл қўйган, қайта ишлаш заруриятини келтириб чиқарган шахслар ҳисоби-га ёзилади.

ХIII. Маккажўхори сўтасини янчиш ва саралашни расмийлаштириш

137. Маккажўхори сўтасини янчиш ва саралаш корхона раҳбарининг фармой-ишига мувофиқ ИЧТЛ хулосаси бўйича амалга оширилади.

138. Ажратиб олинган маккажўхори дони, оралик маҳсулот ва чиқиндилар омборларга сақлаш учун жўнатилади (илдизидан ташқари) ҳамда моддий жавобгар шахс томонидан албатта тартиб олиниб ва корхона лабораторияси томонидан сифа-ти аниқланиб қабул қилинади.

Маккажўхори илдизини янчишдан олинган оғирлик автомобиль тарозилар ёки бошқа тарозиларда аниқланади. Таркибида 1,2 фоиздан кўпроқ дон қолган ўзаклар қайта янчилиши керак.

139. Сўтадаги маккажўхорини янчиш далолатнома (33-шакл) билан расмийлаш-тирилади. Далолатнома ҳар бири алоҳида ҳисобга олинган сўтадаги маккажўхо-ри туркуми учун, камида икки ҳафтада бир марта тузилади.

Янчиш учун берилган сўтадаги маккажўхори оғирлиги янчилгандан кейин маккажўхори дони, оралик маҳсулотлар, чиқиндилар ва ўзакнинг оғирлиги йиғин-диси сифатида аниқланади. Сўтадаги янчилган маккажўхори сифати (ўртача намлик ва сўтадан дон чиқиши), шунингдек, ажратиб олинган дон, оралик маҳсулот, чи-қиндилар ва ўзак сифати ҳамда ўзакда қолиб кетган дон корхона лабораторияси томонидан аниқланади.

33-шаклдаги далолатномаларга тортиш ва текшириш карточкалари илова қили-нади.

Агар сўтадаги маккажўхорини янчиш чоғида дон, чиқиндилар ва ўзакларни тортиш имконияти бўлмаса, уларнинг оғирлиги ҳужжатлар бўйича сотиш вақтида аниқланади.

140. Сўтали маккажўхорини саралашда ва сақлаш жойларини тозалашда тўплан-ган баъзи сўталарнинг ўзидан-ўзи тўкилиши натижасида йиғиб олинган маккажў-хори дони далолатномалар бўйича кирим қилинади, уларда тортиш йўли билан аниқланган дон оғирлиги ва лаборатория томонидан аниқланган намлик ҳамда бе-гона аралашмалар кўрсатилади. Далолатномага текшириш карточкаси илова қили-нади. Сўтадаги маккажўхори ҳисобини юритишнинг шахсий ҳисобварағидан тоза дон (бегона аралашмаларсиз) чиқим қилинади, маккажўхори дони ҳисобини юри-

тиш шахсий ҳисобварағига эса барча аралашмаларни ўз ичига олган ҳақиқий оғирлик кирим қилинади.

Маккажўхори сўтасини саралашда олинган чиқиндилар (касалланган сўталар, ўзаклар, гули, пўстлоқ ва ҳоказолар) сўтали маккажўхорини саралаш далолатномаси асосида сўтадаги маккажўхоридан чиқим қилинади ва далолатномаларда чиқиндиларнинг ҳақиқий оғирлиги, лаборатория томонидан аниқланган сифат ва ҳақиқатдан дон чиқиши фоизи даражаси кўрсатилади. Ҳисобдан чиқариш доннинг ўртача аниқланган намлиги, ўзак ва чиқиндилар бўйича амалга оширилади.

141. Маккажўхорининг гибрид ва навли уруғларини қайта ишлаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналарда (цехларда) тушган бутун сўталардаги маккажўхори ва дон моддий жавобгар шахс томонидан соз (амалдаги тамғали) тарозиларда белгиланган оғирлик бўйича ва лаборатория томонидан аниқланган сифат бўйича қабул қилинади.

Корхонага келиб тушган маккажўхори моддий жавобгар шахс томонидан (37-шакл) ҳисоботда гибридлар ва навлар, сўта ва дон кўриниши бўйича алоҳида кирим қилинади.

142. Маккажўхори оғирлиги бўйича ишлаб чиқаришга берилади ва маккажўхорини қуриштириш камераларига жўнатиш далолатномаси асосида ҳисоботда (37-шакл) чиқим қилинади. Сўтадаги маккажўхорини ишлаб чиқариш учун бериш тўғрисидаги далолатнома корхонанинг қуриштириш камераларига берилган маккажўхори сонига тузилса, дон кўринишидаги маккажўхори эса — янчиш цехининг силосларига келиб тушган маккажўхори миқдори учун тузилади.

143. Тарози ускуналари ўрнатилмаган корхоналарда, истисно тариқасида, қуриштириш камераларига солинган сўтадаги маккажўхори миқдорини, ўша қуриштириш камералари тўлдирилгандан кейин ўлчаш асосидаги ҳажм бўйича аниқлашга рухсат этилади. Ўлчаш ва оғирликни аниқлаш комиссия томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Дон янчиш цехининг ишини ва ҳали тугалланмаган ишлаб чиқаришни назорат қилиш учун ажратиб олинган маккажўхори донининг оғирлиги автомат тарозида аниқланади, тарозилар бўлмаган тақдирда эса — янчиш цехидаги силосларнинг дон билан тўлиш ҳажмини ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

144. Моддий жавобгар шахслар ҳар куни корхона бухгалтериясига зарур бирламчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда ҳисобот (37-шакл) топширадилар.

145. Ташиш ҳисоби қуйидагилар бўйича алоҳида юритилади:

омборга ҳамда бевосита корхона бункерига келиб тушган маккажўхори бўйича гибридлар ва навлар, сўтадаги маккажўхори ва дон бўйича миқдор-сифат дафтарида (36а-шакл);

ишлаб чиқаришга берилган маккажўхори бўйича — ишлаб чиқаришга топширилган, маккажўхори, гибрид ва навлар, сўтадаги маккажўхори ва дон бўйича миқдор-сифат ҳисоби дафтарида юритилади. Ой якуни бўйича ўртача намлик ва бегона аралашмалар аниқланади.

Дон чиқиши ҳамда ўзаклар кўрсаткичлари дафтарга лабораториянинг дон чиқиши ва ўзаклар фоизлари тўғрисидаги маълумотлари асосида ёзилади. Ишлаб чиқаришга берилган маккажўхорининг миқдори дафтарда тўғри кўрсатилганлигини ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 3-кунидан кечикмай бошлиқ ўз имзоси билан тасдиқлайди. Кўрсатиб ўтилган дафтар кўрсаткичларидан корхонани тозалашнинг ишлаб чиқариш далолатномалари тузишда фойдаланилади.

146. Ой тамом бўлиши билан ишлаб чиқариш корпуси тозаланиши керак.

Тозалашни бошлашдан аввал охири иш сменасига берилган хом ашёни қайта

ишлаш тўлиқ тамом бўлганлигини назорат қилиш, таъминланиши, шундан кейин тозалаш тайинланиши керак.

Айрим ҳолатларда, ишлаб чиқариш шароитларига кўра қуришиш камералари ёки дон янчиш цехи силосларини тозалаш имконияти бўлмаса, тозалаш бўйича комиссия тозалаш пайтида мавжуд бўлган сўта ва дон кўринишидаги маккажўхори миқдори ва сифатини аниқлаши ва мазкур ҳолатни тозалаш далолатномасида кўрсатиши шарт.

Тозалашни бошлашдан аввал сўнгги сменада барча қайта ишлов берилган уруғликлар, оралик маҳсулотлар ва чиқиндилар тўлиқ ҳолича омборга берилиши зарур. Ишлов берилган уруғликлар, оралик маҳсулотлар ва чиқиндилар қолдиқларини корпусда қолдиришга йўл қўйилмайди.

Агар тозалаш тамом бўлгунга қадар хом ашё корпус тозалангандан кейин ишга киришадиган кейинги иш сменасига берилса, ушбу сменага ажратиладиган хом ашё бўш қуришиш камераларига ва янчиш цехи силосларига жўнатилиши керак.

Бунда янги берилётган хом ашёни тозалашгача олдинги сменада фойдаланилган хом ашё билан аралаштириб юбориш мумкин эмас.

Тозалаш натижалари тўғрисида ишлаб чиқариш корпуси тозаланганлиги ҳақида тозалаш далолатномаси тузилади ва комиссиянинг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади.

Тозалаш далолатномасида кўрсатилган барча қайта ишланган хом ашё ва олинган уруғлик, майда дон, оралик маҳсулотлар ва чиқиндиларнинг миқдор ва сифати миқдор-сифат ҳисоби маълумотларига қатъий мувофиқ бўлиши керак. Ишлаб чиқариш корпусини тозалаш далолатномаси корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Корхона технологик схемаси хусусиятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш корпусини ҳар ойда тозалаш имконияти бўлмаса, иш мавсумининг охирида битта йиллик (тўлиқ) тозалаш ўтказилишига йўл қўйилади.

Мавсум тамом бўлиши билан корхонада тўлиқ тозалаш ўтказилади. Тўлиқ тозалаш далолатномаси гибридлар ҳамда навлар бўйича хом ашё ва тайёр маҳсулот бўйича бўлимларга ажратилган ҳолда тузилади. Майда донли маккажўхори, оралик маҳсулотлар, чиқинди ва ўзаклар тўлиқ тозалаш далолатномасида кўрсатилади ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Омбор мудирининг жавобгарлиги остидаги хом ашё омборини тозалаш ва тозалаш далолатномасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ушбу Низомнинг 181-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

147. Қайта ишлов берилган маккажўхори уруғлигини ишлаб чиқаришдан тайёр маҳсулотлар омборига стандарт оғирлик ва жойлар сони бўйича берилади ва юк хати (112-шакл) билан расмийлаштирилади. Юк хатининг бир нусхаси маҳсулотни ишлаб чиқаришдан чиқим қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади, иккинчиси — маҳсулотни омборга кирим қилишга хизмат қилади.

Лаборатория ҳар бир алоҳида туркум ва ўртача суткалик намуналар бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотни текширади ҳамда уруғлик ва чиқиндилар текширилиши карточкасини корхона бухгалтериясига беради.

Ишлаб чиқаришдан чиққан сочилган ҳолдаги маккажўхори дони бўйича миқдор-сифат дафтари (36-шакл) юритилади.

Корхоналар ва цехларда маккажўхорини қайта ишлашда олинган майда дон, оралик маҳсулотлар ва чиқиндилар оғирлиги ҳамда сифати аниқланиб кирим қилинади. Уларни омборга бериш юк хати (112-шакл) билан расмийлаштирилади.

148. Ишлаб чиқариш жараёни давомида уруғликнинг яроқсиз туркуми аниқланган тақдирда уларни қайта ишловга бериш ёки йўқ қилиш мазкур Низомнинг 59-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

XIV. Махсус агрегатларда дон қуритиш операцияларини расмийлаштириш

149. Қуритилган дон миқдорининг ҳисоби оғирлик бўйича амалга оширилади, бунинг учун дон қуритишдан олдин ва кейин тарозида тортилиши шарт.

Мазкур Низомга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган донни қуритишда намликнинг пасайишидан дон оғирлигининг камайиши донни тозалаш ва қуритиш далолатномаси (34-шакл) бўйича мавжуд дон миқдоридан чиқим қилинади.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича қуритишдаги камайиш тозалаш далолатномаси тозалангунгача алоҳида ҳисоб рақамига чиқим қилинади.

150. Дон қуритиш ускуналарида қуритиш натижасида юзага келган камайишни миқдор-сифат ҳисоби дафтарыда ҳисобдан чиқариш фақат мазкур Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилган ва тасдиқланган тозалаш далолатномалари бўйича дон қолдиқларини сарфлангандан ёки хатлангандан кейин амалга оширилади.

Дон қуритиш ускунаси иши устидан тезкор назорат қилиш учун катта мастер ёки унинг топшириғи бўйича смена лаборанти томонидан ҳисобга олиш журнали (122-шакл) юритади, тарозилар ўрнатилган дон қуритиш комплексларида эса нам ва қуритилган дон оғирлигини тортадиган тарози журнали юритилади.

XV. Дон ва дон маҳсулотларини миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш

151. Сақлаш жойлари бўйича дон, унни қайта ишлаш маҳсулотлари ва мойли ўсимликлар уруғликлари ва ўт-ўланларнинг миқдор-сифат ҳисоби сақлаш устидан назорат қилиш ҳамда дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари оғирлиги камайишининг қонунийлигини аниқлаш учун юритилади.

152. Дон, мойли ўсимликлар уруғи, ўт-ўланлар, оралик маҳсулотлар ва маҳсулот, стандарт оғирликдаги қопларга солинганлари бундан мустасно, қуйидагилар кўрсатилган ҳолда миқдор-сифат ҳисоби дафтарларида ҳисобга олинади:

дон, мойли ўсимликлар уруғи ўт-ўланлар, оралик маҳсулотлар бўйича оғирлик, намлик ва бегона аралашмалар;

сўтадаги маккажўхори бўйича — сўтадаги макажўхорининг оғирлиги ва ўртача тортилган намлиги, ностандарт идишдаги маҳсулот бўйича эса — ўринлар сони, оғирлик ва намлик.

I, II ва III тоифали дон чиқиндиларини дафтарларда (36-шакл) ҳисобини олиб бориш фақат физик вазнда юритилади.

153. Миқдор-сифат ҳисоби дафтари (36-шакл) ҳар бир дон ва дон маҳсулотларини сақлаш жойлари бўйича юритилади.

Зарурат бўлганда битта моддий жавобгар шахснинг жавобгарлиги остидаги омборлар гуруҳи бўйича дафтар юритишга рухсат берилади, бунда навли уруғликларнинг ҳар бир туркуми, пиво пишириш арпаси навлари, доннинг табиий аралашмалари ун ва ёрма бўйича эса — ҳар бир нав бўйича ажратиб кўрсатилган ҳолда ҳар бир ўсимликка шахсий ҳисоб рақами бўлади.

Моддий жавобгар шахс бир неча майда омборларга хизмат кўрсатадиган филиаллар, ижарага олинган корхоналар ва йироқда жойлашган корхоналарда миқдор-сифат ҳисоби ҳар бир ўсимликка шахсий ҳисобварақлари очилган ҳолда барча омборлар бўйича бирлаштириб юритилади.

Омихта емнинг омбор бўйича ҳисоби ҳар бир рецепт учун алоҳида олиб борилади.

Оралиқ маҳсулотлар дафтарларда 36-шаклда қуйидаги турлар бўйича ҳисобга олинади:

а) таркибида 50 фоиздан 70 фоизгача дон бўлган биринчи ишлов берилгандан сўнг олинган дон аралашмаси;

б) таркибида 70 фоиздан 85 фоизгача дон бўлган биринчи ишлов берилгандан сўнг олинган дон аралашмаси;

в) ун ва ёрмани қайта ишлашда олинган озуқабоп кукун;

г) кепак;

д) ёрмани қайта ишлашда олинадиган озуқабоп тарик оқшоғи, нўхат оқшоғи, маржумак (гречка) оқшоғи, диаметри 2,5 мм бўлган элакдан ўтадиган маккажўхорининг майдаланган дони;

е) доннинг ун ва ёрма олиш учун ишлатишда олинган ўзаги (ўсимтаси).

Биринчи ишловдан сўнг олинган дон аралашмаси омборларга жойлаштирилиши ва ушбу аралашма қайси дондан олинганлигига қараб алоҳида ҳисоби юритилади;

І даражали чиқиндилар қуйидаги тур бўйича ҳисобга олинади;

а) таркибида 30 фоиздан 50 фоизгача дон бўлган дон чиқиндилари, дон ва мойли ўсимликларидан алоҳида;

б) таркибида 10 фоиздан 30 фоизгача бўлган дон аралашмалари, алоҳида, дон ва мойли ўсимликларидан алоҳида.

в) унни (қопларни) қоқишда юзага келган ун чанги ва супуриндиси;

г) элакдаги оқ чанг.

Микдор-сифат ҳисоби дафтарлари (36 ва 36а-шакллар) белгиланган тартибда тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва тегишли тарзда имзоланган, саҳифалар сони кўрсатилган сургуч муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

154. Микдор-сифат ҳисобини юритиш зиммасига юкланган бухгалтерия ходими қуйидагиларни амалга ошириши керак:

микдор-сифат ҳисоби дафтари бўйича маълумотларини моддий жавобгар шахсларнинг омбор ҳисоботи маълумотлари билан ҳар куни солиштириб бориш;

тозалаш далолатномалари тузиш учун зарур бўладиган барча маълумотларни тайёрлаш;

дафтарлардаги (36 ва 36а-шакллар) барча ёзувларни сиёҳда ёзиш.

Микдор-сифат ҳисоби дафтарларида тузатишлар ва ўчириб ёзишга йўл қўйилмайди, киритилган тузатишлар эса бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Бухгалтериянинг масъул ходимига бериладиган дафтарларга тартиб рақамлари қўйилади. Дафтар муқовасида корхона номи, дафтарнинг инвентарь рақами, дафтар юритилган омбор тури ва рақами, моддий жавобгар шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилиши шарт.

155. Микдор-сифат ҳисоби дафтарыда (36-шакл) буғдой классларга ажратилмасдан номлар бўйича ҳисобга олинади. 37-шакл бўйича омбор ҳисоби буғдойнинг омборга жойлаштириладиган ҳар бир туркуми бўйича алоҳида юритилади.

Элеватор силосларида сақланаётган дон учун, ҳар қайси экинга ҳисоб рақамлари билан, микдор-сифат ҳисоби бўйича битта дафтар юритилади, элеватор бўйича омбор ҳисоби ҳам класс ва типларга бўлмасдан бирлаштирилган ҳолда юритилади.

Бош бухгалтер, раҳбар ўринбосари, ИЧТЛ бошлиғи (лаборатория мудири)дан иборат таркибдаги комиссия ҳар ойда дафтарлардаги (36-шакл) центнер — фоизлар ва қолдиқлар ҳамда сифат кўрсаткичлари бўйича ёзувларнинг тўғрилигини тек-

шириши керак. Амалга оширилган текшириш тўғрисида дафтарнинг ҳисоб рақамларида белги қўйилади.

156. Миқдор-сифат ва бухгалтерия ҳисоби:

типларига кўра мойли экинлар;

турларига кўра омихта озуқалар, уларнинг омбор бўйича ҳисоби эса ҳар қайси рецепт бўйича алоҳида;

турларига кўра қўшимча маҳсулотлар ва чикитлар бўйича юритилади.

157. Сўтадаги маккажўхорининг миқдор-сифат бўйича ҳисобини ҳар қайси моддий жавобгар шахс бўйича, товар маккажўхори бўйича — сақлаш жойлари бўйича бўлмасдан, сортли ва дурагай маккажўхори бўйича эса — сортлар ва дурагайларининг алоҳида шакллантирилаётган партиялари бўйича юритишга рухсат этилади.

158. Стандарт вазн билан қопларга жойланган маҳсулот ҳақиқий амалдаги вазни бўйича идишсиз сақлаш (бункер) омборлари орқали сотиш учун тортилган тақдирда жойлар сони, вазни ва намлиги бўйича миқдор — сифат жиҳатидан ҳисобга олиш дафтарларида ҳисобга олинади, улар учун белгиланган тартибда тозалаш далолатномалари (30-шакл) тузилади.

159. Кириш ва чиқим дафтарларидаги (36-шакл) ёзувлар қўйидаги ҳужжатлар бўйича бир кунги якуний маълумотлар бўйича амалга оширилиши мумкин: юкхат реестрлари рўйхати (15-шакл), кўплаб вагонларда келтирилган дон маҳсулотлари учун қабул қилиб олиш далолатномаси (14-шакл), битта вагонда келтирилгани учун (15-шакл), дон маҳсулотларини юклар бўйича жўнатиш учун темир йўл ва сув йўли юкхатлари ведомостлари (20-шакл).

160. Дафтарларидаги ёзувлар ҳар куни, операция кунидан кейинги кундан кечикмай амалга оширилади.

Ўртача ҳисобланган сифат 0,01 фоизгача аниқлик билан аниқланади.

Маккажўхорининг дурагай ва сортли уруғларига ишлов бериш корхоналарида сўтадаги маккажўхорини миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарларида юритилади (36а-шакл).

161. Моддий жавобгар шахслар ҳар куни корхона бухгалтериясига барча кириш ва чиқим ҳужжатларини илова қилган ҳолда дон маҳсулотлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни (37-шакл) тақдим этадилар.

162. Дон ёки дон маҳсулотлари бошқа корхоналаридан келтирилган тақдирда моддий жавобгар шахс ўз ҳисоботида: тушум ҳужжатида — жўнатувчининг ҳужжатлари бўйича миқдорини ва ҳужжатларидан ортиқча маҳсулотни; чиқим ҳужжатида — жўнатувчининг ҳужжатида кўрсатилганга нисбатан камоматни кўрсатади.

Жўнатувчининг ҳужжатларидагидан кам бўлган дон маҳсулотлари олувчи корхонанинг моддий жавобгар шахси томонидан ҳисобот бўйича (37-шакл) қабул қилиш далолатномалари (14 ва 15-шакллар) ҳамда уларга илова қилинадиган тижорат далолатномалари ёки темир йўл ва сув йўли юкхатлари асосида, камомат тўғрисидаги қайдлар билан ҳисобдан чиқарилади.

Миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарларида қайта тортиб кўришда ҳақиқатда мавжуд бўлган дон ёки маҳсулот миқдори кириш қилинади.

163. Миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарларида бошқа корхоналардан келтирилган дон ва маҳсулот миқдори қўйидаги маълумотлар бўйича юритилади:

жўнатувчининг ҳужжатлари билан таққослаганда сифат бўйича тафовут йўл қўйиладиган тафовут нормаларидан ошмаган тақдирда олувчининг лабораторияси маълумотлари бўйича;

жўнатувчининг маълумотлари билан таққослаганда сифат бўйича тафовут йўл қўйиладиган тафовут нормасидан ошмаганда ва сифат бўйича тафовутлар тўғриси-

да жўнатувчига далолатнома — рекламация жўнатилган тақдирда давлат ваколатли органининг текширув таҳлили бўйича;

хужжатдаги кўрсаткичлар олувчи корхона томонидан норозилик туғдирмаган тақдирда дон маҳсулотларини жўнатиш жойида белгиланган тартибда берилган сифат тўғрисидаги сертификат бўйича;

олувчи корхонанинг лабораториясида аниқланган сифат бўйича тафовутлар йўл қўйиладиган тафовут нормаларидан ортиқча бўлган тақдирда жўнатиш жойида белгиланган тартибда берилган сифат тўғрисидаги сертификат бўйича;

сифат жиҳатидан йўл қўйиладиганидан ортиқча тафовут далолатнома — рекламациялар билан расмийлаштирилмаган тақдирда жўнатувчининг сифат тасдиқномаси маълумотларига кўра юритилади.

Намлик ва бегона аралашмалар кўрсаткичлари миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарида 0,1 фоизгача аниқлик билан ёзиб қўйилади.

164. Филиаллардан, ижарага олинган корхоналардан ва узоқ пунктлардан келтирилган дон сифати миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарларида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

дон филиаллардан, ижарага олинган корхоналардан ва узоқ пунктлардан келтирилганда — улар бўйича харажатларни ҳисобдан чиқариш ва асосий корхона бўйича кирим қилиш асосий корхонанинг лабораториясида белгиланган сифат бўйича амалга оширилади;

дон ушбу асосий корхонага бўйсунмайдиган филиаллардан, ижарага олинган корхоналардан ва узоқ пунктлардан келтирилганда анализларни томонлар мустақил равишда ўтказадилар.

165. Юклар жўнатилган (сотилган) дон ва маҳсулотнинг ҳар қайси партиясини ҳисобдан чиқариш миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарида кирим хужжатлари ва сифатни тасдиқловчи хужжатлар асосида акс эттирилади.

166. Моддий жавобгар шахс ўзгартирилганда хом ашёни бошқа моддий жавобгар шахсга (қайта тортиб кўрмасдан) ҳисобга олиш дафтаридаги қолдиқлар бўйича бериш тақиқланади. Омборларни битта моддий жавобгар шахсдан бошқага беришда дон ва маҳсулотни ҳар иккала моддий жавобгар шахс томонидан қайта тортиб кўриш мажбурийдир.

167. Ёрма ишлаб чиқарувчи ва ун тортиш корхоналари томонидан сотиладиган ёрма экинлари донидаги бегона аралашмалар миқдорини жўнатувчи корхона миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарида тайёрлов стандартлари бўйича, ёрма ишлаб чиқарувчи ва ун тортиш корхоналари эса — мақсадли стандартлар бўйича қайд этади. Жўнатувчи корхонанинг сифат тасдиқномаларида сули, тарик ва бошқа бегона аралашмаларни мақсадли ва тайёрлов стандартлари бўйича кўрсатади.

168. Заводда қадоқлаш ёки чет етказиб берувчининг қадоқлашдаги бузилишлар муносабати билан корхонада ишлов берилган, стандарт овирликда қопларга жойланган маҳсулот истеъмолчига амалдаги вазни бўйича сотилади ва шу муносабат билан миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарларда жойлар сони, вазни ва намлиги бўйича ҳисобга олинади.

Миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарларида далолатномалар асосида ишлов бериш учун олинган ун ва ёрма ёки маккажўхори уруғлиги уларга ишлов берилгандан кейин лабораторияда белгиланган намлик кўрсатилган ҳолда ҳақиқий миқдори бўйича кирим қилинади.

Ишлов берилган ун ва ёрма ёки маккажўхори уруғлиги партияси тўлиқ сарфлангандан кейин тозалаш далолатномаси тузилади, у давлат ваколатли органи томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

169. Чиқитлар тозалаш ва ишлов бериш далолатномалари (32 ва 34-шакллар) асосида миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарларида дон, ун ва ёрма ҳисобидан амалдаги вазни ва сифати бўйича чиқарилади ҳамда сақланадиган жойида кирим қилинади.

Агар I, II, III тоифадаги дон чиқитларининг ва қўшимча маҳсулотларининг намлиги лабораторияда аниқланмаган бўлса миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарида чиқитлар ишлов бериш вақтигача кирим қилинган донни тозалаш далолатномасида (34-шакл) кўрсатилган намлик билан асосий маҳсулот ҳисобидан чиқарилади.

170. Тозалаш минораларига ва механизациялашган дон тозалаш линияларига эга бўлган, технологик схема бўйича дон операцияси вақтида олинган чиқитлар экинлар бўйича тақсимланмайдиган элеваторларда ва корхоналарда уларни асосий маҳсулотдан ҳисобдан чиқариш ҳар қайси ишлов берилган дондаги дон чиқитлари ва аралашмаларини камайтириш миқдорига мутаносиб равишда амалга оширилади. Чиқитларнинг умумий миқдори тортиб кўриш йўли билан аниқланади ва далолатнома билан расмийлаштирилади.

171. Аспирацион чанг экинлар бўйича ташилган (қабул қилиб олиш, сотиш, ички ташув) дон миқдорига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилади.

Миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарлар бўйича аспирацион чангга харажатларни ҳисобдан чиқаришда тегишли давр учун донни элеваторга кирим қилишдаги ўртача намлик миқдори кўрсатилади. Элеваторнинг чанг камераларини тозалаш ҳар ойда камида бир марта амалга оширилиши керак.

172. Янги ҳосил донини тайёрлаш бошлангунгача дон ва мойли экинларнинг барча партиялари, агар уларни тортиб кўриш охири олти ой мобайнида амалга оширилмаган бўлса, қайта тортиб кўрилиши ва натижалари тозалаш далолатномалари билан расмийлаштирилши керак.

Янги ва эски ҳосил дони ҳисоб рақамларини бирлаштириш ва донини аралаштириш тақиқланади.

173. Миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарларида тозаланган ва текширилган партияларнинг ҳисоб рақамлари тозалаш далолатномалари давлат ваколатли органи тасдиқлагандан кейин корхона бухгалтерияси томонидан ёпилади.

Текширилган партияларнинг янги ҳисоб рақамлари тозалаш далолатномалари асосида, қайта тортиш вақтида аниқланган ҳақиқий қолдиқдан ҳамда лабораторияда аниқланган амалдаги сифатдан келиб чиққан ҳолда очилади.

174. Тозалашгача ёки хатловдан ўтказишгача юклаб жўнатилган, шунингдек хатлов комиссияси иштирокида юклаб жўнатилган дон маҳсулотларидаги камомат ва ортиқча маҳсулот юзасидан юкни олувчилардан тушган эътирозлар миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарида ушбу маҳсулотнинг эски ҳисоб рақами бўйича, белгиланган тартибда янгидан расмийлаштирилгандан тозалаш далолатномаси асосида акс эттирилади.

Омихта озуқа корхоналарида ва цехларида қайта ишлаш учун келтирилган қўшимча маҳсулотлар хом ашё омборларига жойлаштирилади ва миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарларида ҳисобга олинади. Маҳсулот олинган экинлар бўйича ёрдамчи маҳсулотларни ҳисобга олиш уларни хом ашё омборларига амалда жойлаштирилишига мувофиқ, ҳар қайси омихта озуқа корхонаси шароитларига боғлиқ ҳолда юритилиши лозим. Бошоқли ва дуккакли экинлар дони аралашмалари хом ашё омборларида жойлаштирилиши ва алоҳида-алоҳида ҳисобга олиниши зарур.

Дафтарлар ҳар куни, дон, ёрма, ун ташилишига кўра тўлдирилади.

Операция куни тамом бўлгандан кейин журналлар тегишли омборларнинг пап-

каларига тикилади ва қатъий ҳисобот бериладиган бланкалар учун белгиланган тартибда сақланади.

175. Дон маҳсулотларининг ҳар бир туркуми бўйича операциялар тамом бўлгач ва тозалаш далолатномалари тузилгач журналлар алоҳида дафтарларга муқоваланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланади.

176. Ҳар бир турдаги туркум дон, уруғлик ва маҳсулот учун лаборатория томонидан штабель ёрлиғи (77, 78 ва 91-шакллар) ёзилади.

Дон ва дон маҳсулотлари келтирилгандаги сифат кўрсаткичлари, худди шунингдек, сақлаш жараёнидаги кейинги текширишлардаги сифат кўрсаткичлари лаборатория ходимлари томонидан ҳар ойнинг биринчи кунда штабел ёрлиғига ёзиб қўйилади.

Штабелларга тартиб рақами ҳар йилнинг 1 январидан бошлаб туркумларнинг келтирилишига қараб қўйиб чиқилади. Йил давомида штабелларга бир хилда рақам бериш тақиқланади.

Стандарт оғирликдаги қопга солинган ун ва ёрма учун вагонма-вагон штабель ҳисоби юритилади. Ушбу мақсадда темир йўл орқали келтирилган маҳсулотни омборга жойлаштириш вагон штабелли бўйича амалга оширилади. Бошланган ҳар хил штабелларни бирлаштириш, маҳсулотни, бир штабелдан бошқасига ўтказиш тақиқланади.

Маҳсулот туширилган ҳар бир вагонга штабель рақами берилади, бу рақам қабул қилиш далолатномасида, штабель ёрлиғида кўрсатилади ва кейинги штабель ҳисобда кўрсатилади.

Тегирмон ва ёрма цехларининг қоплаш бўлимидан бевосита омборга келтирилдиган ун ва ёрмани ишлаб чиқариш санаси ва смена бўйича штабелга жойлаштириш зарур. Бир сменада камида 63 тонна маҳсулот ишлаб чиқариладиган ун ва ёрма корхоналарида битта штабелга аралаш сменалар маҳсулотини жойлаштиришга рухсат берилади.

Маҳсулот туркуми сарфлангандан кейин штабел ёрлиғи моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади ва лабораторияга берилади ва у ерда бир йил мобайнида сақланади.

177. Давлат захираси бўлган хом ашё ва материаллар ҳисоби ҳар ойлик ҳисоботларда 6-К-шакл ва 6 КП-шаклда алоҳида устун билан кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 майдаги 209-33-сон қарори билан тасдиқланган Давлат захирасидаги озик-овқат донини тайёрлаш, сақлаш ва янгилаш тартибига мувофиқ юритилади.

XVI. Омборлар, элеваторлар ва дон қуриши ускуналарини тозалашни расмийлаштириш

178. Корхоналарда омборлар ва бошқа сақлаш жойларини тозалаш корхона раҳбарининг фармойиши билан тайинланган комиссия томонидан моддий жавобгар шахс иштирокида амалга оширилади. Сақлаш жойларини тозалаш далолатномалар (30 ва 30а-шакллар) тузиш билан расмийлаштирилади.

Дон маҳсулотлари туркуми тўлиқ сарфланса ёки уларнинг мавжудлиги тортиб текшириб кўрилганда ҳеч қандай камомад ёки ортикча маҳсулот борлиги аниқланмаса, шунингдек намлик ошиши, ёхуд бегона аралашмалар кўпайиши комиссиянинг тушунтириш ва ваколатли органнинг хулосаси бўйича дон маҳсулотларининг оғирлиги ошишига олиб келмаса, тозалаш далолатномаси (30-шакл) тузилмайди.

Тозалаш бўйича комиссия дастлабки ҳужжатлар ва миқдор-сифат ҳисоби даф-

тарида санаб чиқиш (36-шакл) бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичларининг тўғрилигини текшириб кўради ҳамда ушбу текшириш натижасини мазкур туркумнинг шахсий ҳисоб рақамига ёзиб қўяди. Дон маҳсулотлари туркумини ҳисобот қолдиқлари (37сх-шакл) бўйича (тортмасдан) бир моддий жавобгар шахсдан бошқа шахсга бериш тақиқланади.

Камомад ва ортиқчаликларсиз тозаланган дон маҳсулотлари туркуми ҳақидаги маълумотлар (натижасиз тозалашлар) ҳисоботга тозалаш далолатномаси билан бўлгани сингари тартибда киритилади.

179. Бир йилда камида икки марта (1 июль ва 1 ноябрда) тозалаш комиссияси раҳбарининг буйруғи бўйича стандарт оғирликдаги қопларга қопланган барча ун ва ёрмани санаш йўли билан ялпи текширади.

Стандарт оғирликдаги қопларга солинган ун ва ёрманиннг жорий тозаланиши ва хатланиши натижалари тозалаш далолатномаси тузилмасдан хатлаш далолатномаси (172-шакл) билан расмийлаштирилади. Ун ва ёрма қолдиғи оғирлиги ўринлар сони ва маҳсулот солинган стандарт оғирликдаги қоплар сонини ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва хатлов далолатномасида кўрсатилади.

ун ва ёрманиннг бундай туркумлари бўйича камайишни сақлаш ва ташишда намлик пасайиши ва табиий камайиш нормаси ҳисобига ҳисобдан чиқариш амалга оширилмайди.

Корхона раҳбари бир ойда камида бир марта миқдор (оғирлик)ни тахланиш тўғрилигини ва сақлаш шароитларини аниқлаш мақсадида омборлардаги тайёр маҳсулотларнинг айрим омборлари ва айрим штабелларини тўсатдан текширишни ташкил этиши шарт.

180. Моддий жавобгар шахс алмашган тақдирда унинг жавобгарлиги остида сақланаётган дон ва маҳсулотлар (стандарт оғирликдаги қопларга солинганлари бундан мустасно) албатта қайта тортилади ва стандарт оғирликдаги қопларга солинган маҳсулот қайта санаб чиқилади ҳамда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади. Қайта тортиш ва қайта санаш корхона раҳбари томонидан тайинланган комиссия томонидан дон ва маҳсулотни топшираётган ва қабул қилиб олаётган ходимлар — моддий жавобгар шахслар иштирокида амалга оширилади.

Моддий жавобгар шахс меҳнат қобилиятини йўқотиш ва хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қиладиган анча оғир ва муттасил касаллик намоён бўлиши билан тавсифланадиган узоқ вақт касал бўлган ёки вафот этган тақдирда ёхуд озодликдан маҳрум этилганда янги тайинланган моддий жавобгар шахснинг мавжуд дон ва маҳсулотни қабул қилиб олиши корхона раҳбари томонидан тайинланадиган комиссия иштирокида амалга оширилади.

Хатловдан ўтказиладиган туркум тўлиқ тозалангунгача доннинг янги туркумидан сарф амалга оширилмайди.

Қайта тортишлар натижаси тортишда иштирок этган ва тарози кўрсаткичларининг тўғрилиги учун жавоб берадиган шахслар имзолаган тарозида тортиш ведомостига киритилади.

Дон ва дон маҳсулотлари бир моддий жавобгар шахсдан бошқа моддий жавобгар шахсга берилаётганда тозалаш далолатномалари омборларни жорий тозалашдаги сингари тартибида тузилади.

181. Дон ёки маҳсулотнинг тўлиқ сарфланиши ҳолати моддий жавобгар шахс иштирокида Омборларни тозалаш комиссияси томонидан тасдиқланади.

Омборларни тозалаш комиссияси беш кун муддатда дон ва маҳсулотни қайта тортиш тамом бўлгач ёки тўлиқ сарфлангандан кейин қуйидаги дафтарлар ва бирламчи ҳужжатлар асосида операциялар натижаларини аниқлайди:

бирламчи ҳужжатлар бўйича миқдор ва сифатга, шунингдек намлик ва бегона аралашмалар бўйича ҳисоблаб чиқиш ва ўртача тортилган кўрсаткичлар тўғрилиги-га нисбатан текширилган миқдор-сифат ҳисоби дафтарлари;

омбор ҳисоботлари ва бирламчи кирим-чиқим ҳужжатлари: юк хати реестрлари юк хати, юк хати реестрлари рўйхати, текшириш-далолатномалар, кирим квитанциялари юк хатлари, маҳсулотни беришга счёт-фактуралар, ташишга темир йўл ва дарё юк хатлари, дон ва маҳсулотга ишлов бериш далолатномалари, яроқсиз чиқиндиларни йўқ қилиш далолатномалари ва ҳоказолар;

оғирлик ва сифат бўйича фарқларга тижорат далолатномалари ва далолатнома-рекламациялар;

ваколатли давлат органининг сифат бўйича сифатли гувоҳномалар ва сертификатлардаги, лабораторияда текширишнинг текшириш карточкалари ва рўйхатдан ўтказиш журналларидаги ёзувлари.

182. Камайишнинг асослиги сақлаш ва ишлов беришда эришилган сифатнинг яхшиланишига, яъни намлик ва бегона аралашмалар камайишига ва сақлаш пайтидаги табиий камайиш нормаларига қатъий мувофиқ равишда белгиланади.

Донни тозалаш ва маҳсулотга ишлов бериш бўйича амалга оширилган операциялар белгиланган шаклдаги далолатномалар билан тасдиқланиши керак.

183. Дон ва маҳсулот оғирлиги улар сифати ўзгаришига қараб ўзгаришини асослаш учун омборларни тозалаш комиссияси қўйидагиларга амал қилади:

а) намлик пасайишидан дон ва маҳсулотнинг оғирлиги камайиши миқдори дон ёки маҳсулот кирими ва сарфи бўйича намлик кўрсаткичларини таққослашда олин-надиган фарқдан ортиқ бўлмаслиги керак, ушбу фарқ қўйидаги формула бўйича қайта ҳисоблаб чиқилади:

$$X = \frac{100 (a б)}{100 - б}$$

бунда: x — оғирлик камайишининг қидирилаётган фоизи;

a — кирим бўйича намлик кўрсаткичи, %;

б — чиқим бўйича намлик кўрсаткичи, %;

б) қайта ишлаш далолатномаси бўйича ҳисобдан ортиқча (кўпроқ) чиқарилган яроқли ва яроқсиз чиқиндилар бўйича дон оғирлигининг бегона аралашмалар пасайиши натижасида камайиши кирим ва чиқим қилинган доннинг бегона аралашмалар кўрсаткичларини солиштиришда юзага келган тафовутдан ошмаслиги керак ва у қўйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$X = \frac{(в г) 100 д)}{10 - г}$$

бунда: x — оғирлик камайишининг қидирилаётган фоизи

в — кирим бўйича намлик кўрсаткичи, %

г — чиқим бўйича намлик кўрсаткичи, %

д — намлик пасайишидан келиб чиққан камайишлар ҳажми, фоизларда мазкур модданинг «а» кичик бандида келтирилган формула бўйича ҳисоблаб чиқилган.

Ушбу формула бўйича камайишни ҳисобдан чиқариш фақат 0,2% дан ортиқ бўлмаган миқдорда амалга оширилади.

Сақлаш жараёнида ишлов берилмайдиган ёки механизмлар билан бир жойдан бошқа жойга ўтказилмайдиган дон туркумлари бўйича бегона аралашмалар ҳисоби-га ҳисобдан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Дон, уни қайта ишлаш маҳсулотлари ва уруғликнинг табиий камайиши миқдори уларни сақлаш муддати ҳисобга олинган ҳолда мазкур Низомга 2а-иловада назарда тутилган нормалардан ортиқ бўлмаслиги керак.

Омихта емнинг табиий камайиши миқдори бир ойгача сақлаганда — 0-0,4 фоиздан, кейинги ҳар бир ой учун 0, 0,1 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

Дон, маҳсулотлар ва омихта емнинг ушбу туркумини сақлашнинг ўртача муддати кунларда кундалик қолдиқлар йиғиндисини ушбу туркумнинг келтирилиши бўйича миқдорга бўлиш йўли билан аниқланади. Сақлашнинг ойлардаги ўртача муддатини аниқлаш учун сақлаш кунларининг ўртача сони 30 га бўлинади.

Дон, маҳсулотлар ва омихта еми сақлашда табиий камайиш нормаси тозалаш далолатномалари бўйича сарф ва қолдиқдаги умумий миқдорга нисбатан қўлланилади.

184. Дон ва дон маҳсулотлари туркумлари бўйича намликнинг ошиши ёки ифлослик миқдори кўпайиши аниқланган тақдирда сифатнинг ёмонлашишида моддий жавобгар шахснинг айбдорлиги ва тегишли равишда ортиқчаликларнинг мавжуд эмаслиги омборни тозалаш бўйича комиссиянинг хулосасига кўра аниқланади.

185. Ортиқчаликлар мавжуд бўлмаганда ёки, агар улар дон ва дон маҳсулотлари сифати ёмонлашиши натижасида бўлиши керак бўлгандан кам бўлганда оғирликдаги фарқни ҳисоблаб ўтказиш сифатнинг ёмонлашиши намланиш ёки донга бегона ифлослик ёки стандартлар бўйича бегона аралашмага киритиладиган бошқа экинлар дони аралашини ҳисобига оғирликнинг кўпайишига олиб келиши керак деб ҳисоблашга асос мавжуд бўлган ҳолларда амалга оширилади.

Оғирликдаги фарқни ҳисоблаб ўтказиш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади.

$$X = \frac{100(b - a)}{10 - b}$$

бунда: x — оғирлик кўпайишининг қидириладиган фоизи;

a — кирим ва қолдиқ бўйича намлик ёки бегона аралашма кўрсаткичи;

b — сарф ва қолдиқ бўйича намлик ёки бегона аралашма кўрсаткичи.

186. Бирламчи ҳужжатлар бўйича миқдор ва сифат кўрсаткичларининг тўғрилиги ва текшириб чиқилгандан ва миқдор-сифат дафтариди санаб чиқилгандан кейин комиссия уч нусхадан тозалаш далолатномаси (33-шакл) тузади. Тозалаш далолатномаси ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Тозалаш далолатномалари ўз вақтида тузилмаганлиги учун айбдор мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиши керак.

187. Тозалаш далолатномалари (30-шакл) ўчириб ёзилмасдан ва тузатишларсиз тўлдирилади.

Дон маҳсулотлари ёки омихта ем миқдори тозалаш далолатномаларида килограммларда, намлик ва бегона аралашманинг ўртача тортилган кўрсаткичлари 0,01% гача аниқликда кўрсатилади. 0,004 фоизгача бўлган қисми ташлаб юборилади, 0,005% ва ундан ортиғи 0,1% сифатида қабул қилинади.

188. Тозалаш далолатномаларига уларни рўйхатдан ўтказишга мувофиқ ҳар йили, 1 январдан бошлаб 31 январгача тартиб рақамлари берилади. Тозалаш далолатномаси комиссия томонидан имзоланган кун тозалаш далолатномаси санаси ҳисобланади. Тозалаш моддий жавобгар шахснинг иштирокисиз амалга оширилган тақдирда комиссия унинг иштирок этмаганлиги сабабини кўрсатиб, бу ҳақда тозалаш далолатномасига қайд этади.

Тозалаш далолатномаларида миқдор-сифат ҳисоби дафтардаги ёзувга мувофиқ

дон экиннинг тўлиқ номи ёки маҳсулотнинг тури ва нави, шунингдек сақланадиган жойнинг номи, рақами, моддий жавобгар шахснинг фамилияси ва исми, отасининг исмининг бош ҳарфлари кўрсатилади.

Тозалов далолатномалари комиссия таркибига кирувчи барча мансабдор шахслар ва моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади.

I, II ва III тоифали чиқиндилар бўйича фақат миқдор ҳисоби юритилади. Уларни сақлаш натижалари хатлов далолатномалари билан расмийлаштирилади, моддий бойликлар учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Агар тозалаш пайтида ортиқча дон ёки маҳсулот борлиги аниқланса, ушбу ортиқча дон ёки маҳсулот тозалаш далолатномасини ваколатли давлат органи кўриб чиқишни кутиб ўтирмасдан улар аниқланган пайтда дарҳол корхонанинг бухгалтерия ҳисобига кирим қилиниши керак.

Тозалаш далолатномасига тозалаш комиссияси ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланган 34-шакл бўйича ишлов беришга йўл қўйиладиган далолатнома ва айланиш ведомости илова қилинади.

189. Маккажўхорида ишлов бериш корхоналарида маккажўхорининг ушбу туркуми сақланадиган жойларни ва корхона ишлаб чиқариш корпусини тўлиқ тозалаш маккажўхорининг алоҳида ҳисобга олинган ҳар бир туркумига ишлов бериш тамом бўлгандан кейин амалга оширилади ва белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Тозалаш корхонанинг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари, бош муҳандис, ИЧТЛ бошлиғи (лаборатория мудири) ва бош бухгалтердан иборат таркибдаги комиссия томонидан ишлаб чиқариш бошлиғи иштирокида амалга оширилади.

Тозалаш комиссияси бирламчи ҳужжатлар ва 37-шаклдаги омбор ҳисоботи бўйича миқдор ва сифатга нисбатан текширилган 36а-шаклдаги миқдор-сифат ҳисоби дафтарлари асосида операциялар натижаларини, шунингдек намлик бўйича санаб чиқиш ва ўртача тортилган кўрсаткичлар тўғрилигини аниқлайди.

Ишлаб чиқаришга берилган барча сўтадаги маккажўхори оғирлиги қуритиш камераларига юкланган маккажўхорини ўлчаш бўйича ҳисоблаб чиқилган маккажўхорида ишлов бериш корхоналарида ишлаб чиқариш бошлиғининг жавобгарлиги остидаги сақлаш жойларини тозалаш ва натижаларни аниқлаш сўтадаги маккажўхори миқдорини қиёслаш, дон ва унинг ўртача тортилган намлигини — маккажўхори донини ишлов беришдан олинган миқдор билан кирим бўйича (майда донлилари ҳам шу жумлага киради), чиқиндилар ва ўзаклар ва уларнинг ўртача тортилган намлиги — сарф бўйича қиёсланиши йўли билан амалга оширилади.

Ушбу ҳолларда тозалаш далолатномалари маккажўхорининг ҳар бир алоҳида ҳисобга олинган туркумига 30-шакл бўйича тузилади.

190. Технология схемаси бўйича ҳар бир нав ва гибриддаги маккажўхорида ишлов беришда олинган чиқиндиларни бўлимларга бўлиш мақбул эмас деб ҳисобланган маккажўхорида ишлов бериш корхоналарида уларни навлар ва гибридлар бўйича тақсимлаш у ёки бу нав ва гибридга тегишли бўлган янчишга берилган сўтадаги маккажўхори оғирлигига пропорционал равишда амалга оширилади.

191. Ишлов бериш жараёнида маккажўхорининг механик камайиши ишлаб чиқаришга берилган маккажўхори оғирлигининг 0,2 фоизи доирасида тозалаш далолатномаси бўйича ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

192. Белгиланган нормалар ва сифат яхшиланиши доирасида камайишдан ортиқча маккажўхори ортиқ ёки кам бўлган тақдирда ишлаб чиқариш бошлиғи ўз тушунтиришини беради, тозалаш бўйича комиссия эса уларнинг ҳосил бўлиши сабабларини пухта ўрганиб чиқиши ва тозалаш далолатномасида тегишли тушунтиришни қайд қилиши шарт.

Сақлаш чоғида намликнинг камайиши ва табиий камайиш нормалари ҳисобига маккажўхори оғирлигининг камайишини ҳисобдан чиқариш, шунингдек асосланмаган камомадни моддий жавобгар шахсдан ундириб олиш ҳисобига киритиш ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган тозалаш далолатномаси асосида амалга оширилади.

193. Корхоналарда доннинг бузилиши аниқланган ҳолатда, бузилишнинг ҳар бир ҳолати синчиклаб текширилади ва ушбу ҳолатга йўл қўйган мансабдор шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиш чоратадбирлари кўрилади.

Ваколатли давлат органининг хулосасига кўра аниқ даражадаги нуқсонга эга бўлган ва техник мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлмаган бузилган дон миқдори ҳисоб ва ҳисоботда ўзини оқламаган камомад сифатида акс эттирилиши керак.

194. Тўкилган дон ва маҳсулотлар зудлик билан йиғиб олиниб, қайта тозаланиши керак.

Ҳосил бўлган супуриндилар:

- а) тортиш йўли билан аниқланган супуриндиларнинг ҳақиқий оғирлиги;
- б) лаборатория текшируви бўйича супуриндилар сифати (нормал дон, дон ва бегона аралашмалар, намлик мавжудлиги);
- в) супуринди ҳосил бўлган дон сифати;
- г) тўкилиш сабаблари ва бунга йўл қўйган шахслар кўрсатилган далолатнома билан расмийлаштирилади:

Далолатнома моддий жавобгар шахс, ИЧТЛ бошлиғи (лаборатория мудири) томонидан имзоланади ва корхона раҳбари томонидан тасдиқланади.

Супуриндилар зудлик билан сақлаш жойлари бўйича кирим қилиниши керак. Супуриндиларни ностандарт оғирликдаги қопларга солинган дон, ун ва ёрма ҳисобидан чиқариш, дон маҳсулотлари туркумидан тўлиқ фойдаланилишини кутиб турмай белгиланган тартибда расмийлаштирилган далолатномалар бўйича амалга оширилади.

Супуриндиларни дон ҳисобидан чиқариш ундан супуринди ҳосил бўлган дон (бегона аралашма бўйича) сифати ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Ҳисобдан чиқариш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$X = \frac{a \times b}{100 - b}$$

х — супуринди ҳисобига чиқим қилинадиган дон миқдори, кг;

а — супуринди миқдори, кг;

б — нормал дон ва супуриндилардаги дон аралашмаси, %;

в — супуринди ҳосил бўлган дондаги бегона аралашма, %.

Корхоналарнинг раҳбарлари дон ва маҳсулот тўкилишига йўл қўйган шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиши керак.

195. Янгидан фойдаланишга топширилган элеваторлар силосларини ювишда (синаб кўришда) паст сифатли дондан фойдаланилади.

Механизмларни синаш учун элеваторга юбориладиган дон оғирлиги ва сифати ювишни ва элеваторни комплекс синаб кўришни амалга оширган комиссия томонидан аниқланади.

Машиналар, механизмлар синаб кўрилганда ва элеватор силослари бўйича ташилгандан кейин дон алоҳида силосга жўнатилади ёки яна омборга қайтарилади, бунда комиссия ушбу доннинг оғирлиги ва сифатини ва шунингдек олинган чиқиндилар оғирлиги ва сифатини аниқлайди.

Элеватор механизмлари ва асбоб-ускуналарини ювиш ва комплекс синаб кўриш тамом бўлгандан кейин комиссия улар тўлиқ тозаланганлигини текшириши ва тасдиқлаши шарт.

Элеватор ювилганлиги ва комплекс синовдан ўтказилганлиги натижалари комиссиянинг далолатномаси билан расмийлаштирилади. Далолатнома ваколатли давлат органининг хулосаси бўйича корхона раҳбари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Агар далолатномада элеваторни синаб кўришда дон камайиши қайд этилган бўлса, бундай камайиш олинган оралик маҳсулотлар ва чиқиндилар қиймати чиқариб ташланган ҳолда зарар ҳисобга ҳисобдан чиқарилади.

196. Дон ва дон маҳсулотларининг миқдор-сифат ҳисоби давлат назорати, тозалаш далолатномаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш мазкур Низомга 5-иловада назарда тутилган тартибда ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

XVII. Дон, маҳсулот ва омихта ем камайишини ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби

197. Тозалаш далолатномалари бўйича олдиндан аниқланган, тегишли тартибда расмийлаштирилган ва комиссия томонидан имзоланган камайиш моддий жавобгар шахслар томонидан белгиланган тартибда ўз оғибор ҳисоботлари бўйича ҳисобдан чиқарилади.

198. Аниқланган ва далолатномалар билан расмийлаштирилган оғирликнинг камайиши бухгалтерия ҳисобининг алоҳида ҳисоб рақамида акс эттирилади ва тозалаш далолатномалари тасдиқлангунга қадар ушбу ҳисоб рақамида ҳисобда туради.

Ишлов бериш ва сақлашда сифатнинг амалда эришилган яхшиланиши ҳисобига, шунингдек сақлаш пайтида табиий камайишнинг белгиланган нормалари доирасида дон ва маҳсулот оғирлиги камайишини ушбу ҳисоб рақамидан ҳисобдан чиқариш фақат ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган тозалаш далолатномалари асосида амалга оширилади.

Нормадан ортиқча камайиш камомади айбдор шахслардан дон ва маҳсулотнинг бозор қиймати бўйича пул маблағлари билан ёки сифат кўрсаткичлари бўйича стандарт талабларига жавоб берадиган тенг қийматли миқдорда дон ва маҳсулот топширилиши орқали ундириб олинади.

XVIII. Дон ва дон маҳсулотлари сақланиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги

199. Корхона раҳбари сақлаш, ишончли ҳисобга олишни ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратилиши ва талон-торож, камомад ва бузилишнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар ўз вақтида кўрилиши учун жавоб беради.

200. Моддий жавобгар шахс оғирлик тўғри аниқланиши, дон ва дон маҳсулотлари миқдор ва сифат жиҳатидан сақланиши, дон ва дон маҳсулотлари билан барча операциялар ўз вақтида амалга оширилиши ва тўғри расмийлаштирилиши, шунингдек дон ва дон маҳсулотларининг ташилиши тўғрисидаги ҳисоботлар ўз вақтида тузилиши ва тақдим этилиши учун тўлиқ моддий жавоб беради ва бошқача тарзда жавобгар бўлади.

201. Ҳарбийлаштирилган ва идоровий кўриқлаш бошлиқлари, соқчилар корхона раҳбари билан биргаликда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда дон

ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари талон-торож қилиниши ва миқдорий сақланиши учун жавоб берадилар.

202. Тарозибонлар тўғри тортиш ва тарозида тортилган дон ва дон маҳсулотлари миқдори бирламчи ҳисобга олиш ҳужжатлари ва реестрларда (журналлар, дафтарлар ва ҳоказоларда) акс эттирилиши учун жавоб берадилар.

203. Миқдор-сифат ҳисоби учун жавоб берадиган ва буни бевосита юритадиган корхона бухгалтерлари мазкур Низом билан белгиланган операцияларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш тартиби бузилганлиги учун жавоб берадилар.

204. Ишлаб чиқариш-технология лабораторияси раҳбари ва лаборантлар дон ва дон маҳсулотлари сифати тўғри аниқланиши, шунингдек сифат кўрсаткичлари бирламчи ҳисобга олиш ҳужжатлари ва реестрларда (журналлар, текшириш қарточкалари, дафтарлар ва ҳоказолар) ҳаққоний акс эттирилиши учун жавоб берадилар.

205. Моддий жавобгар шахснинг мансабни суиистеъмол қилиши ва ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлиши оқибатида юзага келган дон ва маҳсулот камомати бўйича корхона раҳбари ёки унинг ўринбосари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда камомат аниқлангандан кейин беш кундан кечикмай судга даъво бериши шарт.

206. Камомат ва бузишнинг аниқ айбдорлари аниқланмаганда бузишдан қўрилган камомат ва камайиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқариш чикимлари ҳисобига ҳисобдан чиқарилади.

207. Нормал ишлаб чиқариш-ҳўжалик таваккалчилиги натижасида пайдо бўлган зарар учун ходимга моддий жавобгарлик юклашга йўл қўйилмайди (ходим янги, мазкур вазиятларда ўзини оқлаган ишнинг техник усуллари қидириш ва синаб кўриш туфайли етказилган зарар учун жавоб бермайди).

Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш,
сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва
сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва
ҳужжатлар билан расмийлаштириш тарти-
би тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Дон ва дон маҳсулотларининг камомати (бузилиши) юзасидан транспорт ташкилотлари ва юк жўнатувчиларга эътироз билдириш тартиби

I бўлим. Дон ва дон маҳсулотларининг камомати (бузилиши) юзасидан эътирозларни расмийлаштириш

1. Қуйидаги ҳолларда темир йўл ташкилотларига дон маҳсулотларининг камомати юзасидан эътироз такдим қилинади:

а) белгиланган станцияга носоз вагонда қуйидаги аломатлари билан юкнинг келиши: вагонлар девори, поли ва томининг ташқи тешикларини бекитиш; томнинг бузуклиги; вагон эшикларининг носозлиги ва унинг бузилиши; эшик накладкалари ва штирларининг мавжудлиги; ташқаридан бекитилган ёки очиқ люклар (маҳсус рухсатнома бўйича ташишлар амалга ошириладиган очиқ люклардан ташқари); йўлда ёки белгиланган станцияда аниқланган кузовдаги ва вагондаги тешиклар орқали дон тўкилиши.

Юк жўнатувчи тамғасининг бутунлигидан қатъи назар, юк носоз вагонда келганда эътироз ва даъво тақдим қилинади. Тижорат далолатномасини тузишда юк олувчи юкнинг кам чиқиши, йўқолиши ёки бузилишига олиб келадиган ҳолатларни батафсил баён қилишни талаб қилиши шарт;

б) йўлда юкни олиш имконияти; йўлда воситалар орқали бир вагондан бошқа вагонга қайта юклаш; белгиланган станцияга битта ёки бир йўлдаги станциянинг иккита тамғаси билан ёки жўнатувчининг тамғаси бузилган ҳолда вагоннинг келиши (йўлда ваколатли давлат органи томонидан дон юкларини текшириш ҳолларидан ташқари, бу эса вагонни очиш станциясида ваколатли давлат органи вакили ҳамда вагонни очган станция агенти томонидан имзоланган умумий шаклда тузилган далолатнома билан тасдиқланиши керак);

в) вагонни очиш вақтида доннинг юзасида ўйилган чуқурча ёки мавжуд доннинг бир томонга, бунда доннинг эшик орасидан силжишининг аниқланиши, бу эса дон тўсиғининг юқориги чети орқали доннинг тўкилишидан далолат беради, ҳамда вагоннинг кузовидаги бошқа яширин камчиликларнинг аниқланиши;

г) агар охириги белгиланган пункт темир йўл станцияси бўлса, тўғридан-тўғри аралаш темир йўл ва сув йўли орқали, идишсиз ва идишда ташиб келинадиган дон юклари ва омихта емнинг вазни ёки юк ўрни камлигининг аниқланиши;

д) агар вагонларга қайта юклаш темир йўл орқали амалга оширилган бўлса, тор ва кенг йўлакли темир йўл транспорти иштирокида, олиб келинадиган дон юклари ва омихта ем вазни ёки юк ўрнининг етишмаслиги;

Мазкур Тартибнинг «г» ва «д» кичик бандларида назарда тутилган ҳолатларда, юк жўнатувчининг бузилган тамғаси билан соз вагонларда ёки кемаларда биринчи тушириб ортиш пункти ёки қайта юклаш пунктига қадар етиб келган, юкларни темир йўл транспортдан сув транспортга ёки сув транспортдан темир йўл транспортга тушириб ортиш биринчи пунктига, кенг йўлакли темир йўл транспортдан тор йўлаклига ёки тор йўлаклидан кенг йўлаклига қайта юклаш пунктида аниқланган ва дон юкларининг вазни ёки юк ўрнининг камлиги учун юк жўнатувчилар жавоб берадилар, ва бундай ҳолатларда транспорт органларига эътироз билдирилмайди ва даъво қилинмайди.

Йўлнинг кейинги барча қисмида юкларнинг қўшимча (биринчи тушириб ортиш пунктида белгилангандан юқори) камомад аниқланганда юкларнинг кейинги камомади учун транспорт органлари жавоб берадилар ҳамда охириги белгиланган пунктига боғлиқ ҳолда темир йўл компанияси ёки пароходчилик бошқармасига эътироз ва даъво билдирилади. Охириги белгиланган пунктда юкнинг камомади биринчи тушуриб ортиш пунктида расмийлаштирилган камомаддан кам бўлган қуйидаги ҳолларда, юк жўнатувчига нисбатан охириги белгиланган пунктда белгиланган камомад микдорида эътироз билдирилади;

е) ташиш ҳужжатларида кўрсатилган жўнатиш тамғасига мувофиқ бўлмаган тамға билан тўғридан-тўғри аралаш темир йўл ва сув йўли орқали юкланган ун ва ёрманинг етиб келиши;

ж) нам тортган, бегона аралашма ёки ҳид билан ифлосланган ҳамда юк ва идишнинг бошқа бузилган ҳолда дон, ун, ёрма, кепак ва омихта емнинг белгиланган станцияга (пристанга) етиб келиши, шунингдек вагонда ёки кемада юк идишининг сочилиб кетиши аниқланганда, дон юкларининг йўқотилиши ва бузилишига асос транспорт органининг айби ҳисобланса;

з) бошқа барча ҳолларда, қачонки дон юкларининг камомади уларнинг йўқотилиши ва бузилиши темир йўл натижасида бўлганлигини юк қабул қилиб олувчи исботлаган ҳолларда.

2. Агар юкларни жўнатиш битта юк хати бўйича йўналиш ёки вагонлар гу-

рухи орқали жўнатилган бўлса ва белгиланган станцияга юк вагонлар камомоди билан етиб келган бўлса, ушбу ҳолат тижорат далолатномаси билан тасдиқланиши керак. Кўрсатиб ўтилган ҳолларда темир йўлга, йўқотилган юк учун эмас, балки камомад қийматини қоплаш тўғрисида даъво қилинади.

3. Темир йўл эътирозни тан олган, лекин тан олинган суммани аризачига ўтказиб бермаган ҳолларда, ушбу сумма қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирилади.

4. Тўғридан-тўғри сув йўли орқали ташиб келинган юкларнинг камомоди ва бузилиши юзасидан сув транспорти органларига эътироз ва даъволар мазкур Тартибнинг 1-бандида келтирилган шартларга мувофиқ тақдим қилинади.

5. Қўйидаги ҳолларда юк жўнатувчиларга эътироз тақдим қилинади:

а) тўғридан-тўғри темир йўл ёки сув йўлида вагон ёки кеманинг соз ҳолатида идишсиз ва идишда дон юklarини ташишда, юк жўнатувчининг тамғаси бутун ҳолда юк белгиланган жойга дон юкларининг ўрни ва вазни кам ҳолда етиб келган барча ҳолларда, шунингдек вагонларнинг соз ҳолатда, бир томондан юк жўнатувчининг ва иккинчи томондан текшириш пункти давлат ваколатли органининг тамғалар бузилмаган ҳолда, дон сифатини текшириш учун вагонни очиш тўғрисидаги умумий шаклдаги далолатномаси мавжуд бўлганда етиб келиш ҳолларида;

б) тўғридан-тўғри ташиб келинган дон юклари камомоди учун юк қабул қилувчининг транспорт органларига тақдим қилинган даъво ёки эътирозини қондиришни хўжалик суди рад этган ҳолларда. Бундай ҳолларда юк жўнатувчига тақдим қилинган эътирозга тегишли қарор ёки кўрсатиб ўтилган органларнинг зарур тартибда тасдиқланган қарори нусхаси илова қилинади;

в) йўлда юкларнинг сифати ўзгариши сабабли дон юкларининг вазни камайганда юк қабул қилувчи айни бир вақтда камомад учун эътироз тақдим этган ҳолда юк жўнатувчига дон юкларининг сифатидаги тафовут юзасидан рекламация далолатномасини юбориши шарт;

г) агар амалдаги тамғаси бўлган соз ҳолатдаги тарозида тортилган бўлса, жўнатишда ва тушириб ортиш ёки белгиланган пунктда тортилган дон юклари станция ёки пристанга қўшимча ёзилган вазнлар типидagi тафовут тақдим қилинган эътирозни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

6. Қўйидаги ҳолларда юк қабул қилувчи томонидан эътироз билдирилмайди:

а) темир йўллар ва сув йўллари орқали ташишда табиий камайиш нормалари доирасида дон юкларининг камомоди учун юк жўнатувчиларга, темир йўллар ва сув йўллари орқали ташишда табиий камайиш нормалари ва тарози приборлари кўрсаткичларидаги тафовут нормалари доирасидаги дон юклари камомоди учун транспорт органларига;

б) юк қабул қилувчилар томонидан бир йўлдаги станцияларнинг вагон тарозиларида, шунингдек кам юк кўтарадиган икки марталик тарозиларда дон юклари вазнини аниқлашда;

в) даъво ва эътирозларни хўжалик суди ва транспорт органлари томонидан даъво муддатининг ўтганлиги, даъво ва эътироз ҳужжатларини нотўғри расмийлаштирилганлиги сабабли ва юк қабул қилувчига боғлиқ бўлган бошқа сабаблар бўйича рад этган ҳолларда.

Юк қабул қилувчи томонидан дон юклари вазни ва ўринлар сонини текшириш натижалари белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тақдирда, етиб келган юклар жўнатувчининг ташиш ҳужжатларида кўрсатилган вазни ва ўринлар сони бўйича юк қабул қилувчи томонидан кирим қилинади. Ортиқчаси белгиланган станцияда аниқланган миқдорда кирим қилинади.

7. Дон махсулотлари камомоди учун эътироз «Ўзбекистон темир йўллари»

давлат-акциядорлик компаниясига чегараланган олти ойлик муддатни кутмасдан, қисқа муддатда тақдим қилинади.

Чегараланган муддат:

а) юкнинг бузилиши, зарарланиши ёки камомади учун товон тўлаш тўғрисидаги эътирозлар бўйича — юкни берган кундан;

б) юкни йўқотганлиги учун товон тўлаш тўғрисидаги эътирозлар бўйича — етказиб бериш муддати тугаган кундан 30 сутка мобайнида;

в) тўғридан-тўғри аралаш ташиш натижасида вужудга келган юкни йўқотганлиги учун товон тўлаш тўғрисидаги эътирозлар бўйича — ташишга юкни қабул қилган кундан 4 ой мобайнида ҳисоблаб чиқилади.

8. Дон маҳсулотлари камомади учун эътироз юк жўнатувчиларга юкни қабул қилган кундан бир ойга кечикмасдан тақдим қилинади.

9. Ўз вақтида эътирозлар тақдим қилмаганликда айбдор бўлган шахслар интизомий жавобгарликка тортилади.

10. Юқорида кўрсатилган муддатни ўтказган ҳолда эътирозлар тақдим қилиш томонларни даъво муддатининг белгиланган муддатлари доирасида даъво тақдим этиш ҳуқуқидан озод қилмайди.

11. Юк жўнатувчига тақдим қилинадиган эътироз бўйича дон маҳсулотлари миқдори, жўнатиш станциясида белгиланган вазни билан белгиланган станцияда белгиланган вазни ўртасидаги тафовут сифатида ташиш вақтидаги табиий камайиш нормалари доирасидаги камомадни айириб ташлаган ҳолда аниқланади.

12. Юк жўнатувчи — дон маҳсулотлари корхоналарига шартномавий ёки белгиланган нархларга мувофиқ эътироз тақдим қилинади.

13. Тижорат далолатномаси билан белгиланган ташиш вақтида юклар камомади учун юк жўнатувчига тақдим қилинган эътирозга юк қабул қилувчи асл юкхатини, шунингдек юкнинг етмаган қисмининг тўлиқ ҳисоб-китобини илова қилиши шарт. Асл юкхати хўжалик судларида қолган ва агар юкхати бошқа эътирозларга тақдим қилиш учун зарур бўлса, бундай ҳолларда эътироз билдираётган корхона бош бухгалтери томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган юкхатининг нусхаси илова қилинади.

14. Табиий камайиш нормаларидан ортиқча бўлган дон маҳсулотлари камомадни учун эътирозлар бўйича дон маҳсулотлари ташкилотларининг транспорт органлари билан низолари хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади.

15. Битта жўнатувчи томонидан битта станцияда битта қабул қилувчи манзилидаги битта ва шу белгиланган станцияга юкланган бир турдаги юклар бўйича эътирозлар жўнатиш гуруҳига, лекин бештадан ортиқ бўлмаган гуруҳга, бутун йўналиш ёки вагонлар гуруҳига битта далолатнома тузилган юклар бўйича эса — битта тижорат далолатномасида кўрсатилган жўнатиш сони юзасидан тақдим қилишга йўл қўйилади. Шунинг учун корхона битта даъво аризасига темир йўл ташувидан келиб чиқадиган бир нечта талабномаларни бирлаштириши мумкин.

16. Сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулотларни қабул қилиш билан боғлиқ низолар бўйича даъволар транспорт ташкилоти жавобгар (бирга жавоб берувчи) сифатида ишга жалб қилинаётганда хўжалик судига берилади.

17. Темир йўл ва сув йўллари орқали ташишда дон маҳсулотларини тўлиқ юкламаслик учун эътирозлар юк жўнатувчиларга бир ойда тақдим қилинади.

18. Юк жўнатувчи эътироз материалларини олган кундан бошлаб бир ой муддатдан кечикмасдан бу тўғрида аризачини хабардор қилиб, эътирозни текшириш ва асосланган талабномани қондириши шарт. Асосли эътирозлар мавжуд бўлганда жўнатувчи шу муддатда қабул қилувчига асосланган рад этишни кўрсатган ҳолда унинг эътирозини тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида хабар бериши ва эътироз билан олинган ҳужжатларни қайтариши шарт.

19. Белгиланган станциялар ва пристанларда аниқланган дон маҳсулотларининг камомадини юк жўнатувчилар олинган претензияларни текширгандан кейин ўз моддий ҳисоб-китоби бўйича тиклайдилар, дон маҳсулотларини бузилган ёки паст сифатли идишларда юклаб жўнатиш оқибатида юзага келган стандарт вазни бўйича юклаб жўнатиш ун, ёрма ва уруғлик маккажўхори, у камомадидан ташқари.

20. Маҳсулотлар тўлиқ ўринлари камомади, шунингдек қоплар йиртилиши оқибатидаги камомад юк жўнатувчиларга фақат бундай камомад учун транспорт органларининг мулкӣ жавобгарлиги истисно қилинган ҳоллардагина тегишли бўлади. Бундай ҳолларда юк жўнатувчилар тўлиқ ўринлар камомадини моддий ҳисоб-китоби бўйича юкнинг кам чиқиши сифатида тиклайдилар, вазнининг камлиги ёки қопларнинг йиртилиши оқибатида маҳсулот сифатининг ёмонлашганлиги сабабли юзага келган зарар эса бузилган ёки сифатсиз идишга маҳсулотни юклашга йўл қўйган шахслардан ундириб олинади.

21. Маҳсулотни бузилган ёки сифатсиз идишга жойлашга йўл қўйган моддий жавобгар шахсдан маҳсулот вазнининг камлиги сабабли юзага келган зарарни ундиришда сақлаш вақтидаги табиий камайиш ва маҳсулот намлигини йўқотишдаги камайишлар камомад миқдоридан чиқариб ташланиши керак.

22. Агар қопларнинг йиртилиши сабабли юзага келган маҳсулотлар камомадининг аниқ айбдори топилмаса юк жўнатувчи корхона раҳбари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

II бўлим. Транспорт ташкилотларидан ундирилиши лозим бўлган дон ва дон маҳсулотлари камомади миқдори

1 §. Темир йўл транспорти органларидан ундирилиши лозим бўлган дон маҳсулотлари камомади миқдори

23. Темир йўл транспорти органларидан ундирилиши лозим бўлган дон маҳсулотлари камомадининг миқдори белгиланган тартибда табиий камайиш нормалари ва тарозилар нуқсони нормаларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

24. Агар жўнатиш станциясида аниқланган вазндаги тафовут йўлда ёки белгиланган станцияда текшириш вақтида аниқланган вазнга нисбатан:

а) вазннинг етишмаслиги — ушбу юк вазнининг табиий камайиш нормалари ва нетто вазнини аниқлаш натижаларидаги чегараланган тафовутдан;

б) вазннинг ортиқлиги — нетто вазнини аниқлаш натижаларидаги чегараланган тафовутдан оширилмаса юк вазни тўғри деб ҳисобланади.

25. Юк вазнининг табиий камайиш нормалари:

а) идишда ва қопга жойлаб ташиладиган юклар бўйича — юкнинг брутто вазнидан;

б) идишсиз ва қопга жойлаштирмасдан ташиладиган юклар бўйича — юкнинг нетто вазнидан ҳисоблаб чиқарилади.

26. Нетто вазнини аниқлаш натижасидаги чегараланган тафовут қиймати энг хусусиятли ҳолатлар учун ушбу Тартибга 1-жадвалда (бир хил ўлчаш усуллари ва воситаларида) ва 2-жадвалда (ҳар хил ўлчаш усуллари ва воситаларида) келтирилган.

2 §. Автомобиль транспорти органларидан ундирилиши лозим бўлган дон маҳсулотлари камомадининг миқдори

27. Автомобиль транспорти органларидан ундирилиши лозим бўлган дон маҳсулотлари камомадининг миқдори қуйидаги йўллар билан аниқланади:

а) белгиланган пунктда тарозилар кўрсаткичида белгиланган тафовут 0,1% га ошадиган камомад аниқланган вақтда, аниқланган камомаддан табиий камайиш нормаси чиқариб ташланиши керак;

б) агар табиий камайиш нормалари чиқариб ташлангандан кейин 0,1% дан ошадиган камомад қолса, бундай камомад тарозилар кўрсаткичларидаги тафовут сифатида кўриб чиқилиши керак ва бинобарин, бу камомад автомобиль транспорти органларига тегишли бўлмаслиги керак. Бундай ҳолатда табиий камайиш нормаларидан ошадиган камомад юк жўнатувчилар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилади;

в) агар камомад табиий камайиш нормаларидан 0,1%га ошса, у ҳолда тарози кўрсаткичларидаги тафовут (0,1%) камомаддан чиқарилмаслиги керак ва табиий камайишдан ошадиган барча камомад белгиланган тартибда далолатнома билан расмийлаштирилади ҳамда камомад қиймати автомобиль транспорти органларидан ундирилади.

28. Юклар вазнининг табиий камайиш нормалари:

а) идишда ва қопга жойлаб ташиладиган юклар бўйича — юкнинг брутто вазнидан;

б) идишсиз ва қопга жойлаштирмасдан ташиладиган юклар бўйича — юкнинг нетто вазнидан ҳисоблаб чиқарилади.

1-жадвал

Жўнатиш станцияларида ва етиб келиш станцияларида бир хил ўлчаш воситалари ва усулларида нетто вазнини аниқлашнинг чегараланган тафовут миқдори

Т/р	Нетто вазнини ўлчаш усули ва воситаси	Чегараланган тафовут, нетто вазнига нисбатан %
1.	Юкланган ва юксиз вагонни тўхтатилган ва ажратилган ҳолда қиймати 50 кг бўлинмалари билан вагонлар тарозиларида қуйидаги нетто вазни бўйича тортиш: 26 тоннадан ортиқ — 40 тоннагача 40 тоннадан ортиқ	±0,4 ±0,3
2.	Юкланган вагонни тўхтатилган ва ажратилмаган ҳолда қиймати 50 кг бўлинмалари билан вагонлар тарозиларида (трафарет бўйича вагон идиши) қуйидаги нетто вазни бўйича тортиш: 16 тоннагача 16 тоннадан — 28 тоннагача 28 тоннадан ортиқ — 42 тоннагача 42 тоннадан ортиқ	±0,7 ±0,5 ±0,3 ±0,2
3.	Юкланган вагонни тўхтатилган ҳолда ажратилмасдан вагонлар тарозиларида тортиш (составдаги вагонларнинг ўртача сони 35 та вагонга тенг миқдорда қабул қилинади, трафарет бўйича вагон идиши)	±0,9
4.	Юкланган вагонни юраётганда тортиш (трафарет бўйича вагон идиши)	±1,4
5.	Юкларни товар тарозиларида тортиш	±0,1

2-жадвал

**Жўнатиш станцияларида ва етиб келиш станцияларида
хар хил ўлчаш усуллари ва воситаларида нетто вазини
аниқлашнинг чегараланган тафовут миқдори**

Т/р	Нетто вазини ўлчаш усули ва воситаси		Чегараланган тафовут, нетто вазнига нисбатан %
	жўнатишда (беришда)	беришда (қабул қилишда)	
1.	Элеватор тарозиларида (бункерларда) тортиш ёки ±0,1 фоиз нуқсон билан миқдорлаш	Юкланган ва юксиз вагонни тўхтатилган ва ажратилган ҳолда қиймати 50 кг бўлинмалари билан вагонлар тарозиларида тортиш (нетто вазни 40 тоннадан ортиқ)	±0,25
2.	Элеватор тарозиларида (бункерларда) тортиш ёки ±0,1 фоиз нуқсон билан миқдорлаш	Юкланган вагонни тўхтатилган ҳолда ажратилмасдан вагонлар тарозиларида нетто вазнида тортиш (трафарет бўйича вагон идиши): 55 тоннадан ортиқ — 61 тоннагача 61 тоннадан ортиқ — 70 тоннагача 70 тоннадан ортиқ	±2,4 ±2,2 ±2,0
3.	Юк вазини ҳисоб-китоб йўли билан ёки шартли ўлчаш	Юкланган вагонни тўхтатилган ва ажратилган ҳолда ёки тўхтатилган ҳолда ажратилмасдан вагон тарозиларида нетто массасида тортиш (вагон идиши трафарет бўйича): 20 тоннадан ортиқ — 36 тоннагача 36 тоннадан ортиқ — 45 тоннагача 45 тоннадан ортиқ — 60 тоннагача 60 тоннадан ортиқ — 70 тоннагача 70 тоннадан ортиқ	±7,0 ±5,0 ±4,0 ±3,0 ±2,5

+

-

Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва ҳужжатлар билан расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ташиш вақтида дон (буғдой, жавдар, сули, арпа, маккажўхори, шоли ва бошқа дон юклари) ва уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг табиий камайиш нормалари

Юкнинг номи	Ташиш вақтида табиий камайиши нормалари, юк вазнига нисбатан % ҳисобида		
	Темир йўл транспортда ташишда	Дарё транспортда ташишда	Автомобиль транспортда ташишда
Дон дон вагонларида ташилганда:			
1000 км. гача	0,03	0,08	
1000 дан 2000 км. гача	0,04	0,13	
2000 км. дан ортиқ	0,06	0,16	
Идишсиз			0,09
Идишда			0,07
Дон ёпиқ вагонларда ташилганда:			
1000 км. гача	0,09		
1000 дан 2000 км. гача	0,13		
2000 км. дан ортиқ	0,18		
Уруғлар ташилганда:			
1000 км. гача	0,09		
1000 дан 2000 км. гача	0,13		
2000 км. дан ортиқ	0,18		
Идишсиз			0,09
Идишда			0,07
Ун, ёрма ташилганда:			
1000 км. гача	0,09	0,09	
1000 дан 2000 км. гача	0,13	0,13	
2000 км. дан ортиқ	0,18	0,17	
Идишсиз			0,09
Идишда			0,07
Кепак ва бошқа чиқитлар:			
Идишсиз	0,24	0,27	0,09
Идишда	0,16	0,22	0,07
Омихта ем, кунжара:			
Кунжара	0,04	0,24	
25 км. гача			0,05
26 км.дан 50 км. гача			0,07
51 км.дан 100 км. гача			0,10
100 км. дан ортиқ ва кейинги ҳар 100 км. учун			0,03
Донадор шрот	0,04		
Кукунсимон шрот	0,06		
Сочилувчан ва донадор омихта ем	0,14	0,18	
25 км. гача			0,05
26 км. дан 50 км. гача			0,07
51 км.дан 100 км. гача			0,10
100 км. дан ортиқ ва кейинги ҳар 100 км. учун			0,03

Изоҳлар:

1. Табиий камайишнинг кўрсатилган нормалари чекланган нормалар ҳисобланади ва фақат юк вазни ҳақиқатда кам чиққан ҳоллардагина қўлланади.

2. Электрмагнит машиналарида тозаланадиган ўтлар уруғларини автоуловларда ташиш вақтида уларнинг табиий камайиш нормаси ташишда 15 фоизга оширилади.

Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва ҳужжатлар билан расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
2а-ИЛОВА

Дон, уни қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотлар ва уруғларнинг сақлаш муддатини ҳисобга олган ҳолдаги табиий камайиш нормалари

Ўсимлик ва маҳсулотлар номи	Сақлаш муддати	Омборларда		Элеваторларда	Сақлаш учун мослаштирилган майдончаларда ва сапеткаларда
		идишсиз	идишда		
1	2	3	4	5	6
Бугдой, жавдар, арпа ва полба (бугдой нави)	3 ойгача	0,07	0,04	0,05	0,12
	6 ойгача	0,09	0,06	0,07	0,16
	1 йилгача	0,12	0,09	0,10	-
Сули	3 ойгача	0,09	0,05	0,06	0,15
	6 ойгача	0,13	0,07	0,08	0,20
	1 йилгача	0,17	0,09	0,12	-
Гречиха ва оқланмаган шоли	3 ойгача	0,08	0,05	0,06	-
	6 ойгача	0,11	0,07	0,08	-
	1 йилгача	0,15	0,10	0,12	-
Тариқ, чумиза, оқ жўхори	3 ойгача	0,11	0,06	0,07	0,14
	6 ойгача	0,15	0,08	0,09	0,19
	1 йилгача	0,19	0,10	0,14	-
Маккажўхори дони	3 ойгача	0,13	0,07	0,08	0,18
	6 ойгача	0,17	0,10	0,12	0,22
	1 йилгача	0,21	0,13	0,16	-
Маккажўхори сўтаси	3 ойгача	0,25	-	-	0,45
	6 ойгача	0,30	-	-	0,55
	1 йилгача	0,45	-	-	0,70
Нўхат, чечевица, дуккакдиллар: ловия, вика ва соя	3 ойгача	0,07	0,04	0,05	-
	6 ойгача	0,09	0,06	0,07	-
	1 йилгача	0,12	0,08	0,10	-
Кунгабоқар уруғи	3 ойгача	0,20	0,12	0,14	0,24
	6 ойгача	0,25	0,15	0,18	0,30
	1 йилгача	0,30	0,20	0,23	-
Бошқа мойли экинлар	3 ойгача	0,10	0,08	-	-
	6 ойгача	0,13	0,11	-	-
	1 йилгача	0,17	0,14	-	-
Ёрма ва оқланган шоли	3 ойгача	-	0,04	-	-
	6 ойгача	-	0,06	-	-
	1 йилгача	-	0,09	-	-

Ўсимлик ва маҳсулотлар номи	Сақлаш муддати	Омборларда		Элеваторларда	Сақлаш учун мослаштирилган майдончаларда ва сапетгаларда
		идишсиз	идишда		
1	2	3	4	5	6
Ун	3 ойгача	-	0,05	-	-
	6 ойгача	-	0,07	-	-
	1 йилгача	-	0,10	-	-
Кепак ва мучка	3 ойгача	0,20	0,12	-	-
	6 ойгача	0,25	0,16	-	-
	1 йилгача	0,35	0,20	-	-
Ўтлар уруғи: беда, йўнғичқа, қашқар беда	3 ойдан	-	0,15	-	-
	6 ойгача	-	0,20	-	-
	6 ойдан ортиқ	-	0,20	-	-
Отқўноқ, қўнғирбош, оқ полевица	3 ойдан	-	0,14	-	-
	6 ойгача	-	0,22	-	-
Бошоқли ўт, буғдойиқ, илдизсиз ўт, ўтлоқ сулиси, қизил сули, эспарцет, сераделла ва бошқалар	3 ойдан	0,15	0,10	-	-
	6 ойгача	0,20	0,15	-	-
Судан ўти, қўноқ	3 ойдан	-	0,15	-	-
	6 ойгача	-	0,25	-	-
Бўрилуқкак	3 ойдан	0,26	0,18	-	-
	6 ойгача	0,32	0,24	-	-
	6 ойдан ортиқ				

Изоҳлар:

1. Табиий камайишнинг кўрсатилган нормалари назорат сифатида қўлланилади ва агар корхоналарда сақланган дон, уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар, мойли ўсимликлар ва ўтлар уруғларининг ҳақиқий мавжуд микдорини хатлаш ва текшириш вақтида улар вазнининг камайганлиги аниқланса, фақат ушбу ҳолатларда чекланган нормалар деб ҳисобланади.

2. Дон ва уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар ва мойли ўсимликлар уруғлари бир йилдан ортиқ сақланганда сақлашнинг ҳар бир кейинги йили учун табиий камайиш нормаси ҳақиқий сақлаш ойлари сонидан келиб чиқиб қайта ҳисоблаган ҳолда 0,04% микдоридида қўлланади.

3. Дон, уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар ва мойли ўсимликлар уруғлари уч ойгача сақланганда табиий камайиш нормалари сақлаш кунларининг ҳақиқий сонига кўра, олти ойгача ва бир йилгача сақланганда эса — сақлаш ойларининг ҳақиқий сонига кўра қўлланади.

4. Маҳсулотларни сақлаш вақтидаги табиий камайишининг кўрсатилган нормалари копларнинг стандарт вазни бўйича қабул қилиб олинмаган ва берилмаган ун, ёрма ва уруғлик маккажўхориға татбиқ этилмайди.

5. Электрмагнит машиналарда тозаланган ўтлар уруғи бўйича табиий камайиш нормалари 15 фоизга оширилади.

Донни сақлашнинг ўртача муддатини аниқлаш намунаси
(Аниқлаш ишлари 2005 йил 16 сентябрь — 19 ноябрь даврида ўтказилди)

1-жадвал

Сана	Кириш, кг,	Харажат, кг	Қолдиқ, кг
Қолдиқлар:			
16 сентябрда	46450	-	46450
20 сентябрда	72540	3611	115379
28 сентябрда	64044	27854	151569
13 октябрда	148431	40000	260000
25 октябрда	50178	18023	292155
11 ноябрда	7845	60000	240000
12 ноябрда	-	104500	135500
13 ноябрда	-	60400	75100
19 ноябрда	-	73200	Ҳақиқий
			Қолдиқ — 1784
ЖАМИ:			Камомад — 116
	389488	387588	-

Баъзи кунларда ҳаракат бўлмаганлиги ва қолдиқлар ўзгармаганлиги муносабати билан 1-жадвалнинг давоми бўладиган 2-жадвалда келтирилган ҳисоб-китоблар тузилади.

+

2-жадвал

-

Қолдиқ, кг	Сақлаш кунлари сони	Ҳар кунги қолдиқлар миқдори, центнер
46450	4	1858
115379	8	9230
151569	15	22735
260000	12	31200
292155	17	49666
240000	1	2400
135500	1	1355
75100	6	4506
1784	-	-
ЖАМИ	64	122950

Сақлаш кунлари сони сентябрда — 15, октябрда — 31, ноябрда — 18 кун, жами 64 кун текширилади.

Ҳар кунги қолдиқлар миқдори ва кириш ҳажми бўйича сақлашнинг ўртача муддати аниқланади: $122950 : 3895 = 32$ кун.

Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва ҳужжатлар билан расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

Дон ва дон маҳсулотлари сифатидаги тафовут учун рекламациялар тақдим қилиш тартиби

1. Дон ва дон маҳсулотлари темир йўл ва сув йўли транспорти орқали корхонага келиб тушганда, юкни тушириш вақтида қабул қилувчи корхона лабораториясида намуна олинади ва белгиланган тартибда анализ қилинади.

2. Агар намунани анализ қилишда, жўнатувчи гувоҳномаларида кўрсатилган сифатидан рухсат берилган чекиниш нормасидан ортиқ тафовут аниқланса, давлат ваколатли органи вакили корхонада бўлмаган вақтда сифатининг ўзгаришини кафолатлайдиган вазни камида 2 кг ўрамдаги амалдаги стандартга мувофиқ ажратилган дон ва мойли ўсимликлар уруғларининг ўртача намунаси пломбланади ёки танлаб олинган намуна далолатномаси билан бирга дон сифати тўғрисидаги гувоҳнома нусхаларини сургуч муҳр билан муҳрлайди ҳамда қабул қилувчининг анализ карточкаси бир суткада давлат ваколатли органининг лабораториясига анализ қилиш учун юборилади ёки давлат ваколатли органи вакилига мазкур мақсадлар учун ушбу муддатларда улар томонидан корхонани бориб кўрганда давлат ваколатли органи вакилига берилади.

3. Давлат ваколатли органининг лабораторияси корхона юборган намуна бўйича хулосани намунани олгандан кейин, дам олиш кунларини ҳисобга олмасдан, уч сутка муддатдан кечикмасдан бериши шарт. Хулосани бериш муддати бир вақтда бештадан кўп намуналар келиб тушган ёки кимёвий анализлар ўтказиш зарурияти бўлган тақдирда 5 суткагача узайтирилиши мумкин.

4. Дон ёки мойли ўсимликлар уруғлари етиб келган вақтда давлат ваколатли органи вакили корхонада бўлганда, сифатида рухсат берилган чекиниш нормасидан ортиқ тафовут лабораторияда аниқланган ҳолларда партиялар бўйича текширув анализлари давлат ваколатли органи вакили томонидан амалга оширилади.

5. Кемаларда келган дон партиялари бўйича сифатида рухсат берилган чекиниш нормасидан ортиқ тафовут мавжуд бўлганда, қайта намуна олиш ва доннинг сифатини аниқлаш давлат ваколатли органи вакили иштирокида, унинг йўқлигида эса қайта намуна олиш ИЧТЛ бошлиғи (лаборатория мудири) иштирокида амалга оширилади ҳамда ваколатли давлат органи лабораториясига анализ қилиш учун юборилади.

6. Уруғлар сифатида намлик, бегона аралашмалар ва бошқа сифат товар кўрсаткичлари бўйича рухсат берилган чекиниш нормасидан ортиқ тафовут бўлганда уруғлар учун аттестатлар ва гувоҳномалар давлат ваколатли органининг сертификатлари билан алмаштирилмайди, давлат ваколатли органи вакилига эса «намуна анализи учун гувоҳнома» берилади.

7. Уруғлар сифатида намлик, бегона аралашмалар ва бошқа сифат товар кўрсаткичлари бўйича тафовутлар тўғрисидаги рекламация далолатномалари тузилади ва жўнатувчи томонидан одатдаги тартибда давлат ваколатли органи вакилининг намуна анализи учун гувоҳномасини илова қилган ҳолда юборилади.

8. Жўнатувчининг ушбу гувоҳномаси билан келиб тушган ун ёки ёрма сифатида рухсат берилган чекиниш нормасидан ортиқ тафовут бўлган тақдирда, маҳсулот

сифатини анализ қилиш ва сифати тўғрисида хулоса бериш учун юк туширилгандан кейин уч суткадан кечикмасдан давлат ваколатли органи вакили чақирилади.

9. Рекламация далолатномалари тузилган партиядан олинган дон ва маҳсулотлар намуналари эътирозлар якуний кўриб чиқилгунга қадар уларнинг сифати ўзгармаслигига кафолатланадиган ўрамда ва шароитларда давлат ваколатли органи лабораторияларида ёки қабул қилувчи корхоналар лабораторияларида сақланади. Корхона лабораторияларида сақланадиган намуналар сифат тўғрисида хулоса берган давлат ваколатли органи вакили томонидан муҳрланади.

10. Жўнатувчи ва қабул қилувчи корхоналар учун мажбурий ҳисобланадиган давлат ваколатли органи хулосаси асосида рекламация далолатномаси тузилади ҳамда бир ой муддатда рекламация далолатномаси, давлат ваколатли органининг дон маҳсулотлари юклаб жўнатган корхонага намуна анализи учун берган сертификати ва гувоҳномаси билан бирга эътирозни юборади. Дон маҳсулотлари олинган жойдаги корхона айни бир вақтда давлат ваколатли органига рекламация далолатномасининг иккинчи нусхасини юборади. Олинган рекламация далолатномалари дон ва дон маҳсулотлари юклаб жўнатган жойи бўйича корхона махсус журналда рўйхатдан ўтказилади ва бир ой муддатда эътирозни кўриб чиқади. Дон ва маҳсулотнинг сифати ёмонлашиши ёки бузилиши йўлда содир бўлган тақдирда, бу тўғрида тижорат далолатномаси тузилиши керак.

11. Агар бузилиш транспорт органлари айби билан (юкни ўз вақтида етказиб бермаса, ҳаракатдаги составнинг бузилиши ва бошқалар) юз берган бўлса, зарарни қоплаш тўғрисидаги эътироз темир йўл ёки пароходчилик бошқармасига тақдим этилади.

12. Бузилиши ёки сифатининг ёмонлашиши йўлда жўнатувчи айби билан юз берган вақтда, тижорат далолатномаси асосида эътироз жўнатувчига тақдим этилади.

13. Қабул қилувчидан келиб тушадиган дон ва маҳсулот сифатидаги тафовутга рекламация бухгалтерия томонидан «Рекламация далолатномаларини рўйхатга олиш китоби»да рўйхатдан ўтказилади. Корхона раҳбари текширув ўтказиши ва келгусида сифатни тўғри аниқлаш чораларини кўради. Жўнатувчи корхона давлат ваколатли органи анализи билан тасдиқланган рекламация далолатномаси асосида миқдорсифат бўйича ҳисобга олиш дафтарига тегишли ўзгартиришлар киритади.

14. Давлат ваколатли органи раҳбари олинган рекламация далолатномаларини жўнатувчи корхона томонидан миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтаридаги сифат кўрсаткичларини тўғриланганини текшириш учун жўнатувчи корхонага бириктирилган инспекторларга беради. Келиб тушган дон ва дон маҳсулотлари қабул қилувчи корхона лабораториясида юклаш вақтида берилган давлат ваколатли органининг маълумотлар сертификатлари билан қилинган анализларида сифатида рухсат берилган чекиниш нормаларидан ортиқ бўлган тафовут аниқланган ҳолларда дон ва дон маҳсулотлари юклаб жўнатиш жойларида берилган давлат ваколатли органининг сертификатлари қуйидаги тартибда алмаштирилади:

а) корхонада дон ва дон маҳсулотлари қабул қилиш уларнинг сифати йўлда ўзгарганлиги тижорат далолатномаси билан (вагонлар ва кемаларнинг бузилиши, авариялар, юкларни етказиб бериш муддатларининг бузилиши ва бошқалар) тасдиқланган тақдирда, давлат ваколатли органи вакили томонидан;

б) йўлда дон ва дон маҳсулотлари сифати ўзгаришига асос ҳисобланмаса, бошқа барча ҳолларда, давлат ваколатли органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан;

в) давлат ваколатли органининг сифат гувоҳномалари ёки сертификатларидан

норози бўлганда, дон зараркунандалари билан заҳарланиши бўйича фақат сифат тўғрисидаги янги ҳужжат берилмайди, мазкур ҳужжатларнинг орқа томонига эса дон ва дон маҳсулотлари билан келиб тушган давлат ваколатли органининг сифат гувоҳномаси ва сертификати давлат ваколатли органи вакили томонидан заҳарланганлик тўғрисида белги қўйилади, инспектор имзоси ва муҳри билан тасдиқланади ҳамда жўнатувчига эътироз тақдим этиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган далолатнома тузилади.

15. Қабул қилувчи сертификатдан норози бўлганда давлат ваколатли органи вакили томонидан дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш пунктида партиядан намуна олиниши лозим ҳамда сифати ўзгармаслиги кафолатланадиган ўрамда, давлат ваколатли органининг норозилик сертификати, қабул қилувчи лабораториясининг анализ карточкаси ва намуна олиш далолатномаси билан бирга муҳрланган тарзда намуна олингандан кейин 24 соат мобайнида давлат ваколатли органи лабораториясига жўнатилиши керак.

16. Агар давлат ваколатли органи вакили давлат ваколатли органи сертификатлари билан келиб тушган идишдаги дон ва дон маҳсулотларини тушириш вақтида иштирок этмаса, намуналар улар томонидан давлат ваколатли органи сертификатлари берилган ушбу вагонлар ва кемаларда маҳсулотлар келиб тушганлигини тасдиқлайдиган ва туширилгандан кейин сифатида ўзгаришлар юз бермаган ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда уч суткадан кечикмасдан олиниши мумкин.

17. Сифатида белгиланган нормалардан ортиқ тафовутлар мавжудлиги сабабли, рекламация далолатномалари ушбу Тартибда баён қилинган тартибда тузилади.

18. Қабул қилувчи корхона дон ва дон маҳсулотлари сифати бўйича эътироз тақдим қилиш вақтида жўнатувчи корхонага норозилик сертификати ўрнига берилган давлат ваколатли органи сертификатининг дубликатини юборади, сертификатнинг биринчи нусхасини эса ўзида қолдиради.

19. Темир йўл ва сув йўли орқали Аралаш ташишда сифатдаги тафовут учун рекламация дон вагонларга битта жўнатувчи томонидан юклаб жўнатилган, битта кемага юкланган, вагонларга юклаб туширишда битта манзилга йўналтирилган ва қабул қилувчилар томонидан белгиланган ўртача ҳисобланган сифат кўрсаткичлари ушбу жўнатувчининг рухсат берилган чекиниш нормаларидан ортиқ тафовут барча вагонларда мавжуд бўлган ҳолларда тақдим қилиниши мумкин.

Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва ҳужжатлар билан расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Дон маҳсулотлари тармоғи корхоналарида донни тозалаш,
қайта ишлаш ва маккажўхорини калибрлашда олинадиган
маҳсулотлар таснифи**

Дон маҳсулотлари корхоналарида донни тозалаш, қайта ишлаш ва маккажўхорини калибрлашда олинадиган маҳсулотлар ва чикитлар қуйидагиларга бўлинади:

I. Асосий маҳсулотлар

- а) озиқ-овқат, ем-хашак (шу жумладан доннинг турли ўсимликлар билан табиий аралашмалари) ва уруғлик дон;
- б) ун;
- в) ёрма.

II. Қўшимча маҳсулотлар

- а) стандарт бўйича асосий донга ёки дон аралашмасига тегишли бўлган, таркибида 50 фоиздан ортиқ — 70 фоизгача озиқ-овқат (шу жумладан ёрмага оид), ем-хашак ва дуккакли ўсимликлар донлари бўлган дастлабки қайта ишлашдан кейинги дон аралашмаси;
- б) стандарт бўйича асосий донга ёки дон аралашмасига тегишли бўлган, таркибида 70 фоиздан ортиқ — 85 фоизгача озиқ-овқат (шу жумладан ёрмага оид), ем-хашак ва дуккакли ўсимликлар донлари бўлган дастлабки қайта ишлашдан кейинги дон аралашмаси;
- в) ун ва ёрма ишлаб чиқаришда олинадиган ембоп ун;
- г) кепак;
- д) янчилган ембоп тарик-сули, нўхат оқшоғи, ёрма ишлаб чиқаришда олинадиган гречиха кепаци, шунингдек 2,5 мм диаметр тешикли ғалвирдан ўтадиган янчилган маккажўхори дони;
- е) дондан ун ёки ёрма чиқадиغان муртак.

III. Чикитлар

Биринчи тоифа:

- а) таркибида 30 фоиздан ортиқ — 50 фоизгача дон бўлган дон чикитлари;
- б) таркибида 10 фоиздан ортиқ — 30 фоизгача дон бўлган дон чикитлари;
- в) ун қоқиндилари ва ун уюми;
- г) қоқиб туширилган (оқ) ун чанги.

Иккинчи тоифа:

- а) таркибида 2 фоиздан ортиқ — 10 фоизгача дон бўлган дон чикитлари;
- б) маккажўхори сўтаси ўзаги, маккажўхори пўсти, нўхат қовузи, сули ва арпанинг юмшоқ қовузи, тўпон
- в) қоқиб туширилган кулранг ун чанги.

Учинчи тоифа:

- а) таркибида кўпи билан 2 фоиз дон бўлган донни тозалашдан олинган чикитлар (сепараторнинг қабул қилиш элагидан кириши, сепараторнинг пастки элаги орқали ўтиши), майда сомон бўлаклари;
- б) гуруч, тарик, гречиха, қаттиқ сули ва арпа қовузи, аспирацион ва қоқиб туширилган қора ун чанги;

в) маккажўхори қобиғи.

Изоҳлар:

1. Қўйидагилар дастлабки қайта ишлашдан олинган дон аралашмасидаги донлар ва чиқитлар ҳисобланади: стандарт бўйича ушбу ўсимликларда асосий донга ёки дон аралашмасига тегишли бўлган озик-овқат (шу жумладан ёрмага оид), ем-хашак ва дуккакли ўсимликлар дони.

Қўшимча маҳсулотда дастлабки қайта ишлашдан олинган дон аралашмаси, шунингдек чиқитларда стандарт бўйича ушбу ўсимликларда асосий донга ёки дон аралашмасига тегишли бўлган 10 фоиздан ортиқ буғдой, жавдар дони ёки 20 фоиздан ортиқ бошқа ўсимликлар дони мавжуд бўлганда, ушбу дон аралашмаси ва чиқитлар улардан асосий донни ажратиш олиш мақсадида қўшимча қайта ишланиши лозим.

2. Қоқиб туширилган ун чангига сифат жиҳатидан қоқиб туширилган (оқ, кулранг ва қора) ун чангига ўхшаш, чўтқали ва бошқа машиналарда донни тозалаш вақтида ҳосил бўладиган дон уни қўшиб ҳисобланади.

3. Ушбу таснифларда назарда тутилган асосий ва қўшимча маҳсулотлар сифати жиҳатидан амалдаги давлат стандартлари талабларига мос келиши керак.

Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва ҳужжатлар билан расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Миқдор-сифат бўйича ҳисобга олишни текшириш, тозалаш далолатномаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

1. Давлат ваколатли органи томонидан дон, маҳсулотлар ва чиқитлар сифатини аниқлаш, ҳужжатларда унинг ёзилиши, миқдор-сифат бўйича ҳисобга олишнинг юритилиши, давлат ресурсларига харид қилинган дон маҳсулотлари партияларининг тозалаш далолатномалари ўз вақтида тузилишининг тўғрилиги бўйича корхоналар текшириляётган вақтда, корхона давлат ваколатли органи вакиллари уларга зарур бўлган барча ҳисобот маълумотларини, дастлабки ҳужжатлар, журналлар ва бошқа материалларни бериши шарт.

2. Давлат ваколатли органи вакили тозалаш далолатномаларини бевосита корхоналарда кўриб чиқиши лозим. Корхонанинг чақириғи олинганда вакил чақирик олиниши билан 5 кун муддатдан кечикмасдан келиши шарт. Тозалаш далолатномаларини тузиш кечиккан тақдирда ваколатли давлат органи вакили уларни расмийлаштириш муддати тўғрисида корхона раҳбарига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма беради.

Давлат ваколатли органи томонидан тозалаш далолатномасини кўриб чиқиш муддати 15 кундан ошмаслиги керак.

3. Давлат ваколатли органи томонидан расмийлаштириш ва тўлдириш қоидалари бузилган ҳолда берилган тозалаш далолатномалари корхонага қайтарилган тақдирда, тозалаш далолатномасини қайта кўриб чиқиш ва тўлдириш ҳамда 5 кун мобайнида тақдим қилиш зарур.

4. Тозалаш далолатномаларини кўриб чиқишда давлат ваколатли органи вакили қуйидагиларга мажбур:

а) тозалаш далолатномасида назарда тутилган барча кўрсаткичлар ва тегишли имзолар мавжудлигини текшириш;

б) тозалаш далолатномасининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш ва дастлабки ҳужжатлар маълумотлари бўйича танлаб текшириш.

Ҳисобга олишда хатолар аниқланганда давлат ваколатли органи вакили иштирокида корхонанинг ҳисобловчи ходимлари томонидан текширув ўтказилади.

в) яроқсиз чиқитларни қайта ишлаш далолатномасини ва уларни йўқ қилиш далолатномасини, чиқитларнинг дон ҳисобидан тўғри чиқарилишини текшириш, яқунларни миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтари бўйича саҳифама-саҳифа танлаб текширишни амалга ошириш;

г) сақлаш вақтида сифати яхшиланиши ҳисобига ҳамда табиий камайиш нормалари ҳисобига вазнидаги камайишни ҳисобдан чиқариш тўғрисида комиссия таклифининг тўғрилигини текшириш;

д) омборни тозалаш бўйича моддий жавобгар шахснинг изоҳини ва комиссиянинг хулосасини кўриб чиқиш.

5. Нотўғри тузилган, нотўғри расмийлаштирилган тозалаш далолатномалари ҳамда тузатилган ва ўчириб ёзилган далолатномалар қайтадан тузилиши керак. Тозалаш далолатномалари давлат ваколатли органи вакилининг кўрсатмасига мувофиқ ва у белгилаган муддатда комиссия томонидан қайта тузилади.

6. Давлат ваколатли органи вакили текшириш натижаларига кўра ва тозалаш далолатномаси маълумотлари бўйича қуйидагилар тўлиқ баён қилинган хулоса тузади:

а) қирим ва чиқим ҳужжатлари бўйича миқдор-сифат бўйича ҳисобга олиш дафтарларидаги ёзувлар билан тозалаш далолатномасининг миқдор ва сифат кўрсаткичларининг мувофиқлиги;

б) сақлаш вақтида намликнинг камайиши, бегона аралашмалар ва табиий камайиш нормалари ҳисобига ҳисобдан чиқарилиши керак бўлган дон ва маҳсулотлар вазнидаги камайиш. Сақлаш вақтида дон ва дон маҳсулотларини ўғирлаш ёки уларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланган партиялар бўйича материаллар тергов органларига берилади, ушбу тозалаш далолатномаси суд қарори асосида кўриб чиқилади ва тасдиқланади;

в) дон ва маҳсулотнинг ортиқча миқдори ёки камомад миқдорининг белгиланган нормалар ва сифатини яхшилаш доирасида камайишдан ортиғи ҳамда камомадни ҳисобдан чиқаришга рад этиш сабаблари.

7. Тозалаш далолатномаси бўйича хулосалар тузишда давлат ваколатли органи вакили ушбу Тартибга амал қилади.

Тозалаш далолатномасининг битта нусхаси корхонада сақланади, иккита нусхаси эса давлат ваколатли органига юборилади, унинг битта нусхаси тасдиқлангандан кейин корхонага қайтарилади.

Давлат ваколатли органи раҳбари тозалаш далолатномасини кўриб чиқиши ва давлат ваколатли органининг хулосаси билан бирга далолатнома олгандан кейин ўн кун муддатдан кечикмасдан унинг бўйича қарор қабул қилиши шарт.

Тозалаш далолатномаси юзасидан нотўғри хулоса берганлиги учун давлат ваколатли органи вакиллари белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Давлат ваколатли органи вакилининг хулосаси юзасидан эътирозлар мавжуд бўлганда уларни корхоналар раҳбарлари ва моддий жавобгар шахс уларга ёзма шаклда

давлат ваколатли органига юбориладиган тозалаш далолатномасига ушбу эътирозларни илова қилиши шарт бўлган ваколатли давлат органи вакилига берадилар.

8. Корхоналарга давлат ваколатли органи раҳбари томонидан ҳисобдан чиқариш тасдиқланмасдан, сақлаш вақтида сифатини яхшилаш ва камайиш нормалари ҳисобига дон ва маҳсулотнинг (шу жумладан қўшимча маҳсулотлар, ўтлар уруғлари) камайишини ҳисобдан чиқариш тақиқланади.

Тозалаш далолатномаси юзасидан давлат ваколатли органи вакилининг хулосаси асосида қабул қилинган давлат ваколатли органи раҳбарининг қарори корхоналарда сақлаш вақтида намликнинг камайиши, бегона аралашмалар ва табиий камайиш нормаларининг камайиши ҳисобига дон ва маҳсулот камайишини ҳисобдан чиқариш учун ягона ҳужжат ҳисобланади.

Тозалаш далолатномаси юзасидан давлат ваколатли органи вакилининг хулосаси ва давлат ваколатли органи раҳбарининг қарори билан корхона бош бухгалтери моддий жавобгар шахсни имзо қўйдирган ҳолда таништириши шарт. Давлат ваколатли органи вакили талабига кўра корхона раҳбари тозалаш далолатномасига тааллуқли маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим қилиши шарт.

9. Тозалаш далолатномаси бўйича аниқланган камомадни битта ёки бир нечта моддий жавобгар шахсларда битта ва ўша корхонанинг ўзида сақланадиган ушбу ёки бошқа ўсимликлар (шу жумладан стандарт вазнли қопларга солинган маҳсулотлар ҳам) донининг ортиқчаси билан қоплашга, камомад ва ортиқча ҳосил бўлган дон ёки маҳсулот партиялари ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлганда рухсат берилиши мумкин.

Бунда доннинг (хом ашёнинг) камомадини ун, ёрма ва омихта емнинг ортиқчаси билан қоплашга рухсат берилмайди, тенг равишда дон ва бошқа хом ашё турлари камомадини маҳсулотнинг (омихта емнинг) ортиқчаси ҳисобига қоплашга рухсат берилмайди.

10. Омихта ем корхоналарида дон камомадини дондан олинмаган хом ашёнинг ортиқчаси билан қоплаш тақиқланади.

11. Давлат ваколатли органи раҳбари корхона раҳбарининг асосланган илтимосномасига кўра ва давлат ваколатли органи вакилининг хулосасига биноан, битта корхонада битта ёки бир нечта моддий жавобгар шахсларда сақланадиган дон ва маҳсулотнинг иккита ёки бир нечта партияларига, агар дон ёки маҳсулотнинг ушбу партиялари ўзаро боғлиқ бўлса, битта тозалаш далолатномаси тузишга ҳам рухсат бериш ҳуқуқига эга. Бунда операция олдинги хатловда зарур даражада амалга оширилган ва тасдиқланган айланмага тегмаган ҳолда битта хатлов даврида ҳисобга олиниши керак.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAХKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ**192 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биржа савдоларида тузиладиган экспорт-импорт контрактларини тузиш ва расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш билан боғлиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Товар-хом ашё биржалари савдоларида тузиладиган экспорт-импорт контрактларини тузиш ва расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда вазирликлар ва идоралар томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 май,
96-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 29 майдаги 96-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарори 7-бандининг иккинчи хатбошига «рўйхатдан ўтказди» сўзларидан кейин «биржа савдоларида тузиладиган контрактлар (шартномалар) бундан мустасно» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржа ва ярмарка савдосининг самарадорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 15 апрелдаги 174-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 19-модда):

2-банднинг иккинчи хатбошидаги «ярмарка савдоларида» сўзлари «кўرғазма-ярмарка савдоларида, шу жумладан ихтисослаштирилган савдо майдончалари орқали» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Белгилаб қўйилсинки, биржа ва кўрғазма-ярмарка савдоларида кафолат хатлари билан таъминланган ва олдиндан эълон қилинадиган биржа ва кўрғазма-

ярмарка бюллетенларига киритилган барча турдаги товарлар белгиланган тартибда экспортга сотилиши мумкин, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан экспорт қилиш тақиқланган товарлар бундан мустасно»;

2-иловада:

номидаги, 1 ва 2-бандлардаги «ярмарка савдоларида» сўзлари «кўргазма-ярмарка савдоларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Биржаларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда биржа битишувларининг барча турлари содир этилиши мумкин»;

4-банддаги «Биржада товарни сотишга контрактлар» сўзлари «Биржада битишувлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Сотувчи товарни сотувга қўяётганда биржага:

товарнинг мавжудлигини ёки ишлаб чиқарувчи корхона томонидан унинг тайёрланишини тасдиқловчи — кафолат таъминоти маблағларини тўлаган ҳолда биржа битишувлари амалга оширилган тақдирда, шунингдек товарнинг қонун ҳужжатларида белгиланган сифат талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи кафолат хатини;

кафолат таъминоти маблағлари тўланмаган ҳолда биржа битишувлари амалга оширилган тақдирда — омбор маълумотномасини;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ҳужжатларни тақдим этади»;

6-банд чиқариб ташлансин;

10-банддаги «Нақд товарга доир битимлар» сўзлари «Реал товарга доир битишувлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги «ярмарка савдолари» сўзлари «кўргазма-ярмарка савдолари» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Биржада тузилган барча экспорт контрактлари, контракт тузилган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича АҚШ долларларидаги эквиваленти кўрсатилган ҳолда, биржада ёки унинг филиалида (ихтисослаштирилган савдо майдончасида) рўйхатдан ўтказилади ҳамда биржа брокерлари томонидан контракт тузилган жойдаги ҳудудий божхона органларига юборилади. Божхона органлари масъул ходимларни белгилайди, улар келишилган жадвалга биноан биржа брокерларидан тасдиқланган контрактларни қабул қиладилар, белгиланган тартибда расмийлаштирадилар ва контракт келиб тушган вақтдан бошлаб икки иш кунда уларни брокерларга қайтарадилар. Кўрсатиб ўтилган контрактлар божхона юк декларациясини тўлдириш учун асос ҳисобланади»;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Товар-хом ашё биржалари савдоларининг барча қатнашчилари учун реал вақт режимида ташкил этилиб ўтказилган биржа савдолари натижаларига кўра тузилган экспорт контракти:

товар-хом ашё биржалари савдоларида тузиладиган контрактларга идентификация рақамлари беришнинг тасдиқланган тартибига мувофиқ биржада ёки унинг филиалида (ихтисослаштирилган савдо майдончасида) рўйхатдан ўтказилади;

биржада ёки унинг филиалида (ихтисослаштирилган савдо майдончасида) расмийлаштирилади ҳамда уларнинг муҳри билан тасдиқланади.

Экспорт контрактида:

биржа савдоси ўтказилган сана;

биржа савдоси протоколининг тартиб рақами кўрсатилиши шарт.

5-бандда санаб ўтилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ушбу маълумотларни имзолаган мансабдор шахслар жавоб беради.

Экспорт контрактларининг тўғри расмийлаштирилиши ва ҳисобга қўйилиши учун брокерлар ва уларнинг миждозлари жавоб беради.

Экспорт контрактларининг биржада рўйхатдан ўтказилиши учун биржа жавоб беради»;

17-банддаги «ярмарка савдоларида» сўзлари «кўргазма-ярмарка савдоларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банд чиқариб ташлансин;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари томонидан расмийлаштирилган экспорт контрактлари бўйича товарни олиб чиқишда юклаб жўнатиш жойидаги божхона бўлинмаларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

контракт;

биржанинг ҳисоб-китоб-клиринг палатаси томонидан берилган ҳақи тўланган битишувлар реестри нусхаси;

биржанинг ҳисоб-китоб-клиринг палатаси томонидан берилган етказиб беришга топшириқнома нусхаси;

мажбурий тартибда сертификатланадиган товарлар учун мувофиқлик сертификати;

божхона юк декларацияси»;

3-иловада:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Тартиб товар-хом ашё биржаларининг биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларида, шу жумладан ихтисослаштирилган савдо майдончалари (кейинги ўринларда «биржа» деб аталади) орқали сотиш учун рухсат берилган товарларни фақат эркин алмаштириладиган валютага сотишнинг асосий шартларини белгилаб беради»;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Товар-хом ашё биржаларининг савдоларида товарларни хорижий валютага экспортга сотиш реал товарга битишув тузиш йўли билан амалга оширилади»;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Сотувчи товарни сотувга қўяётганда биржага:

товарнинг мавжудлигини ёки ишлаб чиқарувчи корхона томонидан унинг тайёрланишини тасдиқловчи — кафолат таъминоти маблағларини тўлаган ҳолда биржа битишувлари амалга оширилган тақдирда, шунингдек товарнинг қонун ҳужжатларида белгиланган сифат талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи кафолат хатини;

кафолат таъминоти маблағлари тўланмаган ҳолда биржа битишувлари амалга оширилган тақдирда — омбор маълумотномасини;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ҳужжатларни тақдим этади»;

6-банднинг иккинчи хатбошидаги «валюта маблағлари» сўзлари «хорижий валютадаги маблағлар» сўзлари билан алмаштирилсин»;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Экспорт контрактлари бўйича товарларни сотишдан олинган хорижий валютадаги маблағларни мажбурий тартибда сотиш белгиланган тартибда амалга оширилади».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида биржа ва ярмарка савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 6 майдаги 223-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 5-сон, 25-модда):

қарорнинг номидаги «ярмарка савдосини» сўзлари «кўرғазма-ярмарка савдосини» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-иловада:

1-банддаги «(ишлар, хизматлар)» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Импорт товарларни биржа ва кўрғазма-ярмарка савдоларида, шу жумладан ихтисослаштирилган савдо майдончалари орқали сотувга қўйишда сотувчи ёки сотувчининг брокери биржага:

сотувга қўйилаётган товарга унинг мижозининг мулк ҳуқуқини, товарнинг мавжудлигини ёки ишлаб чиқарувчи корхона томонидан унинг тайёрланишини тасдиқловчи — кафолат таъминоти маблағларини тўлаган ҳолда биржа битишувлари амалга оширилган тақдирда, шунингдек товарнинг қонун ҳужжатларида белгиланган сифат талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи сотувчи томонидан имзоланган кафолат хатини;

кафолат таъминоти маблағлари тўланмаган ҳолда биржа битишувлари амалга оширилган тақдирда — омбор маълумотномасини;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ҳужжатларни тақдим этади»;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Биржанинг барча қатнашчилари учун реал вақт режимида ташкил этилиб ўтказилган биржа савдолари натижаларига кўра тузилган импорт контракти:

товар-хом ашё биржаларининг биржа савдоларида тузиладиган контрактларга идентификация рақамлари беришнинг тасдиқланган Тартибига мувофиқ биржада ёки унинг филиалида (ихтисослаштирилган савдо майдончасида) рўйхатдан ўтказилади;

биржада ёки унинг филиалида (ихтисослаштирилган савдо майдончасида) расмийлаштирилади ҳамда уларнинг муҳри билан тасдиқланади.

Импорт контрактида:

реал вақт режимида биржа савдоси ўтказилган сана;

биржа савдоси протоколининг тартиб рақами кўрсатилиши шарт.

Мазкур Тартибнинг 2-бандида санаб ўтилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ушбу маълумотларни имзолаган мансабдор шахслар жавоб беради.

Импорт контрактларининг тўғри расмийлаштирилиши учун уларни имзолаган томонлар жавоб беради.

Импорт контрактларининг биржада рўйхатдан ўтказилиши учун биржа жавоб беради»;

7-банддаги «биржа ёки унинг филиали курьеридан» сўзлари «биржа ёки унинг филиали (ихтисослаштирилган савдо майдончаси) брокерларидан» сўзлари билан алмаштирилсин»;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«12. Товар биржа импорт контрактлари бўйича Ўзбекистон Республикасига келиб тушгандан ва харидор томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин биржанинг ҳисоб-китоб-клиринг палатаси маблағларни Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўмда сотувчи-норезидентнинг биржанинг ҳисоб-китоб (клиринг) палатасидаги ҳисоб рақамига ўтказиши, сотувчи улардан қуйидаги мақсадларда фойдаланиши мумкин:

биржалар ва биржаларнинг кўргазма-ярмарка савдоларида тузилган экспорт контрактларга ҳақ тўлаш учун;

биржа контрактларини тузиш ва бажариш билан бевосита боғлиқ бошқа хизматларга (воситачилик йиғими, брокерлик мукофоти, ташиш ва бошқалар) ҳақ тўлаш учун;

хорижий банкларнинг «ЛОРО» ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида очилган вакиллик ҳисоб рақамларига ўтказиш учун;

ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи бозорларда ватанимиз эмитентларининг акцияларини сотиб олиш учун;

давлат мулкига ҳақ тўлаш учун тўловларнинг белгиланган тартибда аралаш шаклини амалга ошириш учун;

кафолат таъминоти маблағларини тўлаган ҳолда биржа битишувлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун, шу жумладан жарима, пеня ва бошқа харажатларни тўлаш учун;

Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси мижозининг ваколатли ваколатхонаси Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган ҳолларда вакиллик харажатларини тўлаш учун;

норезидентнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши билан боғлиқ харажатларга ҳақ тўлаш учун;

Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси мижози муассис ёки акциядор бўлган корхоналарнинг устав сармоясини шакллантириш ва тўлдириш учун;

суд харажатларига ҳақ тўлаш учун».

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

193 Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига мувофиқ Вазирлар Маҳкама-си **қарор қилади:**

1. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 май,
97-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 29 майдаги 97-сон қарорига
ИЛОВА

**Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб
қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга
етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб ер участкаси ёки унинг бир қисмини олиб қўйиш тартибини, шунингдек ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан бузилаётган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотлар ва кўчириб ташланган дов-дарахтлар учун фуқароларга ва юридик шахсларга тўлов миқдорини ҳисоблаб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Ер участкаси ёки унинг бир қисмини (кейинги ўринларда ер участкаси деб аталади) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ер эгасининг розилиги билан ёки ердан фойдаланувчи ва ижарага олувчи билан келишув бўйича — тегишли равишда туман, шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарага олувчи ер участкасини олиб қўйиш тўғрисида тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига рози бўлмаган тақдирда ушбу қарор устидан судга қилиниши мумкин.

3. Ер участкасини олиб қўйиш ва уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириб ташлаш (кейинги ўринларда объектлар деб аталади) тўғрисидаги қарор бош режаларга, шунингдек шаҳарлар ва посёлкаларнинг турар жой туманлари ва микротуманларини муфассал режалаштириш ва иморат куриш лойиҳаларига мувофиқ қабул қилинади.

Олиб қўйилаётган ер участкаларида уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларнинг асоссиз бузилишига ва дов-дарахтларнинг кўчириб ташланишига йўл қўйилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори асосида тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ер участкасини олиб қўйиш ҳамда уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириб ташлаш тўғрисида ўз қарорини чиқарадилар.

Тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ер участкасини олиб қўйиш, ер участкасида жойлашган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатларни, иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириб ташлаш тўғрисидаги тегишли қарорлари нусхаларини билдиришномага илова қилган ҳолда, бузиш бошлангунгача 6 ойдан кечикмай, имзо қўйдириб уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар мулкдорларини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари томонидан ер участкаси олиб қўйилиши ва ер участкасида жойлашган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморат-

лар, иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан кейин юқорида кўрсатиб ўтилган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

5. Тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш ва дов-дарахтларни кўчириш ҳамда уларнинг қийматини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига, шунингдек суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

6. Ўзбошимчалик билан барпо этилган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар ва иншоотлар қиймати тўланмайди.

7. Олиб қўйилаётган ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ажратиб берилган тақдирда уй-жой қийматини тўлаш, уйлар (квартиралар) бериш ва вақтинчалик турар жой бериш, шунингдек янги жойга кўчиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплаш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари қарорига кўра ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

8. Ер участкаларини олиб қўйиш компенсациянинг қуйидаги турлари берилиши шарти билан амалга оширилади:

фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган бошқа тенг қийматли обод турар жойни мулк қилиб бериш ва дов-дарахтлар қийматини тўлаш;

бузилаётган уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар қийматини фуқароларга тўлаш;

ер участкасини ўзлаштириш даврига икки йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилиб, бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўлиқ тўланган ҳолда фуқароларга яққа тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси бериш;

юримдик шахсларга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк бериш ва давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида етказилган бошқа зарарларни қоплаш;

ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарарларни тўлалигича қоплаш;

фуқароларга ва юримдик шахсларга тегишли бўлган бузилиши керак уйлар, иморатлар ва иншоотларни кўчириш ва янги жойда тиклаш;

янги жойда уйлар, иморатлар қуриш ҳамда уларни фуқаролар ва юримдик шахсларга мулк қилиб бериш.

II. Ер участкаларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан бузиладиган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар, кўчириладиган дарахтлар учун фуқаролар ва юримдик шахсларга тўлов миқдорини ҳисоблаш тартиби

9. Бузиладиган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар, кўчириладиган дарахтлар учун тўлов миқдорини белгилаш учун тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари бошчилигида ҳокимликларнинг молия ва бошқа бошқармалари (бўлимлари) вакиллари билан, ерлардан фойдаланиш ва қўриқлашни назорат қилиш бўйича давлат инспектори, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, ер участкаси олиб қўйилаётган ер эгаси (ердан фойдаланувчи, ижарачи), ўзига ер участкаси ажратиб берилаётган корхона, муассаса ёки

ташкilot вакилидан ҳамда хокимликлар хоҳишига кўра бошқа ваколатли органлар вакилларида иборат таркибда тўлов миқдорини ва компенсация турини белгилаш бўйича комиссиялар ташкил қиладилар.

10. Уйлар (квартиралар), иморатлар ва иншоотларнинг техник ҳолатини, қийматини баҳолаш, шунингдек олиб қўйилаётган ер участкаларидаги дов-дарахтлар қийматини белгилаш туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан ариза берувчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан амалга оширилган баҳога норози бўлган тақдирда мулкдор мулкни баҳолаш учун тегишли лицензияга эга бўлган мустақил баҳоловчиларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Мустақил баҳоловчилар хизматига ҳақ тўлаш ариза берувчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Баҳолаш материаллари комиссияга берилади.

11. Фуқаролар томонидан умрбод эгалик қилиш учун мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан фойдаланиладиган, кимосди савдоси асосида сотиб олинган ер участкалари олиб қўйилган тақдирда уларга умрбод эгалик қилиш учун мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан тенг қийматли янги ер участкаси берилади.

Фуқароларга тегишли бўлган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан мерос қилиб қолдирилган ер участкасининг олиб қўйилаётган вақтдаги қийматини баҳолаш туманлар (шаҳарлар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларининг баҳолаш фаолиятини амалга оширишга тегишли рухсатномага эга бўлган баҳоловчилари томонидан, баҳолаш вақтидаги жорий нархлар бўйича ариза берувчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

12. Бузилаётган уйлар (квартиралар)ни, олиб қўйилаётган участкадаги бошқа иморатлар ва иншоотларни (ўзбошимчалик билан қурилганлардан ташқари) бузишдан олинган барча материаллар қурувчининг ёки тўловни мулкдорга тўлиқ тўлаётган бошқа ер эгаси (ердан фойдаланувчи, ижарачи) ихтиёрида қолади.

Айрим ҳолларда, бузилаётган уй (квартира), иморатлар, иншоотлар ва кўчирилаётган дов-дарахтлар эгасининг хоҳишига кўра, уй-жойни бузишдан олинган материаллар тегишли туманлар (шаҳарлар) хокимлари қарорига биноан мулкдорга берилиши мумкин. Бу ҳолда комиссия мулкдорга бериладиган бузишдан олинган материаллар қийматини бузиш вақтида амалда бўлган бозор нархлари бўйича уларнинг эскирганлигини ҳисобга олган ҳолда белгилаши керак.

13. Пул компенсацияларини тўлашнинг аниқ муддатлари ва тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимлари қарори билан, бузиш бошлангунгача пул компенсациясини тўлаган ҳолда белгиланади.

III. Бузилаётган уйлар эгаларига турар жойлар бериш тартиби ва шартлари

14. Ер участкаларининг давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулки бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда кўрсатиб ўтилган фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшайдиган фуқароларга уларнинг танлашига кўра ҳамда томонларнинг келишуви бўйича ижтимоий нормадан кам бўлмаган майдонга эга бўлган тенг қийматли бошқа қулай уй-жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уйлар (квартиралар), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар қиймати тўланади.

Берилаётган турар жойнинг тенг қийматга эгаллиги мулкдорнинг бузилаётган уй-жойи (квартираси) нархига тенг миқдорда белгиланади.

Бузилаётган уй (квартира) қиймати берилаётган турар жой қийматидан ортиқ бўлган тақдирда мулкдорга тафовут тўланади.

15. Бузилаётган уйлар (квартиралар) эгасига турар жой бериш ва (ёки) компенсациянинг бошқа турларини тўлаш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан, чорак якуни бўйича прогноздан ортиқча тушган маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира жамғармаси маблағлари ва (ёки) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли ҳисоб рақамларига давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушадиган тақсимланадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига амалга оширилади.

16. Турар жой олиш учун бузилаётган уй (квартира) эгаси бўлажак бузиш тўғрисида билдиришнома олингандан кейин бир ой муддатда оила аъзолари ёки бошқа биргаликда яшайдиган (рўйхатдан ўтган) шахслар билан келишган ҳолда тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига ўзига бузилган уй-жой ўрнига турар жой ажратиш тўғрисида ариза бериши керак, аризада оила таркиби, доимий яшайдиганлар сони, турар жой майдонининг ижтимоий нормасидан ортиқча қўшимча уй-жой майдони олиш учун имтиёзлар кўрсатилади.

17. Комиссиянинг компенсация миқдори ва тури, бузилаётган уй (квартира) ўрнига мулкдорга турар жой бериш ёки мулкдорнинг хоҳишига кўра пул шаклида компенсация берилишини таъминлаш ҳақидаги қарори тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан тасдиқлангандан сўнг мулкдор ҳокимликка бузилиши керак бўлган уй (квартира)ни бўшатиш тўғрисида кафолат хати тақдим этади.

18. Уй (квартира)ни бузиш фақат томонларнинг келишуви бўйича мулкдорга бузилаётган уй (квартира) ўрнига турар жой берилгандан кейин амалга оширилиши мумкин.

Айрим ҳолларда, бузилаётган уй (квартира) эгасининг розилигига кўра тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари тегишли қарорда уйларни топширишнинг аниқ муддатини кўрсатган ҳолда қурилаётган уйлардан турар жой берадилар. Қурилаётган уйларда белгиланган муддатларда турар жой билан таъминланмаган тақдирда туман (шаҳар) ҳокимлиги мазкур Низомнинг 14-банди талабларига мувофиқ бир ой муддатда турар жой бериши шарт.

19. Бузилаётган уй (квартира) эгасининг мол-мулкни янги квартирага ташиш иморат қурувчининг ёки олиб қўйилаётган ер участкаси ўзига ажратиб берилган бошқа ер эгаси (ердан фойдаланувчи, ижарачи)нинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

20. Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарларни бузилаётган уй-жойнинг мулкдорига компенсация қилиш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

IV. Фуқароларга бузиладиган уй (квартира) ўрнига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаси бериш тартиби ва шартлари

21. Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилганда мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (кварти-

раларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг хошишига кўра якка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси берилади. Бунда ер участкасини ўзлаштириш даврига икки йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилиб, бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўлалигича қопланади.

22. Якка тартибда уй-жой қуриш учун компенсация сифатида ер участкаси бериш ва бузилаётган уйлар (квартиралар) мулкдорига товон тўлаш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Олиб қўйилаётган ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилган тақдирда якка тартибда уй-жой қуриш учун компенсация сифатида ер участкаси бериш ва бузилаётган уйлар (квартиралар) мулкдорига товон тўлаш ушбу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

23. Бузилаётган уй (квартира) мулкдори ер участкаси олиш учун бўлажак бузиш тўғрисида билдиришнома олингандан кейин бир ой муддатда тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига якка тартибда уй-жой қуриш учун унга ер участкаси ажратиш тўғрисида ариза бериши керак. Аризада оиланинг таркиби, доимий яшаётганлар сони ва ижара шартномаси асосида вақтинча турар жойга бўлган эҳтиёж кўрсатилиши керак.

24. Комиссиянинг компенсация миқдори ва тури ҳақидаги қарори тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан тасдиқлангандан кейин мулкдор ҳокимликка бузилиши лозим бўлган уйни (квартирани) тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан белгиланган муддатда бўшатиб қўйиш тўғрисида кафолат хати тақдим этади.

25. Уй (квартира) якка тартибда уй-жой қуриш учун мулкдорга ер участкаси ажратилгандан, шунингдек ер участкасини ўзлаштириш даврига икки йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилгандан кейин бузилиши мумкин.

V. Ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан етказилган зарарни юридик шахсларга қоплаш тартиби

26. Юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар, иншоотлар, дов-дарахтлар жойлашган ер участкаси олиб қўйилган ҳолда унга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк берилади ва ер участкаси давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланади.

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар, ер участкалари мулкдорларига зарарларни ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши кўрган зарарни қоплаш Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига мувофиқ амалга оширилади.

27. Ер участкаси олиб қўйилиши оқибатида юридик шахслар кўрган зарар учун компенсация тўлаш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Олиб қўйилаётган ер участкалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилган тақдирда товон тўлаш, турар жой бериш, вақтинча турар жой бериш ва мол-мулкни янги жойга ташиш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қарорларига кўра корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

28. Ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан қўрилган зарар компенсациясини олиш учун юридик шахс бўлажак бузиш тўғрисида билдиришнома олингандан кейин бир ой муддатда тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига компенсациянинг танланган турини кўрсатган ҳолда ариза бериши керак.

29. Комиссиянинг қарори тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан тасдиқлангандан кейин юридик шахс ҳокимликка бузилиши лозим бўлган уйни, бошқа иморатлар ва иншоотларни тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан белгиланган муддатда бўшатиб қўйиш тўғрисида қафолат хати тақдим этади.

30. Юридик шахсга тегишли бўлган уй, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар ва иншоотлар компенсация тури, тўлов миқдори ва муддати юридик шахс билан келишилгандан кейин бузилиши мумкин.

VI. Бузилиши лозим бўлган уйлар, иморатлар ва иншоотлар кўчирилган ва янги жойда тикланган ҳолда ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва шартлари

31. Фуқаролар ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бузилиши лозим бўлган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар ва иншоотлар уларнинг хоҳишига кўра кўчирилиши ва янги жойда тикланиши мумкин. Бунда уйлар, иморатлар ва иншоотларнинг қиймати пул билан қопланмайди.

32. Фуқаролар ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган, бузилиши лозим бўлган уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари, иморатлар ва иншоотларни кўчириш ва янги жойда тиклаш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қарорига кўра маҳаллий бюджетларнинг йил чораги якунлари бўйича прогностдан ортиқча тушадиган даромад қисми маблағлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг захира фонди маблағлари, ва (ёки) давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан олинган тақсимланадиган, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг, олиб қўйиладиган ер участкалари ажратиладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг тегишли ҳисоб рақамларига тушадиган маблағларнинг бир қисми ҳисобига амалга оширилади. Бунда турар жой мулкдорлари бўлган фуқаролар ва юридик шахсларга турар жойни кўчириш ва тиклаш даврига ҳокимликлар томонидан икки йилгача муддат билан ер участкасини ўзлаштириш даврига ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилди.

33. Кўчириш ва тиклаш мазкур жой (аҳоли пункти) доирасида белгиланган нормалар бўйича ажратиладиган ер участкаларида ва фақат уйлар, иморатлар ва иншоотларнинг техник ҳолати уларни кўчириш имконини бериши шартларида амалга оширилиши керак, яъни конструкциялар ва элементларнинг ҳолати қисмларга ажратиш, ташиш ва янги жойда йиғиш имконини бериши керак.

34. Уйлар, иморатлар ва иншоотларни кўчириш имконияти олиб қўйиладиган ер участкаси ажратилган иморат қурувчининг маблағлари ҳисобига ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган тегишли техник-иқтисодий асослаш ва лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда комиссиялар томонидан аниқланади.

35. Уйлар, иморатлар ва иншоотларни кўчириш ва янги жойда тиклаш тегишли туманлар (шаҳарлар)нинг ҳокимликлари томонидан белгиланадиган муддатларда, бироқ бир йилдан кеч бўлмаган муддатда амалга оширилиши керак.

36. Уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар ва иншоотларни

кўчириш ва янги жойда тиклаш, уй-жойни вақтинча ижарага олиш, фуқаролар ёки юридик шахсларнинг мол-мулкани вақтинча ижарага олинган уй-жойга, шунингдек вақтинча ижарага олинган уй-жойдан янги жойда тикланган уйга, иморатга ва иншоотга ташиш бўйича барча харажатлар тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қарори бўйича иморат қурувчи ёки олиб қўйилаётган ер участкаси ажратилган бошқа ер эгаси (ердан фойдаланувчи, ижарачи) ҳисобига амалга оширилади.

37. Юридик шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган аввалгисига тенг қийматли уйлар, ишлаб чиқариш иморатлари ва бошқа иморатлар ва иншоотлар янги жойга фақат компенсация тури, тўлов миқдори ва муддати юридик шахс билан келишилгандан кейин кўчирилади.

VII. Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун янги жойда уйлар, иморатлар барпо этилганда ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва шартлари

38. Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун уларнинг хоҳишига кўра янги жойда уйлар, иморатлар барпо этилади ҳамда уларга мулк қилиб берилади. Бунда бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатларнинг қиймати пул билан қопланмайди.

39. Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун янги жойда уйлар, иморатлар қуриш ҳамда уларга мулк қилиб бериш тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

— +
Ер участкалари корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларга берилган тақдирда уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахсларга янги жойда уйлар, иморатлар қуриш ва уларга мулк қилиб бериш ушбу корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

40. Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар учун янги жойда уй қуриш мазкур жой (аҳоли пункти) доирасида амалга оширилади. Бунда уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахсларга янги жойда уй, иморат қуриш даврига тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари томонидан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилади.

41. Турар жойни вақтинча ижарага олиш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулкани вақтинча берилган турар жойга ва вақтинча берилган турар жойдан янги жойда қурилган уйга ташиш бўйича барча харажатлар тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг қарорига кўра иморат қурувчи ёки ер участкаси ажратилган бошқа ер эгаси (ердан фойдаланувчи, ижарага олувчи)нинг ҳисобига амалга оширилади.

42. Уйлари (квартиралари) бузилиши лозим бўлган фуқаролар ва юридик шахслар бузиладиган уйлар (квартиралар) ўрнига янги жойда қурилган уйни, иморатни олиш учун бузиш тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин бир ой муддатда тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларига ариза беришлари керак. Аризада оиланинг таркиби, доимий яшовчилар сони ҳамда турар жой билан таъминлаш бўйича улардаги мавжуд имтиёзлар кўрсатилиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**194** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 9 мартдаги ПҚ–303-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 9 мартдаги ПҚ–303-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 май,
98-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 29 майдаги 98-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сон қарори билан тасдиқланган Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерлар ташкил этишга оид низомда:

а) 2-банддаги «ёки жисмоний» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) Низомга 1-иловада:

биринчи хатбошидаги «шунингдек жисмоний шахсларга» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банддаги «ва жисмоний» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) Низомга 2-илова 1-бандидаги «жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) Низомга 3-илова 3-бандидаги «ёки жисмоний» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) Низомга 6-илова 4-моддасининг 4.1-бандидаги «жисмоний шахс бўлган ташувчига энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, юридик шахс бўлган ташувчига эса» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 8-иловадаги «жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 44-модда) билан тасдиқланган Шаҳар атрофида, шаҳарлараро (вилоятлар ичида, вилоятлараро) ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очик тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

2-банддаги «ёки жисмоний (жисмоний шахслар гуруҳи*)» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-бандга изоҳ матни чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхати қуйидаги мазмундаги 12-банд билан тўлдирилсин:

«12. Автомобиль транспортида тижорат асосида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш фаолияти».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 73-модда) билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 2-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Автомобиль транспортида тижорат асосида шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда Автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 108-модда):

1-илова 6-бандининг йигирманчи хатбошидаги «юклар» ва «ёки жисмоний» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-илова 15-бандининг бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 1-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Тошкент шаҳарида автомобиль транспортида йўловчилар ташишни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг биринчи хатбошига «автомобиль транспортида» сўзларидан кейин «юридик шахслар томонидан» сўзлари қўшилсин;

б) 6-банднинг «г» кичик бандидаги «якка тартибдаги тадбиркорлар ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (юридик манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёхуд унинг бир қисми) кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) мавжуд автотранспорт воситаларининг мулк ҳуқуқи, бошқа ашёвий ҳуқуқлар ёки ижара шартномалари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг тегишли бўлинмаси томонидан берилган белгиланган шаклдаги автотранспорт воситаси техник жиҳатдан соз эканлиги тўғрисида белги қўйилган автотранспорт воситаси техник паспортининг ёки автотранспорт воситалари гуруҳи техник кўриқдан ўтказилганлиги далолатномасининг нусхаси;

г) лицензия талабгоридида ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ва автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш пунктлари ёхуд лицензия талабгорининг тегишли ихтисосликдаги ташкилот билан унга тиббий кўриқ ва техник кўриқдан ўтиш имконияти берилиши тўғрисидаги шартномаси нусхаси мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

д) юридик шахс ходимлари касб малакасининг белгиланган талаблар ва шартларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

е) юридик шахснинг йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланиши учун масъул бўлган мансабдор шахсларининг тегишли аттестациядан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

ж) ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди»;

г) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун ўнтагача автотранспорт воситасидан фойдаланувчи юридик шахслардан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида, ўнта ва ундан ортиқ автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи юридик шахслардан — энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади»;

д) 10-банддаги «ёки жисмоний» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 20-бандда:

биринчи хатбошидаги «юридик шахс» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ж) 28-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

з) Низомга иловада:

Схема номидаги «(юридик ва жисмоний шахслар)» сўзлари чиқариб ташлансин;

Схеманинг иккинчи устундаги «юридик шахс ва жисмоний шахс» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**195 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 февралдаги ПФ–3722-сон Фармони)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи ва чакана савдони либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 февралдаги ПФ–3722-сон Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 6 мартдаги ПҚ–300-сон қарорига, Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон ҳамда «Истеъмол товарлари улгуржи савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 мартдаги 52-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ташқарисида товарлар сотишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 11 ноябрдаги 546-сон қарори;

«Ўзозиковқаттаъминот» ихтисослаштирилган давлат-акциядорлик компаниясини қайта ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 5 февралдаги 47-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 2-сон, 8-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 май,
99-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 29 майдаги 99-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, идоралар ва корхоналарнинг айланма маблағлари нормативлари тўғрисида» 1997 йил 25 февралдаги 108-сон қарорига иловадаги «Ўзбекбирлашув» ва «Ўзбексавдо» уюшмаси позициялари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий ша-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

роитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 20 августдаги 409-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 8-сон, 29-модда):

а) 1-илованинг 3-бандидаги «Ўзбексавдо» корхоналари ва ташкилотларидан ва бошқа» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 5-бандидаги «Ўзбексавдо» сўзи чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида» 1997 йил 23 декабрдаги 558-сон қарорига 3-иловадаги «Ўзбекистон «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси» сўзлари «Ўлгуржи савдо корхоналари уюшмаси» сўзлари билан алмаштирилсин, шунингдек «Ўзбекистон Матлубот кооперацияси акциядорлик жамиятлари марказий уюшмаси ҳамда (бош идора — «Ўзбексавдо»)» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 24 декабрдаги 561-сон қарорида:

а) 1 ва 2-бандлар чиқариб ташлансин;

б) 3-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Маълумот учун қабул қилинсинки, «Гўшт-сут савдо» давлат акциядорлик бирлашмасининг устав жамғармаси Тошкент шаҳрида жойлашган ва «Гўшт-сут савдо» давлат савдо-ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига кирган тўртта совутичнинг мол-мулки қиймати ҳисобига шаклланади»;

в) 4-банднинг учинчи — олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

г) 8-банд чиқариб ташлансин;

д) 1, 1а, 2—4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ савдосида мулкчилик муносабатларини, бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва монополиядан чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 24 мартдаги 125-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи ва учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 2-банд чиқариб ташлансин;

в) 4-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниясини бошқариш марказий аппарати тузилмаси ходимларининг чекланган сони (ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) 40 нафар этиб ҳамда» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниясининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 6-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси билан мустақил» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 7-банднинг биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

е) 1, 2 ва 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Савдо соҳасида монополиядан чиқаришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 24 декабрдаги 561-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида» 1999 йил 14 июндаги 299-сон қарорининг 3 ва 4-бандлари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат корхоналари омборларидаги тайёр маҳсулотлар қолдиқлари нормативлари тўғрисида» 2000 йил 28 апрелдаги 167-сон қарорига 1-иловадаги «Ўзбексавдо» компанияси, «Ўзмаишийуюшма» ва «Ўзбекбирлашув» сўзлари чиқариб ташлансин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарорига 4-илованинг 13-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 32-модда) чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон» давлат теннис клубини ташкил этиш тўғрисида» 2000 йил 29 декабрдаги 512-сон қарорининг 4-банди чиқариб ташлансин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2002 йил 28 июндаги 236-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 6-сон, 36-модда):

а) Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари» бўлимида:

номидан «ҳокимликлари» сўзи чиқариб ташлансин;

бўлимга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари, ҳудудий базалар, шунингдек вилоятлар «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниялари томонидан амалга ошириладиган улгуржи савдо»;

б) «Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари» бўлимидаги «Улгуржи савдо» сўзлари «Улгуржи савдо, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи Республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари, ҳудудий базалар, шунингдек вилоятлар «Матлуботсавдо» акциядорлик компаниялари томонидан амалга ошириладиган улгуржи савдо бундан мустасно» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига 1-иловадаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда) 35 ва 36-бандлар чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 13 ноябрдаги 391-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 68-модда):

а) 4-банд чиқариб ташлансин;

б) 3-илованинг 3, 7, 10 ва 12-бандлари чиқариб ташлансин;

в) 4-илованинг 3, 9 ва 10-бандлари чиқариб ташлансин;

г) 5-илованинг 3, 12 ва 14-бандлари чиқариб ташлансин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарорига иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда):

а) 3-банддаги «давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларида улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқига 1-иловага мувофиқ шакл бўйича рухсат гувоҳномаси» сўзлари «тегишли лицензия» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Товарлар фақат тузилган шартномалар асосида ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз шаклида улгуржи сотилиши мумкин»;

в) 23 ва 35-бандларнинг охири хатбоши чиқариб ташлансин;

г) 47-банддаги «савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун йиғим ёки алоҳида товарлар билан савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия йиғими» сўзлари «алоҳи-

да товарлар турлари билан савдони амалга ошириш ҳуқуқи учун йиғим» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Демография ва истеъмол бозорини ўрганиш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 24 декабрдаги 448-сон қарорига 1-иловадаги «Файзиев З.О. — «Ўзбексавдо» давлат-акциядорлик компанияси раиси» сўзлари чиқариб ташлансин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «2003—2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 78-сон қарорининг 1-банди иккинчи хатбошидаги «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари, «Савдо» ҳудудий компаниялари» сўзлари чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига 1-илова 5-бандининг олтинчи хатбоши (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун Инспекцияларда рўйхатдан ўтказиш йиғимлари ундирилади, уларнинг ставкалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти вакилик органлари томонидан белгиланади. Рўйхатдан ўтказиш йиғимларининг чекланган ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади. Бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун белгиланган ставканинг 20 фоизи миқдоридан ундирилади, савдо корхоналари бундан мустасно. Бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектлари — савдо корхоналари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун рўйхатдан ўтказиш йиғими энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридан ундирилади. Кўрсатиб ўтилган йиғимлар Инспекцияларни молиялаштириш манбалари ҳисобланади. Рўйхатдан ўтказиш йиғимлари тушишидан фойдаланилмай қолган маблағлар туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари қарорига кўра фойдаланилади».

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмол товарлари ярмарка савдосини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 28 августдаги 375-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 80-модда) 4-бандининг биринчи хатбошидаги «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари» сўзлари чиқариб ташлансин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарорига 3-иловадаги 63 ва 64-позициялар чиқариб ташлансин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Мустақиллик ва Наврўз умумхалқ байрамларига тайёргарликни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 23 июлдаги 357-сон қарорига иловадаги «Бекчанов М. — «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси раиси, Файзиев З.О. — «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси раиси» сўзлари чиқариб ташлансин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорида:

а) 4-иловадаги «Бекчанов М. — «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси раиси, Файзиев З.О. — «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси раиси» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 31-иловадаги «Файзиев З.О. — «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси раиси» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 32-иловадаги «Азаматов М.Р. — «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг савдони ташкил этиш ва улгуржи ярмаркалар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи, кенгаш котиби», «Файзиев З.О. — «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси раиси», «Бекчанов М. — «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси раиси» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

196 Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг Намунавий уставини ҳамда Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартирали уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги Намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида

«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Қуйидагилар:

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг Намунавий устави 1-иловага мувофиқ;

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартирали уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги Намунавий шартнома 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари 2006 йил 1 сентябргача бўлган муддатда уй-жой мулкдорлари ширкатларини «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда ушбу қарорга мувофиқ қайта рўйхатдан ўтказишни таъминласинлар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатининг Намунавий уставини ва Уй-жойларни уй-жой мулкдорлари ширкати бошқарувига бериш ва уй-жой фондини сақлаш ва тузатиш масалаларида давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 4 октябрдаги 454-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 10-сон, 60-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

қарорнинг номидан «Уй-жой мулкдорлари ширкатининг Намунавий уставини ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

1-банднинг иккинчи хатбоши ва қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 30 май,
100-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 30 майдаги 100-сон қарорига
1-ИЛОВА

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг НАМУНАВИЙ УСТАВИ

1. Умумий қоидалар

1.1. «_____» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати (қисқача номланиши — «_____» ХУМШ «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилган ҳамда _____ ш., _____ кўчасидаги №_____ уйда (уйларда) жойлашган кўп квартирали уйдаги (уйлардаги*) турар жойлар мулкдорлари (кейинги ўринларда мулкдорлар деб аталади) бирлашмасидан иборатдир.

1.2. «_____» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати жойлашган манзил (кейинги ўринларда Ширкат деб аталади): Ўзбекистон Республикаси, _____ ш., _____ кўчаси, № _____ уй.

1.3. Ширкат — нотижорат ташкилот бўлиб, юридик шахс ҳисобланади, ўзининг алоҳида мулкига, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга ва штампларга, шунингдек, ўзининг рамзига эга.

1.4. Ширкат белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

1.5. Ширкат ўзига тегишли барча мол-мулки билан ўз мажбуриятлари бўйича жавоб беради ва ўз аъзоларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайди. Ширкат аъзолари Ширкат мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

1.6. Мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда белгиланган тартибда киритилади.

2. Фаолиятининг мақсади ва предмети

2.1. Уй-жой фондини биргаликда бошқариш ва унинг сақланиши, бутлиги ва таъмирланишини таъминлаш, кўп квартирали уйдаги мулкдорларнинг умумий мулки (кейинги ўринларда умумий мулк деб аталади) ва ер участкасидан фойдаланиш Ширкатни ташкил этишнинг кўзланган мақсади ҳисобланади.

2.2. Қуйидагилар Ширкат фаолиятининг предмети ҳисобланади:

мулкдорлар томонидан кўп квартирали уйдаги умумий мулкни бошқариш бўйича биргаликда қарорлар қабул қилинишини таъминлаш;

* Ширкатга бир уйдан ортиқ турар-жойларнинг мулкдорлари бирлашган.

мулкдорларнинг кўп квартирали уйнинг ва ер участкасининг техник, санитария, ёнғинга қарши ва экологик ҳолати зарур даражада сақланишини белгиланган қоидалар, меъёрлар ва стандартларга мувофиқ таъминлаш, шунингдек умумий мулк ҳолатини яхшилаш (мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш) бўйича қарорларининг ижросини таъминлаш;

мулкдорлар ўртасида умумий мулкни ва ер участкасини сақлаш билан боғлиқ умумий харажатларни, шунингдек Ширкатдаги бошқа харажатларни тақсимлаш, мажбурий бадаллар ва тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш;

мулкдорларнинг умумий мулк, ер участкаси ва ободонлаштириш элементларидан фойдаланишга доир, шунингдек қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставда белгиланган доирада манфаатларини мувофиқлаштириш;

Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш;

мулкдорларнинг умумий мулкига ва коммунал хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, шунингдек учинчи шахслар билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялаш;

кўп квартирали уйдаги истеъмолчиларни коммунал хизматлар билан таъминлашда иштирок этиш, мулкдорлар қарорига кўра коммунал хизматлар буюртмачиси функцияларини бажариш;

қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа фаолиятни амалга ошириш.

3. Ширкатга аъзолик

3.1. Мазкур Уставнинг 1.1-бандида кўрсатилган уйда (уйларда)ги турар жойларнинг мулкдорлари — жисмоний ва юридик шахслар Ширкат аъзолари ҳисобланади.

3.2. Ширкатга аъзолик мулкдорда Ширкат давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошланади.

1.1-бандда кўрсатилган уйда (уйларда) турар жой сотиб олган шахслар ўзларида хонага эгалик ҳуқуқи пайдо бўлган вақтдан бошлаб Ширкат аъзоси ҳисобланади.

3.3. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатини бошқа Ширкатга қўшиш йўли билан қайта ташкил этиш вақтида қайта ташкил этилаётган ширкатнинг аъзоси бўлган турар жойлар мулкдорларининг аъзолиги Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб юзага келади.

3.4. Ширкат аъзоси бўлган юридик шахснинг ваколати у ваколат берган шахс томонидан амалга оширилади.

3.5. Юридик шахс — Ширкат аъзоси қайта ташкил этилганда ёки жисмоний шахс — Ширкат аъзоси вафот этганда уларнинг ҳуқуқий ворислари ёки меросхўрлари уларда турар жойга мулк ҳуқуқи вужудга келган пайтдан бошлаб Ширкат аъзосига айланади.

3.6. Ширкатнинг вояга етмаган аъзолари манфаатларини уларнинг ота-оналари, васийлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ифодалайди.

3.7. Агар турар жой умумий мулкчилик асосида бир неча мулкдорга тегишли бўлса, улар Ширкатнинг битта аъзоси ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади ва Ширкатни Ширкатга аъзоликни амалга ошириш усули (улар ўртасидаги келишув асосида) ҳақида хабардор қилади.

3.8. Агар битта мулкдорга кўп квартирали уйдаги (уйлардаги) бир неча турар

жой тегишли бўлса, у битта Ширкат аъзоси ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

Ширкатга аъзолик қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

турар жойга мулк ҳуқуқи тўхтатилганда;

алоҳида кўп квартиралари уйдаги турар жойлар мулкдорларининг кўпчилик овози билан Ширкатдан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинганда;

Ширкат тугатилганда.

4. Умумий мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи

4.1. Кўп квартиралари уйдаги турар жой мулкдорларига умумий мулк умумий улушбай мулк ҳуқуқи асосида тегишлидир.

4.2. Кўп квартиралари уйда умумий улушбай мулк ҳуқуқи асосидаги умумий мулкка кўп квартиралари уйнинг умумий турар жойлари (холлар, аравачалар қўйилдиган жойлар, чиқинди камералари ва ҳ. к.), таянч ва тўсиқ конструкциялар (деворлар, тўсиқлар, фундаментлар), квартиралараро зинапоя майдончалари, зиналар (подъезд ичидаги, ташқи, подъездга кириш жойларидаги), лифтлар, лифт шахталари ва бошқа шахталар (вентиляция шахталари, чиқинди қувурлари ва ҳ. к.), коридорлар, техник қаватлар, подваллар, чордоқ ва томлар, уйнинг ички муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, турар жой ташқарисида ва ичида жойлашган, биттадан ортиқ турар жойга хизмат кўрсатувчи механик, электрик, санитария-техник ва бошқа жиҳозлар ва мосламалар киради.

Уйнинг фасади элементлари бўлган умумий мулкнинг қисмлари — турар жой ва подъездларнинг фасад ойналари, уйнинг подъездига кириш эшиклари, балконлар, фасадни безаш материаллари ҳам умумий мулкка киради.

4.3. Мулкдорнинг умумий мулкка нисбатан умумий мулк ҳуқуқи унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли майдоннинг уйнинг умумий майдонидаги нисбатига тенг бўлади.

4.4. Ҳар бир мулкдорнинг кўп квартиралари уйдаги умумий мулкка умумий улушбай мулк ҳуқуқи унинг турар жойга бўлган мулк ҳуқуқидан ажралмасдир.

Мулкдор кўп квартиралари умумий мулкдаги ўз улушини бегоналаштиришга, ундан жисмоний ёки юридик шахслар фойдасига, шу жумладан уйдаги ёки Ширкатдаги бошқа турар жой мулкдорлари фойдасига воз кечиши ёки ўзига турар жой ва/ёки нотурар жой мулкчилиги ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий мулк ҳуқуқидаги улуши йўқотилишига олиб келадиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир этиши мумкин эмас.

4.5. Мулкдорнинг умумий мулкдаги улуши натурал шаклда ажратиб берилиши мумкин эмас.

4.6. Кўп квартиралари уйдаги турар жойлар мулкдорлари уни сақлаш харажатларини биргаликда амалга оширишлари шарт. Турар жой мулкдорининг умумий харажатлардаги улуши мулкдорнинг турар жой майдонининг уйнинг умумий майдонидаги улушига мутаносиб тарзда белгиланади.

4.7. Уйдаги умумий мулкдан ва ер участкасидан фойдаланиш мулкдорларнинг умумий улушбай мулк ҳуқуқидаги улуши миқдорига боғлиқ эмас. Мулкдорлар турар жойларининг чегарасида бўлган умумий мулк қисмлари фойдаланилиши чекланган умумий мулк ҳисобланади.

4.8. Умумий мулкнинг алоҳида қисмлари Ширкат аъзоларига ва бошқа шахсларга Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган тартибда ва шартларда Ширкат аъзоларига фойдаланишга берилиши мумкин.

Умумий мулкнинг алоҳида қисми ва/ёки Ширкат ер участкасидан (фойдаланилиши чекланган мулкдан ташқари) фақат ўз манфаати учун фойдаланувчи Ширкат аъзоси Ширкатга Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган миқдорда ҳақ тўлаши керак.

4.9. Уйдаги умумий мулкнинг алоҳида қисмлари Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган тартибда ва шартларда учинчи шахсларга берилиши мумкин. Бунда ушбу уй турар жой мулкдорларининг эллик фоиздан кам бўлмаган қисми бунга розилик берган бўлиши керак.

4.10. Умумий мулкнинг мулкдорлар манфаатларига ва уларнинг турар жойдан фойдаланиш имкониятларига зарар етказмаган ҳолда бегоналаштирилган қисмларини сотиш турар жой мулкдорларининг етмиш беш фоиздан кам бўлмаган қисми бунга розилик берган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

5. Ширкатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Ширкат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

умумий мулк, ер участкаси ва Ширкат мулкни сақлаш усулини аниқлаш; уйдаги (уйлардаги) умумий мулкни, ер участкасини ва Ширкат мулкни сақлаш бўйича ишлар режасини тасдиқлаш;

Ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар режасини тасдиқлаш;

Ширкат аъзоларининг уйдаги (уйлардаги) турар жой мулкдорларининг умумий мулкни бошқариш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, Ширкат ер участкаси ва мулкни сақлаш, Ширкат фаолияти билан боғлиқ бошқа умумий харажатларни сақлаш харажатларини эътиборга олган ҳолда умумий харажатлар бўйича ойлик мажбурий бадаллари миқдорини белгилаш;

шартномавий асосда турар жойга мўлжалланмаган бинолар мулкдорларининг уйнинг умумий мулкни сақлаш харажатлари ва мулкдорларнинг бошқа умумий харажатларида иштирокини таъминлаш. Агар турар жойга мўлжалланмаган бинолардан фойдаланиш Ширкатнинг умумий мулкни зарур техник ва санитария ҳолатида сақлаш харажатларининг ошиб кетишига олиб келса ва/ёки турар жойлардан фойдаланиш бўйича ноқулайликлар туғдирса, Ширкат ўз аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдорига пулли ва ёки бошқача моддий шаклда тегишли компенсация тўланишини талаб қилишга ҳақли;

юрidik ва жисмоний шахслар билан танлов асосида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Ширкатнинг умумий майдони, ер участкаси ва мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек коммунал хизматлар кўрсатиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш;

мазкур Уставда белгиланган тартибда Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкдан фойдаланиш қоидаларини белгилаш;

қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда кўзда тутилган тартибда ва шартларда банклар кредитларидан фойдаланиш;

белгиланган тартибда турар жой (уйлар)га хизмат кўрсатиш, хўжалик иншоотлари ва бошқа иншоотлар қуриш учун доимий равишда ишлатишга ер участкалари олиш;

доимий фойдаланишга берилган ер участкасида хўжалик иншоотлари ва бошқа қурилмалар қуриш, Ширкат умумий мулки ёки турар жойининг бир қисмини шарҳсозлик меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ барпо этиш;

мулкдорни олдиндан огоҳлантирган ҳолда ва мулкдор (ёки унинг вакили) иштирокида умумий мулкнинг мулкдорлар турар жойлари чегарасида бўлган қисмла-

рининг санитария ҳолатини назорат қилиш, шу жумладан белгиланган меъёрлар, қоидалар ва стандартларга мувофиқлигини текшириш учун кириш;

бошқа мулкдорларнинг мулкига ва/ёки умумий мулкка зарар етказиши мумкин бўлган аварияни бартараф этиш учун мулкдорлар турар жойига дарҳол кириш (шу жумладан, бегиланган ҳолларда мулкдорлар йўқлигида ва авария пайтида уларни огоҳлантириш имкони бўлмаганда) имкониятидан фойдаланиш;

уйдаги умумий мулкнинг бутлигини сақлашни таъминлаш мақсадида мулкдорлар томонидан белгиланган тартибда рухсат олинган ҳолда турар жойни реконструкция қилиш, тархини қайта тузиш, қайта жиҳозлаш ишлари бўйича келишувга эришиш;

жисмоний ёки юридик шахслар томонидан, бу ҳол мулкдорларнинг қонунчилик томонидан ҳимояланадиган ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши билан боғлиқ бўлмаган тақдирда, умумий мулкнинг бир қисмини фойдаланишга ёки чекланган тарзда фойдаланишга бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз мулкни, шу жумладан айланма маблағларини мустақил тасарруф этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ Ширкат мулкни харид қилиш, сотиш, ўтказиш, ижарага бериш, балансдан чиқариш;

ишларни бажариш ва Ширкат аъзоларига хизматлар кўрсатиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Устав мақсадларига мос тарзда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

мазкур Уставда кўзда тутилган мақсадларга ишлатиш учун махсус жамғармалар ташкил этиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда турар жой мулкдоридан Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида белгиланган мажбурий тўловларни ундириш, Ширкатга етказилган харажатларни тўлиқ қайтариш тўғрисидаги талабни илгари суриш;

фаолиятнинг умумий масалаларини ҳал этиш учун тузиладиган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари бирлашмаларига (уюшмалари, иттифоқларига) кириш ва уларнинг таркибидан чиқиш;

турар жой мулкдорларидан қуйидагиларни сўраш:

мулкдорлар ёки уларнинг вакиллари билан боғлиниш учун мулоқот ахбороти (почта ва/ёки электрон манзил, телефон рақамлари);

турар жойдан фойдаланувчилар сонига боғлиқ бўлган умумий харажатлар миқдорини тақсимлаш мақсадида турар жойда истиқомат қилувчилар сони ҳақидаги маълумотларни сўраб олиш.

Қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ Ширкат бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.2. Ширкат мулкдорларнинг умумий мулкни тасарруф этиш, шу жумладан бегоналаштириш, гаров тариқасида ва қонун ҳужжатларида ҳамда ушбу Уставда кўзда тутилганидан бошқача тартибда фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

5.3. Ширкат қуйидагиларга мажбур:

Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкнинг белгиланган қоидалар, меъёрлар ва стандартларга, шунингдек Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, ҳар бир уй-жой мулкдорларининг йиғилиши қарорларига мувофиқ равишда бутлиги ва сақланишини таъминлаш;

мазкур Уставнинг, Ширкат аъзолари умумий йиғилиши ва Бошқарув йиғилиши, шунингдек ҳар бир уй-жой мулкдорлари йиғилиши қарорларининг бажарилишини таъминлаш;

ҳар йили Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкни сақлаш бўйича ишлар режасини белгилаш ва Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун унинг ижроси ҳақидаги ҳисоботни тузиш;

Ширкат иш режасининг бир қисми сифатида ҳар қайси кўп квартирали уй-жой мулкдорлари умумий мулкни сақлаш бўйича ҳар йили иш режасини белгилаш ҳамда ҳар бир уй-жой учун ижроси бўйича ҳисобот тузиш, турар жой эгаларининг йиғилишида тасдиқлаш;

ҳар йили Ширкат даромадлари ва харажатлари сметасини ва Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун унинг ижроси бўйича ҳисоботни тузиш;

ҳар йили Ширкат даромадлари ва харажатлари сметасининг бир қисми бўлган умумий мулкни сақлаш бўйича даромадлари ва харажатлари сметаси ва Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқлаш учун унинг ижроси бўйича ҳисоботни тузиш;

мажбурий бадаллар ва тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш;

умумий мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича қоидалар, шартлар ва тартибини белгилашда, барча мулкдорларнинг умумий харажатлардаги иштироки улушини ҳисоблаб чиқишда Ширкатнинг барча аъзолари қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш;

уй-жойларнинг барча мулкдорлари, ижарачилари, ёлловчилар томонидан умумий мулк, ер участкаси ва Ширкат мулкидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш;

учинчи шахслар билан муносабатда умумий мулкни сақлаш, эгалик қилиш ва фойдаланиш, коммунал хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, шунингдек қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда Ширкат аъзоларининг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

мулкдорларга умумий мулкнинг ҳолати, амалга оширилган ва амалга ошириладиган харажатлар тўғрисида ахборот бериш, Ширкат аъзолари олдида мазкур Уставда кўзда тутилган тартибда ҳисобот бериш.

Ширкат қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бўйича ҳам жавоб бериши мумкин.

6. Ширкат аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Ширкат аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ширкат ва Ширкатнинг бошқа аъзолари билан келишмаган ҳолда ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойдан кўзланган мақсадга мувофиқ эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш, шу жумладан уни қонунчиликда белгиланган тартибда ижарага бериш;

умумий мулкдан, шунингдек ер участкасидан ва унда жойлашган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементларидан белгиланган мақсадга ва Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ фойдаланиш;

ушбу Уставда белгиланган тартибда Ширкат фаолияти, умумий мулк ҳолати, амалга оширилган ва ошириладиган умумий харажатлар тўғрисида ахборот олиш;

Ширкат бошқаруви ва тафтиш комиссиясини сайлаш ва уларга сайланиш;

Ширкат фаолиятида, шу жумладан, сиртдан ёзма овоз бериш йўли билан ва/

ёки ўз вакили орқали иштирок этиш, унинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ижарачига ўзининг Ширкат аъзоси сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини бериш;

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра умумий мулк ва/ёки ер участкасининг алоҳида қисмларини Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида белгиланган тартибда ва шартларда фойдаланишга олиш;

Ширкат аъзоси Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорларида белгиланган ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6.2. Ширкат аъзосининг мажбуриятлари:

ушбу Устав талаблари, Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, Ширкат бошқаруви, ҳар бир уй турар жой мулкдорлари йиғилиши қарорлари, шунингдек Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган умумий мулк, ер участкаси, Ширкат мулки ҳамда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш;

ўзига тегишли турар жойдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш;

ўз ҳисобидан ўзининг мулки ҳисобланган турар жойларнинг зарур даражада сақланиши ва таъмирланишини таъминлаш;

белгиланган тартибда тегишли рухсат олгач, Ширкат билан ўзига тегишли турар жойни реконструкция қилиш, тархини қайта тузиш, қайта жиҳозлаш бўйича келишувга эришиш, ўзбошимчалик билан турар жойни реконструкция қилиш ва/ёки тархини қайта тузиш ва/ёки қайта жиҳозлашга йўл қўйган Ширкат аъзоси ўз ҳисобидан хонани аввалги ҳолига келтиришга мажбур;

олдидан огоҳлантирилган ҳолда ва ўзининг ёки вакилининг иштирокида ўзига тегишли бўлган турар жойга умумий мулкнинг мулкдори турар жойи чегарасида бўлган қисмини кўриқдан ўтказиш, жорий ва капитал таъмирлаш учун, шунингдек авария ҳолатларини бартараф этиш учун Ширкат ва ихтисослаштирилган ташкилотлар вакилларини дарҳол киритиш. Хонага киришга йўл қўймаган мулкдор шу туфайли ишлар бажарилмай қолганлиги натижасида етказилган зарарни ўз ҳисобидан қоплайди;

ўзига тегишли турар жой чегарасида бўлган умумий мулкнинг бутлигини таъминлаш;

умумий мулк, ер участкаси, Ширкатнинг мулки, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементларидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш ҳамда бошқа мулкдорларнинг улардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслик;

мазкур Устав ва Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, ҳар бир уй турар жой мулкдорлари йиғилиши қарорларига кўра белгиланган тартибда уйдаги умумий мулкни сақлаш харажатлари ва Ширкатнинг бошқа харажатларида уйдаги умумий мулкка бўлган умумий улушбай мулк ҳуқуқи асосида иштирок этиш, Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, ҳар бир уй турар жой мулкдорлари йиғилиши қарори билан бошқача тартиб белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

кўрсатилган коммунал хизматлар ҳақини белгиланган тариф асосида тўлаш;

Ширкатга мулоқот учун ҳамда у ёки унинг вакили билан боғланиш мақсадида маълумотлар бериш (почта ва/ёки электрон манзил, телефон рақамлари) ва шу турдаги маълумотлар ўзгарган тақдирда дарҳол хабар бериш;

турар жой ижарага берилган тақдирда 10 кун муддатда Ширкатга бу ҳақда, шунингдек ижара шартномаси асосида ижарачига умумий харажатларда иштирок

этиш бўйича мажбуриятларини берган ёки бермаганлиги тўғрисида хабар бериш. Ижарачи томонидан ижара шартномаси асосида олинган умумий харажатларда иштирок этиш бўйича мажбуриятлари керакли тарзда бажарилмаган ёки керакли тарзда бажарилмаган тақдирда Ширкат олдида Ширкат аъзоси жавоб беради;

ўзи ёки у билан бирга истиқомат қилаётган шахслар томонидан, шунингдек ижара шартномаси асосида ва бошқа асосларда у билан бирга истиқомат қилаётган шахслар томонидан бошқа мулкдорлар мулкига, умумий мулкка ёки Ширкат мулкига етказилган зарарни ўз ҳисобидан қоплаш;

ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойни сотиш пайтида қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳужжатларга қўшимча равишда Ширкат ва унинг олдидаги мажбуриятлари, умумий харажатлар ва коммунал тўловлар бўйича қарзлар ҳақида маълумотлар бериш;

Ширкатни турар жойнинг бошқа мулкдорга берилгани тўғрисида огоҳлантириш ва янги мулкдор тўғрисида ахборот бериш.

7. Ширкатдаги умумий харажатлар

7.1. Ширкатнинг умумий харажатлари умумий мулкни, ер участкаси, Ширкат мулкни белгиланган чегарада ва унда жойлашган ташқи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементлари, шунингдек Ширкат мулкни бошқариш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш билан боғлиқ харажатлардир.

7.2. Турар жой мулкдорларининг умумий мулки, ер участкаси ва Ширкат мулкни бошқариш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар киради:

Ширкат бошқаруви раиси ва аъзоларига, тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофот пули;

Ширкат бошқарувчиси (ижрочи директори), бухгалтери ва Ширкат томонидан бошқарув вазифаларини бажариш учун жалб қилинадиган бошқа шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш;

юрidik ва жисмоний шахслар — хусусий тадбиркорлар билан бошқарув бўйича шартномаларга ҳақ тўлаш;

Ширкат бошқаруви хонаси бўйича ижара шартномаси харажатлари;

Ширкат бошқаруви хонасидан фойдаланиш бўйича коммунал хизматлар истеъмоли учун тўлов;

Ширкатнинг иш юритиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари, шу жумладан Ширкат аъзолари олдидаги ҳисоботлари билан боғлиқ харажатлар;

Ширкатнинг банк ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар;

мулкни бошқариш ва коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш билан боғлиқ алоқа хизматлари, транспорт харажатлари ва жамоат транспортдан фойдаланиш харажатларини тўлаш;

Ширкат аъзолари ва турар жойга мўлжалланмаган бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари тўлиқлигини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар;

товар-моддий бойликларни харид қилиш юзасидан ижрочилар ва/ёки пудратчиларни танлаш бўйича танловлар ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;

умумий мулкни ва Ширкат мулкни суғурталаш билан боғлиқ харажатлар;

умумий мулк, ер участкаси ва Ширкат мулкни бошқариш, шунингдек Ширкат аъзоларининг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Бошқарув харажатлари Ширкатнинг тасдиқланган даромадлар ва харажатлар

сметасига мувофиқ, ҳар бир уй мулкдорлари йиғилиши қарори билан тасдиқланган Ширкатнинг даромадлар ва харажатлар сметасининг бир қисми бўлган ҳар бир уй умумий мулкни сақлаш билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар сметаси асосида амалга оширилади.

7.3. Умумий мулк, ер участкаси ва Ширкат мулкига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар киради:

мулкнинг техник ва санитария ҳолатини зарур даражада сақлаш, шу жумладан, ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш (шу жумладан ягона ижтимоий тўлов), материаллар, жиҳозлар, машиналар ва механизмлар билан боғлиқ харажатлар;

жорий ва авария-таъмирлаш ишлари, мукаммал таъмирлаш, умумий мулк объектларини алмаштириш ва реконструкция қилиш харажатлари, шу жумладан, юридик ва жисмоний шахслар билан пудрат шартномаси ҳақини тўлаш харажатлари;

Ширкат умумий мулки ва ер участкасига хизмат кўрсатиш ва/ёки фойдаланиш билан боғлиқ электр энергия ва бошқа ресурслар сарфи учун ҳақ тўлаш;

Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва унда жойлашган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементлари бутлиги ва сақланиши билан боғлиқ бошқа харажатлар.

7.4. Ширкат даромадлари ва харажатлари сметаси Ширкатнинг махсус жамғармалари: мукаммал таъмирлаш жамғармаси, захира жамғармаси, қутилмаган харажатлар жамғармаси ва бошқа жамғармалар тузилишини кўзда тутиши мумкин. Ширкат жамғармаларига йўлланган маблағлар унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойни сотиш пайтида Ширкат аъзоси ёки турар жойга мўлжалланмаган бино эгасига қайтарилмайди, алоҳида уй турар жой мулкдорлари ушбу уйдаги турар жой мулкдорлари қарорига кўра Ширкатдан чиққан ҳолат бундан мустасно.

7.5. Ширкат умумий мулкни, ер участкасини ва мулкни таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар тасдиқланган ишлар режаси, Ширкат даромадлари ва харажатлари сметасининг бир қисми бўлган ва ҳар бир уйнинг турар жой мулкдорлари йиғилиши қарори билан тасдиқланган ҳар бир уй умумий мулкни сақлаш даромадлари ва харажатлари сметасига мувофиқ амалга оширилади.

7.6. Ширкат умумий мулкни мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш ишларини Ширкат аъзолари умумий йиғилиши, кўп квартирали турар жой мулкдорлари йиғилиши қарорига мувофиқ амалга оширади.

8. Ширкат аъзоларининг умумий харажатлари ва мажбурий бадаллари миқдорини белгилаш тартиби

8.1. Ҳар йили 15 декабргача Ширкат бошқаруви Ширкатнинг келгуси молиявий йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳасини тузади.

Харажатлар сметасини тузишда ҳар бир кўп квартирали уйдаги умумий мулкни, ер участкасини ва мулкни сақлаш бўйича ишлар режаси лойиҳаси асос ҳисобланади. Харажатлар лойиҳаси сметаси меҳнат, қурилиш материаллари, ишлар ва хизматларнинг амалдаги бозор қиймати асосида тузилади ҳамда келгуси йил давомида уларнинг қутилаётган ўзгаришларини назарда тутиши мумкин.

Ширкат даромадлари сметаси Ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари ва турар жойга мўлжалланмаган бинолар мулкдорлари бадаллари ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа даромадлар ва тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

Даромадлар сметаси Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкни

сақлаш билан боғлиқ бўлган Ширкатнинг барча режалаштирилган харажатлари ва мавжуд молиявий мажбуриятларини қамраб олиши керак.

Сметанинг харажат қисми даромад қисмидан ошиб кетиши мумкин эмас.

8.2. Ширкатнинг даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда келгуси молиявий йил учун Ширкат аъзолари бадалларининг миқдори бўйича таклифлар Ширкат бошқаруви томонидан Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Ишлар режаси ва Ширкат даромадлари ва харажатлари сметасининг бир қисми бўлган ҳар бир уй умумий мулкни сақлаш бўйича ишлар режаси, даромадлари ва харажатлари сметаси ҳамда уларнинг ижроси бўйича ҳисоботлар Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилишига қадар ушбу уйдаги турар жойлар мулкдорлари йиғилишида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

8.3. Ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдори Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра белгиланади.

8.4. Ширкат аъзоларининг ўтган йил бўйича Ширкат ишлари режаси, даромадлари ва харажатлари сметаси ижроси юзасидан ҳисоботни, келгуси йил учун мўлжалланган Ширкат ишлари режаси, даромадлари ва харажатлари сметаси ва Ширкат аъзолари, турар жойга мўлжалланмаган бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари миқдорини тасдиқлашга бағишланган умумий йиғилиши молиявий йил яқунлангандан сўнг 60 кундан кечикмай қақрилади.

Ширкатнинг келгуси йил учун мўлжалланган ишлари режаси, даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлаш бўйича умумий йиғилишини жорий молиявий йил яқунланмасдан, шунингдек Бошқарувнинг жорий йил (ўтган йил) бўйича Ширкат ишлари режаси, даромадлари ва харажатлари сметаси ижроси юзасидан ҳисоботи кўриб чиқилмаган ва тасдиқланмаган ҳолда ўтказилишига йўл қўйилади.

8.5. Ширкатнинг йиллик иш режаси, даромадлари ва харажатлари сметаси ва Ширкат аъзолари ҳамда турар жойга мўлжалланмаган бинолар мулкдорларининг мажбурий бадаллари миқдорини тасдиқлашга бағишланган йиғилиш Ширкат аъзоларини умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида камида 10 кун аввал огоҳлантирилган ҳолда ўтказилади. Огоҳлантириш шакли (ёзма, оғзаки) Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида, Ширкат харажатлари сметасида тегишли харажатлар эътиборга олинган ҳолда белгиланади.

8.6. Ширкат даромадлари ва харажатлари сметасида ҳисобот ва лойиҳа ҳужжатларидан нусха кўчириш ва етказиб бериш харажатлари кўзда тутилган ҳолларда Ширкат бошқарувининг ўтган йил бўйича Ширкат даромадлари ва харажатлари сметаси ижроси юзасидан ҳисоботи ва келгуси йил учун мўлжалланган Ширкат даромадлари ва харажатлари сметаси лойиҳаси Ширкатнинг ҳар бир аъзосига юборилади.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши Ширкат аъзоларини Ширкат ишлари режаси ҳамда харажатлар ва даромадлар сметаси лойиҳалари ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар билан олдиндан таништиришнинг бошқача усулини белгилаши мумкин, бу ҳолда бўлажак умумий йиғилиш тўғрисидаги хабарномада Ширкат аъзолари юқоридаги ҳужжатлар билан танишиб чиқиши мумкин бўлган жой ва вақт кўрсатилади.

8.7. Бошқарув харажатлари Ширкатнинг тасдиқланган харажатлар ва даромадлар сметасида бошқарув учун мўлжалланган харажатлар ҳажмидан ўн фоиз ошиб кетган тақдирда ёки смета моддаларини умумий мулкка хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларига мўлжалланган харажатларнинг ўн фоиздан зиёд камайиб кетишига олиб келадиган тарзда алмаштирилиши Ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланиши керак.

8.8. Ширкатнинг тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига Ширкат иш режасида кўзда тутилмаган ишлар ёки материаллар, ишлар ва хизматлар нархининг ўсиши натижасида вужудга келган харажатлари билан боғлиқ бўлган ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарор ушбу Уставда кўзда тутилган тартибда чақириладиган Ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши, ҳар бир уй мулкдорлари йиғилиши қарори билан тасдиқланиши керак.

8.9. Мажбурий бадаллар Ширкат аъзоси томонидан пул шаклида тўланади.

8.10. Ширкат аъзолари умумий йиғилиши қарорига кўра айрим ҳолларда мажбурий бадалларнинг бир қисмини тўлаш Ширкат аъзоларининг умумий харажатларда бошқача шаклда иштирок этишига алмаштирилиши мумкин: Ширкатга мулкнинг берилиши ёки айрим ишларни бажариш ёхуд хизмат кўрсатиш шулар жумласидан.

Киритиладиган мулк қиймати у киритилган кунда Бошқарув қарори билан, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати эса – амалдаги бозор нархлари асосида ишлар тавсифи нархига кўра белгиланади.

8.11. Мажбурий ойлик бадаллар ва тўловлар қонунчиликка кўра Ширкат аъзолари томонидан ўтаётган ойдан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан тўланади, Ширкат аъзолари умумий йиғилишида мажбурий бадалларни аванс тарзида тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган ҳоллар бундан мустасно.

8.12. Агар мажбурий бадаллар ва тўловлар ўз муддатида тўланмаса, турар жой мулкдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

8.13. Ширкатнинг биринчи молиявий йили у рўйхатдан ўтказилган санадан бошланиб, 31 декабрда тугайди. Кейинги молиявий йиллар календарь йилига тўғри келади.

9. Ширкатнинг маблағлари ва мулки

9.1. Ширкат кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорлари умумий мулкидан ажратилган ўз мулкига эга бўлади, бу мулк Ширкат маблағлари ҳисобига ёки қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усулларда харид қилинган бўлиши мумкин.

9.2. Ширкат мулки пул маблағлари, бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, инвентарь, транспорт воситалари ва бошқа мулкдан иборат бўлади, улар Ширкат маблағлари ҳисобига ёки қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усулларда харид қилинади, шунингдек Ширкат ер участкасидаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементлари ҳам Ширкат мулки ҳисобланади.

9.3. Ширкатнинг пул маблағлари қуйидагилардан шакллантирилади:

Ширкат аъзоларининг мажбурий ҳар ойлик бадаллари;

турар жойга мўлжалланмаган бинолар мулкдорларининг мажбурий ҳар ойлик бадаллари;

Ширкат аъзолари ва турар жойга мўлжалланмаган бинолар мулкдорларининг ихтиёрий бадаллари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари;

тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад (фойда);

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усулларда олинган даромад ва тушумлар.

9.4. Ширкатнинг тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар Ширкат аъзолари ўртасида тақсимланмайди. Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар тўлангандан сўнг Ширкат аъзо-

лари умумий йиғилиши қарорига кўра фақат Ширкатнинг устав мақсадларига сарфланади ёки келгусида устав мақсадларига сарфлаш учун Ширкатнинг махсус жамғармаларига йўналтирилади.

9.5. Алоҳида кўп квартирали уй турар жой мулкдорлари Ширкат таркибидан чиққан тақдирда турар жой мулкдорлари томонидан ушбу уйни мукамал таъмирлаш учун тўплаган мақсадли жамғармаси ҳисобига шаклландиган пул маблағлари белгиланган тартибда янги тузилаётган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига берилиши керак.

10. Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкни бошқариш усуллари

10.1. Кўп квартирали уйда умумий мулкни бошқариш унинг бутлиги, уй-жой фондининг белгиланган техник ва санитария ҳолатига мажбурий тартибда риоя этилиши, мулкдорлар мулки қийматининг сақланиши ёки ошишини таъминлаши керак.

10.2. Ширкатнинг умумий мулки ва мулкни бошқариш мақсадлари Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, ҳар бир уй мулкдорлари йиғилиши қарорига кўра белгиланади.

Куйидагилар Бошқарув мақсадлари бўлиши мумкин:

умумий мулкнинг мавжуд техник ҳолатини сақлаш;

умумий мулк ёки унинг алоҳида қисмлари техник ҳолатини яхшилаш (таъмирлаш);

умумий мулк ёки унинг алоҳида қисмларини янгилаш (алмаштириш) ёки реконструкция қилиш;

уйдаги хоналарнинг яшаш ёки улардан фойдаланиш шароитларини яхшилаш, хавфсизлигини ошириш;

ресурсларни тежаш чораларини амалга ошириш ёрдамида коммунал хизматлар харажатларини камайтириш ва бошқалар.

10.3. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра Ширкат умумий мулки, ер участкаси ва мулкни бошқариш вазифалари:

Ширкат бошқарувига;

бошқарувчи (ижрочи директор)га — жисмоний шахсга, шу жумладан, хусусий тадбиркорга;

бошқарувчи ташкилотга — ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахсга юкланиши мумкин.

Шартнома асосида бошқаришнинг айрим вазифаларини (ваколатларни) бошқарувчи (ижрочи директор)га ёки бошқарувчи ташкилотга бериш тўғрисидаги қарор Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинади.

10.4. Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва унда жойлашган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш:

бевосита турар жой мулкдорлари;

Ширкат штатидаги ходимлар;

танлов асосида жалб қилинадиган пудратчилар (жисмоний ёки юридик шахслар), Ширкат билан тузилган шартномага мувофиқ бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот томонидан амалга оширилиши мумкин.

10.5. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра умумий мулк, ер

участкаси ва Ширкат мулкани бошқариш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш усули ўзгартирилиши мумкин.

10.6. Умумий мулк, ер участкаси ва Ширкатнинг мулки хавфсизлигини ва зарур ҳолатда сақланишини таъминлаш учун бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот ишларни бажаришга фақат зарур малакага, шунингдек қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда тегишли рухсатнома (лицензия)га эга бўлган кишиларни жалб этади.

11. Ширкатнинг бошқарув органлари

11.1. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ва Ширкат бошқаруви Ширкатнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

11.2. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши Ширкат бошқарувининг юқори органи ҳисобланади ва ҳар йили камида бир марта, мазкур Уставда белгиланган тартибда ўтказилади.

11.3. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ваколатларига қуйдагилар киради:

Ширкат Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш;

Бошқарувни, Бошқарув раисини ва тафтиш комиссиясини сайлаш ва уларнинг ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш;

умумий мулкни ва Ширкат мулкани бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш усулини танлаш;

умумий мулк, ер участкаси ва Ширкат мулкани сақлаш бўйича йиллик иш режасини, унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш;

Ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш;

Ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдорини тасдиқлаш;

бошқарувчи (ижрочи директор) номзодини ёки бошқарувчи ташкилотни тасдиқлаш;

Ширкат бошқаруви раисига, аъзоларига ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофот пули миқдорини тасдиқлаш;

Ширкат ходимлари, шу жумладан бошқарувчининг (ижрочи директорнинг) иш ҳақи ҳажмини ва уларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

Ширкатнинг махсус жамғармалари, шу жумладан захира жамғармаси ва умумий мулкни мукамал таъмирлаш жамғармасини шакллантириш ва маблағларининг сарфланиши тартибини тасдиқлаш;

Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва ободонлаштириш объекти, мулкдан фойдаланиш қоидаларини белгилаш;

тафтиш комиссияси томонидан Ширкатнинг молиявий-хўжалик фаолияти текширувлари ўтказилиши тартибини белгилаш;

Ширкат бошқаруви раиси, аъзолари ва тафтиш комиссияси аъзолари фаолиятига тааллуқли аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш;

қўп квартиралар уйдаги турар жойларни реконструкция қилиш, тархини қайта тузиш ва қайта жиҳозлаш тартибини белгилаш;

Ширкат мулкани ижарага бериш, шунингдек мулк қиймати Ширкат мулки баланс қийматидан йигирма фоиз ортиқ бўлса, уни балансдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Ширкат аъзоларига умумий мулкнинг алоҳида бегоналаштириладиган қисмла-

рини фойдаланишга бериш, ижарага бериш, бегоналаштириш, гаровга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

хўжалик қурилмалари ва бошқа иншоотлар қуриш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

умумий мулкни мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш, модернизациялаш ҳамда ушбу мақсадлар учун маблағ тўплаш ҳақида қарорлар қабул қилиш;

қарз маблағлари, шу жумладан банк кредитлари олиш, шунингдек бир уй мулкдорлари маблағини Ширкатдаги бошқа уй эҳтиёжларига сарфлаш учун қарз олиш (қайта тақсимлаш) ҳақида қарор қабул қилиш (ушбу масалалар бўйича қарорлар бир овоздан ёки Ширкат аъзоларининг қарз маблағларини қайтариш бўйича шахсий мажбуриятлари асосида қабул қилинади);

Ширкатнинг тадбиркорлик фаолиятидан олинadиган даромад (фойда)дан фойдаланиш йўналишларини белгилаш;

Ширкат фаолиятига тааллуқли масалаларни ҳал этиш учун доимий ва вақтинчалик жамоатчилик комиссиялари ва қўмиталарини тузиш;

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси (иттифоқи)га ва бошқа бирлашмаларга кириш ва ундан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Ширкатни қайта тузиш ёки тугатиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Ширкатга янги аъзолар — аввал бошқа хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоси бўлган ҳамда унинг таркибидан чиққан ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатини қўшиб юбориш йўли билан қайта тузиш ҳақида қарор қабул қилган уй(уйлар) турар жойлари мулкдорларини қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органининг Ширкат аъзолари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этмаган бошқарув раисини чақириб олиш ва бошқарувчи (ижрочи директор)ни вазифасидан озод этиш ҳақидаги таклифини, шунингдек ушбу номзодлар бўйича тавсияларини кўриб чиқиш;

Ширкат фаолиятига оид, улар юзасидан сиртдан овоз бериш йўли билан қарор қабул қилиниши мумкин бўлган масалалар рўйхатини тузиш.

Қонун ҳужжатларига кўра Ширкат аъзолари умумий йиғилиши ваколатларига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

11.4. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини чақириб тартиби.

11.4.1. Ширкат аъзоларининг ҳар йилги умумий йиғилиши молиявий йил якунлангандан сўнг 60 кундан кечикмай ўтказилади.

Ширкат аъзоларининг ҳар йилги умумий йиғилиши ўтказилишидан аввал мазкур Уставда Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши учун белгиланган тартибда Ширкатдаги ҳар бир уй мулкдорларининг йиғилиши ўтказилиши керак.

11.4.2. Ширкат аъзоларининг ҳар йилги умумий йиғилиши Ширкат бошқаруви томонидан чақирилади.

11.4.3. Ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Ширкат бошқаруви, Ширкатдаги умумий овозлар сонининг ўн фоиздан кам бўлмаган қисмига эга Ширкат аъзолари томонидан, шунингдек тафтиш комиссияси талабига кўра чақирилиши мумкин.

11.4.4. Ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши, Ширкат томонидан қонунчиликни бузиш ҳоллари рўй берганда, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан чақирилиши мумкин.

11.4.5. Ширкат аъзолари умумий йиғилишнинг ўтказилиш жойи, санаси, вақти, кун тартиби ва кимнинг ташаббусига кўра ўтказилаётгани, шунингдек Ширкат ҳужжатлари лойиҳалари ва ҳисоботлар билан таништириш тартиби ҳақида умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан камида ўн кун аввал огоҳлантирилади.

Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг қарорига кўра умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида белгиланган жойларда эълонлар осиб қўйиш (уйнинг йўлакларида, уй атрофидаги ҳудудда); огоҳлантириш варақасида имзо чектириш орқали оғзаки ёки ёзма огоҳлантириш; Ширкат аъзоси кўрсатган манзил бўйича почта жўнатмаси (бюртма хат) жўнатиш орқали ёзма огоҳлантириш усуллари қўлланилиши мумкин.

11.5. Умумий йиғилиш унда Ширкат аъзоларининг ёки улар вакилларининг эллик фоиздан кўпроғи қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Умумий йиғилишда ҳар бир кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдорлари ёки улар вакилларининг камида эллик фоизи қатнашиши керак.

Ширкат аъзолари умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум етарли бўлмаган тақдирда Ширкат бошқаруви Ширкат аъзолари умумий йиғилиши ўтказилишининг янги санаси ва вақтини белгилайди, бу ҳақда Ширкатнинг барча аъзолари кўшимча равишда огоҳлантирилади. Ширкат аъзоларининг янги белгиланган умумий йиғилиши илгари қолдирилган умумий йиғилишдан 10 кундан кечикмай ўтказилади.

11.6. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини оддий кўпчилик овоз билан сайланадиган йиғилиш раиси бошқаради.

Умумий йиғилиш йиғилиш котиби юритадиган баённома билан расмийлаштирилади.

11.7. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қуйидаги тартибда ўтказилади: кворумни белгилаш;

умумий йиғилиш кун тартибини эълон қилиш;

умумий йиғилиш раиси ва котибини сайлаш;

овоз бериш бўйича саноқ комиссиясини сайлаш (зарур ҳолларда);

Ширкатнинг ўтган давр бўйича ишлар режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш;

тафтиш комиссиясининг Ширкатнинг молиявий-хўжалик фаолияти текшируви натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш;

аудиторни жалб қилиш (зарур ҳолларда) ёки аудитор хулосасини кўриб чиқиш ҳақида қарор қабул қилиш;

ишлар режаси, даромадлар ва харажатлар сметасини ёки уларга киритилган ўзгартиришларни тасдиқлаш (зарур ҳолларда);

Ширкат бошқаруви аъзоларини сайлаш (кўшимча равишда сайлаш) (зарур ҳолларда);

кун тартибидаги бошқа масалаларни кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш.

11.8. Ширкат аъзолари умумий йиғилишида қарорлар қабул қилиш тартиби.

11.8.1. Ширкатнинг ҳар бир аъзоси умумий йиғилишда битта овозга эга бўлади.

11.8.2. Умумий йиғилиш овоз берувчиларнинг қўл кўтариши орқали ёки овоз бериш бюллетенларини тўлдириш орқали овоз бериш усули ҳақида қарор қабул қилади.

11.8.3. Умумий йиғилиш ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар улар учун Ширкат аъзоларининг эллик фоиздан кўпроғи овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади, ушбу Уставга кўра улар бўйича кўпроқ овоз бериш лозимлиги белгиланган масалалар бундан мустасно.

11.8.4. Ширкат аъзосига тегишли бўлган овоз умумий йиғилишга ёзма равишда ҳавола этилиши мумкин (мулкдор, унга тегишли турар жой манзили, мулкдорнинг кун тартибидаги масала бўйича «ха», «қарши» ёки «бетараф» деган шаклда

ифодаланган қарори кўрсатилган ҳолда) ёки ваколатли шахсга — Ширкат аъзоси вакилига берилиши мумкин.

11.8.5. Ширкат аъзоси ўзи манфаатдор бўлган ёки ўзига нисбатан суриштирув, шу жумладан суд суриштируви кўзғатилган масалалар бўйича овоз беришда қатнашишга ҳақли эмас.

11.8.6. Ширкат аъзолари умумий йиғилишида белгиланган алоҳида ҳолларда Ширкат аъзолари умумий йиғилиши қарори сирtdан овоз бериш йўли билан (Ширкат аъзоларининг кун тартибидаги масалалар муҳокамасида биргаликда иштирок этмаган ҳолда) қабул қилиниши мумкин.

11.8.7. Ширкат аъзолари умумий йиғилишнинг сирtdан овоз бериш йўли ўтказилиши ҳақида мазкур Уставнинг 11.4.5-бандида белгиланган тартибда хабардор қилинади:

сирtdан овоз бериш тўғрисидаги хабарномада овоз беришга қўйилаётган масалалар, Ширкат аъзоларининг ёзма қарорлари йўлланадиган муддат ва жой кўрсатилиши керак;

Ширкат аъзоларининг қабул қилиш муддатигача олинган, ёзма равишда расмийлаштирилган ва имзоланган қарорлари овоз беришда иштирок этган, деб ҳисобланади. Ушбу қарорларда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

Ширкат аъзоси ва унга тегишли турар жой (жойлар) тўғрисида маълумот;

овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича «ха», «қарши» ёки «бетараф» деган шаклда ифодаланган қарор.

Сирtdан овоз бериш бўйича қарор қабул қилишда овозга қўйилган вариантлардан фақат биттасини кўрсатган овоз беришда иштирок этган Ширкат аъзоси овози эътиборга олинади.

Сирtdан овоз бериш йўли билан қабул қилинган қарор мазкур Уставнинг 11.8.3-бандига мувофиқ қабул қилинади.

11.8.8. Сирtdан овоз бериш йўли билан қабул қилинган қарорлар Ширкат бошқаруви раиси ва аъзолари ёки уларнинг ташаббусига кўра умумий йиғилиш сирtdан овоз бериш орқали ўтказилган бошқа шахслар томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади.

11.8.9. Умумий йиғилишда қабул қилинган қарор Ширкатнинг барча аъзолари, шу жумладан, сабабидан қатъи назар, овоз беришда иштирок этмаган аъзолари учун мажбурий ҳисобланади. Ушбу қарор юзасидан Ширкат аъзоси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят билдириши мумкин.

11.8.10. Умумий йиғилиш, шу жумладан сирtdан овоз бериш йўли билан ўтказилган умумий йиғилиш қабул қилган қарор тўғрисида Ширкат аъзолари Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида белгиланган усулда хабардор қилинади.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорлари Ширкат бошқаруви хонасидаги ахборотлар тахтасига жойлаштирилади.

11.9. Ширкат аъзосининг умумий йиғилишдаги вакили:

11.9.1. Умумий йиғилишда турар жой мулкдорининг ишончномасига эга шахс Ширкат аъзосининг вакили бўлиши мумкин.

11.9.2. Битта шахс бир неча турар жой мулкдорлари (Ширкат аъзолари) вакили бўлган тақдирда, у Ширкат аъзолари умумий йиғилишида номидан ўзи вакилик қилаётган Ширкатнинг ҳар бир аъзоси номидан алоҳида-алоҳида овоз беради.

11.9.3. Ширкат аъзоси ишончномаси оддий ёзма шаклда расмийлаштирилади.

11.9.4. Ширкат аъзоси — жисмоний шахснинг ишончномасида паспорт маълумотлари мавжуд бўлади ва унинг шахсий имзоси билан тасдиқланади. Ширкат аъзоси — юридик шахснинг ишончномаси раҳбар имзоси ва муҳр билан тасдиқланади.

11.9.5. Ишончнома Ширкат аъзоси вакилига унинг номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб, Ширкат аъзоларининг битта умумий йиғилишда ёки ишончномада кўрсатилган давр мобайнида Ширкат аъзоларининг барча йиғилишларида қатнашиш ва битта умумий йиғилишда ёки барча ҳолларда кун тартиби масалалари юзасидан овоз бериш ваколатини беради.

11.9.6. Ширкат аъзоси ўз вакилига берган ишончномани йиғилиш раисига ишончномани қайтариб олгани ҳақидаги хабарномани бериш орқали ёки умумий йиғилишда шахсан иштирок этиш йўли билан бекор қилади.

11.10. Ширкат бошқаруви:

Ширкат бошқарувининг ижро этувчи органи ҳисобланади ва Ширкат аъзолари умумий йиғилишига ҳисобот беради;

Ширкатнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади.

11.11. Ширкат бошқарувини сайлаш тартиби.

11.11.1. Бошқарув Ширкат аъзолари орасидан ___(камида уч) кишидан кам бўлмаган, шу жумладан Бошқарув раисидан иборат таркибда ___ йил (кўпи билан беш йил) муддатга сайланади.

11.11.2. Бошқарув аъзоларининг номзодлари Ширкатнинг исталган аъзоси томонидан тавсия этилиши мумкин. Агар Ширкатга юридик шахс аъзо бўлса, унинг ваколатли вакили Бошқарув аъзоси бўлишга ҳақли.

11.11.3. Бошқарув аъзоларини сайлашда овоз бериш номма-ном сайлаш тартибда амалга оширилади.

11.11.4. Бошқарувда бўш қолган ўринни навбатдан ташқари йиғилиш қарорига кўра тўлдириш мумкин, бундай йиғилиш Бошқарув таркибидан бирон-бир аъзо чиқиб кетгандан сўнг ___ (кўпи билан уч ой) ойдан кечикмай чақирилади. Қўшимча сайлов ўтказиш йўли билан сайланган Бошқарув аъзоси Бошқарув ушбу таркибининг ваколат муддати тугагунгача унинг таркибига киритилади.

11.12. Ширкат бошқаруви мажлиси:

хар ойда ___(камида бир марта) марта ўтказилади;

Ширкат бошқаруви раиси томонидан чақирилади;

баённома билан расмийлаштирилади.

11.13. Ширкат бошқаруви томонидан қарорлар қабул қилиш.

11.13.1. Бошқарув мажлиси унда Бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

11.13.2. Бошқарув аъзоси Бошқарув мажлисида битта овозга эга бўлади.

11.13.3. Ширкат аъзолари Ширкат бошқаруви мажлисларида маслаҳат овози билан (овоз бериш ҳуқуқисиз) қатнашиши мумкин.

11.13.4. Бошқарув қарорлари Бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

11.13.5. Овоз бериш натижаларидан норози бўлган Бошқарув аъзоси ўзининг алоҳида фикрини Бошқарув мажлиси баённомасига киритилишини талаб этишга ҳақли.

11.13.6. Ширкат аъзолари Ширкат бошқаруви томонидан қабул қилинган қарор ҳақида Ширкат аъзолари умумий йиғилишида белгиланган тартибда хабардор қилинади.

Ширкат бошқаруви қарорлари Ширкат бошқаруви хонасидаги ахборотлар тахтасига жойлаштирилади.

11.13.7. Бошқарув қарори юзасидан Ширкат аъзолари томонидан Ширкат аъзолари умумий йиғилишида, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа усулларда шикоят билдирилиши ҳал қилиниши мумкин.

11.14. Ширкат бошқаруви Ширкат фаолиятининг барча масалалари бўйича қарорлар қабул қилишга ҳақли, Ширкат аъзолари умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.15. Ширкат бошқаруви ваколатига қуйидагилар киради:

Ширкат аъзолари умумий йиғилишини ва турар жой мулкдорлари йиғилишини чақириш ва ташкил этиш;

Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкани сақлаш бўйича ишлар режаси лойиҳасини ҳамда унинг ижроси бўйича ҳисоботни тузиш;

Ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузиш;

Ширкат Устави талаблари ва Ширкат аъзолари умумий йиғилиши қарорлари ижросини таъминлаш;

Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкани бошқариш функцияларини амалга ошириш ёки бошқарувчи (ижрочи директор) номзодларини ёки бошқарувчи ташкилотни танлов асосида танлаш;

Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкимга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун ходимларни ёллаш ва бўшатиш, уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришини назорат қилиш ёхуд хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича ишлар ва хизматлар буюртмачиси функцияларини бажариш;

Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкимга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари бўйича ижрочилар ва пудратчилар танловини ташкил этиш;

танлов ғолиби билан Ширкатнинг умумий мулки, ер участкаси ва мулкани бошқариш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари бўйича шартномалар тузиш;

турар жойлар мулкдорларининг умумий мулки, ер участкасини ва Ширкат мулкнинг бутлиги ва сақланиши устидан назоратни амалга ошириш;

турар жойлар мулкдорлари, ижарачилари, ёлловчилари томонидан турар жойлар, умумий мулк, ер участкаси ва ундаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементлари ҳамда Ширкат мулкдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш;

Ширкатнинг жиҳозлари, асбоб-анжомлари ва бошқа моддий бойликларини харид қилиш ва сотиш, бировга бериш, алмаштириш, ижарага бериш, шунингдек бу турдаги мулк қиймати Ширкат мулки баланс қийматининг йигирма фоизидан ошмаган тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда уни балансдан чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш;

Ширкат ходимларининг ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлаш;

Ширкат аъзоларининг аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш (Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ваколатига киритилган ҳолатлар бундан мустасно);

иш юритишни амалга ошириш, шу жумладан Ширкат аъзолари турар жой мулкдорлари рўйхатини юритиш, Ширкат ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи, Ширкатдаги ҳар бир уй бўйича маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланиши ҳисоби юритилишини таъминлаш;

белгиланган мажбурий бадаллар ва тўловларнинг Ширкат аъзолари ва турар жойга мўлжалланмаган бинолар мулкдорлари томонидан ўз вақтида тўланишини назорат қилиш ҳамда қарздорликни бартараф этиш чораларини кўриш;

Ширкат маблағларини Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши тасдиқлаган даромадлар ва харажатлар сметаси асосида тасарруф этиш;

Ширкат бошқаруви қонунчиликка ва Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11.16. Ширкат бошқаруви мунтазам равишда, ҳар уч ойда камида бир марта

Ширкат аъзолари олдида умумий мулкни сақлаш бўйича ишлар режасининг ижроси, амалга оширилган ва мўлжалланаётган харажатлар, мажбурий бадаллар ва тўловлар йиғилиши, тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромад (фойда) ҳақида ҳисобот беради. Ҳисобот бериш шакли барча Ширкат аъзолари у билан танишиш имконига эга бўлишини таъминлаш учун Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра белгиланади.

11.17. Ширкат бошқаруви раиси:

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида Ширкат аъзолари орасидан Бошқарув сайланган муддатга сайланади;

Бошқарув фаолиятига раҳбарлик қилади;

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ва Бошқарувга ҳисобот беради;

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра чақириб олиниши мумкин.

11.18. Ширкат бошқаруви раиси қуйидаги ваколатларга эга:

учинчи шахслар билан муносабатларда ишончномасиз Ширкат номидан иш юритиш;

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ва Бошқарув қарорлари ижросини таъминлаш;

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ва Бошқарув қарорларига мувофиқ молиявий ҳужжатларни, шартномаларни имзолаш;

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига Ширкатнинг умумий мулки ва мулкни бошқариш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш усуллари, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот номзоди бўйича Бошқарув томонидан тайёрланган таклифларни киритиш;

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига Ширкат ходимларига тўланадиган иш ҳақи миқдори ва уларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни, Ширкатнинг бошқа низомлари ва қоидалари бўйича таклифлар киритиш;

Қонун ҳужжатларига ва ички меҳнат тартиб-қоидаларига мувофиқ Ширкат ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва тўхтатиш;

ўз ваколати доирасида Ширкат ходимларига кўрсатмалар ва буйруқлар бериш.

Ширкат Бошқаруви раиси ваколатларининг бир қисми бошқарувчига ёки бошқарувчи ташкилотга шартнома асосида қонун ҳужжатларига ва Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ берилиши мумкин.

12. Ширкатнинг тафтиш комиссияси

Ширкатнинг тафтиш комиссияси:

Ширкат аъзолари умумий йиғилишида __ кишидан (камида уч киши) иборат таркибда __ йил (кўпи билан икки йил) муддатга сайланади.

Ширкатнинг тафтиш комиссияси Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишига ҳисобот беради.

12.2. Тафтиш комиссияси аъзолари айни бир вақтда Ширкат бошқаруви аъзолари ва Ширкат ходимлари бўлиши мумкин эмас.

12.3. Тафтиш комиссияси Ширкатнинг молиявий-хўжалик фаолиятини, шу жумладан турар жойлар мулкдорларининг умумий мулкни, ер участкасини ва Ширкат мулкни сақлаш бўйича иш режасининг ҳамда Ширкат аъзолари умумий йиғилиши тасдиқлаган Ширкат даромадлари ва харажатлари сметаси ижросини, Ширкат маблағларидан мақсадли фойдаланилишини текширади.

12.4. Тафтиш комиссияси ҳар йили камида бир марта Ширкат аъзоларининг

умумий йиғилишида Ширкатнинг молиявий-хўжалик фаолияти текшируви натижалари ҳақида ҳисобот беради. Тафтиш комиссияси ҳисоботи Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида кўриб чиқилмагунгача учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

12.5. Тафтиш комиссияси Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши тасдиқланган низомга мувофиқ иш юритади.

12.6. Тафтиш комиссияси Ширкат фаолиятини солиқ идоралари ва давлатнинг бошқа идоралари томонидан текширишларда иштирок этади.

13. Ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш

13.1. Ширкат қўйидаги шаклларда қайта ташкил этилиши мумкин:
хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг қўшилиши;
бошқа хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига бирлашиш;
икки ва ундан кўп янги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига бўлиниш;
Ширкат таркибидан битта ёки бир неча хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг ажралиб чиқиши.

13.2. Ширкатни қайта ташкил этиш Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг Ширкат аъзоларининг эллик фоиздан кўп қисми овоз берган қарори бўйича амалга оширилади.

13.3. Ширкатни қайта ташкил этиш қўшилиш ва ажралиб чиқиш шаклида амалга оширилган ҳолларда Уставга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади, улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

13.4. Ширкат қайта ташкил этилганда мулкни ажратиб бериш ёки тақсимлаш Ширкат аъзоларининг Ширкат мулкни шакллантиришдаги улушига мутаносиб тарзда амалга оширилади.

13.5. Ширкат қайта ташкил этилганда ҳар бир алоҳида уй турар жой мулкдорларининг умумий мулкига тааллуқли техник ва бошқа ҳужжатларни топшириш-қабул қилиш амалга оширилади.

13.6. Ширкатни тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

13.7. Ширкатни тугатиш учун асослар пайдо бўлган ҳолларда Ширкат аъзоларидан тугатиш комиссияси тузилади, комиссия кредиторлар билан барча ҳисоб-китобларни амалга оширади ва Ширкатни рўйхатдан ўтказган рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор қилади.

13.8. Ширкат тугатилганда унинг кредиторлар талаблари қондирилгандан кейин қолган мулки Ширкат аъзолари ўртасида уларнинг Ширкат мулкни шакллантиришдаги иштирокига мутаносиб равишда тақсимланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 30 майдаги 100-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартирали
уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

_____ ш. 200_ й. «__» _____

Кейинги ўринларда «Ширкат» деб номланувчи «_____» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати номидан Устав асосида иш юритувчи бошқарув раиси _____ бир томондан ва кейинги ўринларда «Мулкдор» деб номланувчи, _____

(жисмоний шахснинг бинога

_____ бўлган ҳуқуқини белгилувчи ҳужжат ёки юридик шахс вакилининг ваколатини белгилувчи ҳужжат)

_____ асосида иш юритувчи, турар жойга мўлжалланмаган умумий майдони _____ кв. метр бўлган _____ бино

(бинонинг почта манзили)

мулкдори _____

(жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки

_____ иккинчи томондан

юридик шахснинг номи)

«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қўйидагилар ҳақида ушбу шартномани тузишди.

I. Шартнома предмети

1. Мулкдор кўп квартирали уйнинг умумий мулкидаги Мулкдор биносининг уйнинг умумий майдонига пропорционал бўлган улушни тўлаш мажбуриятини, Ширкат эса уни белгиланган меъёрлар, стандартлар ва қоидаларга, шунингдек Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдорлари йиғилиши қарорларига мувофиқ сақлаш мажбуриятини қабул қилади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ширкат қўйидаги ҳуқуқларга эга:

умумий мулкни сақлаш бўйича ишларни бажариш усулларини мустақил белгилаш;

Мулкдор томонидан шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Мулкдорни олдиндан хабардор қилган ҳолда ва Мулкдор ёки унинг вакили иштирокида ширкат ва ихтисослаштирилган ташкилотлар вакиллари томонидан умумий мулкнинг Мулкдор биноси чегарасидаги қисмларини кўздан кечириш, профилактик, жорий ва мукамал таъмирлаш учун Мулкдор биносига кириш;

бошқа мулкдорларнинг мулкига ва/ёки умумий мулкка зарар етказиши мумкин бўлган аварияни бартараф этиш учун Мулкдор биносига дарҳол кириш (шу жумладан, бегиланган тартибда, Мулкдор йўқлигида ва авария пайтида уни хабардор қилиш имкони бўлмаганда);

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

кўп квартирали уйдаги умумий мулкнинг сақланишини таъминлаш мақсадида Мулкдор томонидан белгиланган тартибда рухсат олинганда бинони реконструкция қилиш, тарhini қайта тузиш, қайта жиҳозлаш ишлари бўйича келишувга эришиш; умумий мулк ва ер участкасидан ва Ширкат мулкидан фойдаланиш қоидаларини белгилаш;

Мулкдор умумий харажатларда иштирок этишдан бош тортса ва шартнома шартларини бошқача тарзда бузса, қонун ҳужжатларида ва ушбу шартномада белгиланган тартибда чоралар кўриш.

2.2. Ширкат қўйидагиларга мажбур:

Мулкдорга бошқа мулкдорлар билан бирга Ширкат уставида кўзда тутилган тартибда умумий мулкни сақлаш бўйича қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижроси бўйича ҳисоботларни кўриб чиқишда қатнашиш имконини бериш;

агар Ширкатга биттадан ортиқ уйдаги турар жой мулкдорлари бирлашган бўлса — уйдаги турар жой мулкдорлари йиғилишида муҳокама қилиш ва Ширкат аъзолари умумий йиғилишида қарорлар қабул қилиш орқали умумий мулк ва уй олдидаги ер участкасидан биргаликда фойдаланиш бўйича Мулкдор манфаатларининг бошқа мулкдорлар манфаатлари билан мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

умумий харажатлар ва умумий харажатлардаги Мулкдорнинг ҳар ойлик мажбурий ва мақсадли бадаллари миқдорини асослаш;

Мулкдорнинг шахсий ҳисоб рақамини юритиш ва тўловномаларни расмийлаштириш;

умумий мулк бўйича техник, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни юритиш;

Мулкдорни кўздан кечиришлар, профилактика ишлари, шунингдек Мулкдорга тегишли бино чегарасида бўлган умумий мулкнинг қисмлари таъмирланиши ҳақида ўз вақтида, камида бир кун аввал хабардор қилиш;

Мулкдорни умумий харажатларда иштирок этиш бўйича мажбурий бадаллар миқдорининг ўзгариши ҳақида ўз вақтида, камида бир ой аввал хабардор қилиш;

Мулкдорга умумий мулкнинг техник ҳолати, уни сақлаш режалари ва ушбу мақсад учун қилинадиган харажатлар ҳақида Ширкатнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланган тартибда ахборот бериш;

Мулкдорга Ширкатнинг уй-жой фондини сақлаш, умумий мулки ва ер участкасидан, мулкидан фойдаланиш қоидалари, Ширкат аъзолари умумий йиғилиши қарорлари ҳақида ахборот бериш.

2.3. Мулкдор қўйидаги ҳуқуқларга эга:

мустақил равишда, Ширкат билан келишмаган ҳолда ўзига мулкчилик ҳуқуқи асосида тегишли бўлган бинога мақсадли тарзда, уйдаги бошқа бинолар мулкдорлари ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаган ҳолда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш;

уйдаги турар жойлар мулкдорлари йиғилишида ва умумий мулкни сақлаш бўйича биргаликда қарор қабул қилишда, шунингдек Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

уйдаги умумий мулкдан (уйдаги бошқа турар жой мулкдорлари тасарруфида бўлган қисмларидан ташқари), уй атрофидаги ер участкасидан (Ширкатнинг ер участкасидан) ва унда жойлашган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементларидан Ширкат томонидан белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда фойдаланиш;

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори асосида Ширкат умумий мулкнинг айрим қисмларини ва/ёки ер участкасини Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорида белгиланган тартибда ва шартларда олиш;

Ширкат Устави билан танишиш.

2.4. Мулкдор қўйидагиларга мажбур:

қўп квартирали уйдаги умумий мулкни, унда жойлашган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементларини сақлаш бўйича умумий харажатларда Мулкдорнинг умумий мулкка нисбатан умумий улушбай мулк ҳуқуқига мувофиқ иштирок этиш;

ўз вақтида, мазкур шартномада белгиланган муддатларда ҳар ойлик мажбурий бадалларни Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, агар Ширкатга бир уйдан ортиқ турар жойлар мулкдорлари бирлашган бўлса, уйдаги турар жой мулкдорлари йиғилиши тасдиқлаган харажатлар сметаси асосида тўлаш, шунингдек умумий мулк қисмлари ва/ёки ер участкасидан истисно тарзида фойдаланганлик учун Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган тўловни тўлаш;

умумий мулк, ер участкасидан ва унда жойлашган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш элементларидан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланиш ҳамда бошқа мулкдорларнинг улардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслик;

ўзига тегишли бўлган бино ҳудудидаги умумий мулкнинг сақланишини таъминлаш;

Ширкат томонидан белгиланган умумий мулкдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш;

ўзига тегишли бинодан мақсадли тарзда, техник жиҳатдан соз, санитария талабларига мувофиқ тарзда фойдаланиш, уни мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини ўз ҳисобидан бажариш;

олдидан хабардор қилиб, ўзи иштирок этган ҳолда ёки ўз вакили иштирокида ўзига тегишли бинода ширкат ва ихтисослаштирилган ташкилотлар вакиллари томонидан умумий мулкнинг бино чегарасидаги қисмларини кўздан кечириш, профилактик, жорий ва мукамал таъмирлаш, шунингдек авария ҳолатларини бартараф этиш учун дарҳол киришга рухсат бериш;

Ширкат билан ўзига тегишли бинони реконструкция қилиш, тархини қайта тузиш, қайта жиҳозлаш ишлари бўйича келишиш;

ҳақиқий турган жойи ўзгаргани ва боғланиш ҳақидаги маълумотларни бериш;

бинонинг ижарага берилгани, шунингдек ижара шартномасига кўра умумий харажатларда иштирок этиш мажбуриятларини берган-бермаганлиги ҳақида 10 кун муддатда Ширкатни хабардор қилиш;

умумий мулкка ва/ёки бошқа мулкдорлар мулкига, шунингдек ширкат мулкига ўзи, ижарачи ёки бинони ижара шартномасига ёхуд бошқа асосларга мувофиқ эгаллаб турган ижарачи ёки бошқа шахслар томонидан етказилган зарарни ўз ҳисобидан бартараф этиш;

мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мулкни сотиш пайтида қонунчиликда белгиланган ҳужжатларга қўшимча равишда Ширкат ва ўзининг Ширкат олдигаги мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни харидорга тақдим этиш;

Ширкатни бинога эгалик қилиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтаётгани ҳақида хабардор қилиш ва янги мулкдор ҳақида маълумот бериш.

III. Мажбурий бадаллар миқдори ва уларни тўлаш тартиби

3.1. Мулкдорнинг умумий харажатлар бўйича ҳар ойлик мажбурий бадали миқдори Ширкат томонидан ҳар йили Ширкат аъзолари умумий йиғилиши тасдиқла-

ган иш режаси ҳамда Ширкат даромадлари ва харажатларининг йиллик сметаси асосида ҳисоблаб чиқилади.

Ширкат 2 кун муддатда Мулкдорни Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши тасдиқлаган ҳар ойлик мажбурий бадал миқдори ҳақида хабардор қилади.

3.2. Мулкдорларнинг ҳар ойлик мажбурий бадаллари Ширкатнинг ҳисоб рақамига жорий ойнинг 10-кунидан кечиктирмай, Ширкат тайёрлаган тўловнома асосида тўланади.

3.3. Йил давомида ҳар ойлик мажбурий бадаллар миқдори Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига кўра ўзгартирилиши мумкин.

3.4. Ширкат Ширкат аъзолари умумий йиғилиши қарори билан умумий мулкни мукамал таъмирлаш ёки умумий мулкни сақлаш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун мақсадли мажбурий йиғим белгилаши мумкин.

Мақсадли йиғим Ширкат аъзолари умумий йиғилиши қарорида белгиланган тартибда ва муддатда тўланади.

3.5. Агар амалда қилинган умумий харажатлар умумий мулк мулкдорлари томонидан тўланган бадаллар суммасидан ошиб кетса, Мулкдор харажатларнинг тўланмаган суммасидаги ўз улушини Ширкат хабарномасини олган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида тўлайди.

Агар умумий харажатлар бўйича амалда қилинган харажатлар умумий мулк мулкдорлари томонидан тўланган суммадан кам бўлса, маблағларнинг фойдаланилмаган қисми умумий мулкни келгусидаги таъмирлаш ишларига йўналтирилади.

IV. Томонларнинг жавобгарлиги

4.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбурияларини бажармаганлик учун унинг шартларига кўра ва қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий жавоб беради.

4.2. Барча турдаги зарарлар ёки зиёнлар ширкат ёки унинг ходимларининг нотўғри хатти-ҳаракати туфайли юзага келмаган бўлса, Ширкат улар учун жавоб бермайди.

4.3. Ширкат ёки ихтисослаштирилган ташкилот вакилига кўздан кечириш ва хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ишларини бажариш учун киришга йўл қўймаган Мулкдор бунинг натижасида кўрилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

4.4. Ушбу шартномада кўзда тутилган бадалларни тўлаш муддати бузилган тақдирда Мулкдор ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов муддати кечиккан сумманинг ___ фоизи миқдорида пеня тўлайди.

4.5. Бинодан фойдаланмаслик ва/ёки умумий мулкдан (ёки унинг қисмларидан) фойдаланишдан бош тортиш Мулкдорни ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

4.6. Томонлар бартараф этиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибатида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этилади.

V. Низоларни ҳал этиш

5.1. Ушбу шартнома шартларини бажариш бўйича барча эътирозларни Томонлар ёзма тарзда расмийлаштириши ва шахсан ваколатли шахсга тилхат орқали топшириши ёки иккинчи Томонга буюртма хат орқали етказиши керак.

5.2. Ушбу шартнома бўйича Томонлар ўртасидаги низолар Мулкдор билан Ширкат бошқаруви ўртасидаги музокаралар йўли билан ёки Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишида ва/ёки агар Ширкатга биттадан ортиқ уйдаги турар жой мулкдорлари бирлашган бўлса — уйдаги турар жой мулкдорлари йиғилишида ҳал қилинади, келишувга эришилмаса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судда ҳал қилинади.

VI. Шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани ўзгартириш ва тўхтатиш

6.1. Ушбу шартнома __ йилга, 200__ «___» _____дан 200_ «___» _____ гача муддатга тузилди.

6.2. Томонлардан бири Шартнома шартларини ўзгартириш бўйича ариза бермаган тақдирда унинг амал қилиш муддати шартномада белгиланган муддат ва ўша шартлар бўйича узайтирилган ҳисобланади (ҳар йили белгиланадиган мажбурий бадаллар миқдори бундан мустасно).

6.3. Томонлар ўзаро келишувга биноан ушбу Шартномага қонун ҳужжатлари талабларига ва Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарорларига зид бўлмаган ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

6.4. Томонларнинг ушбу Шартномага киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги битими шартнома каби шаклда расмийлаштирилади.

6.5. Бинога эгалик қилиш ҳуқуқи муддатидан олдин тугаган тақдирда шартнома муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

VII. Бошқа шартлар

7. Мазкур шартнома имзоланган вақтидан бошлаб тузилган ҳисобланади, бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган, бир нусхадан Ширкатда ва Мулкдорда сақланади.

VIII. Томонларнинг манзиллари

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати

Мулкдор (рўйхатдан ўтган манзили, паспорт маълумотлари ёки реквизитлари

Томонларнинг имзолари

«_____»

хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

_____ / _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

200__ й. «___» _____

Мулкдор

_____ / _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

М.Ў.

200__ й. «___» _____

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAҲҚAMACIНИНГ
ҚАРОРИ**197** Дехқон хўжалиги аъзоларини ижтимоий суғурталаш
ва уларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги ни-
зомга қўшимча киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2006—2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 351-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 50-модда) билан тасдиқланган Дехқон хўжалиги аъзоларини ижтимоий суғурталаш ва уларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги низомнинг 1-бандига қуйидаги таҳрирдаги хатбоши қўшилсин:

«Мазкур Низом қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлган дехқон хўжаликлари аъзоларига татбиқ этилмайди».

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 31 май,
102-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZИPЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**198 Тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилувчи
корхоналарга мулк солиғи бўйича имтиёзларни
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
31 майда 1576-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 9 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Тўқимачилик саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш ва уларга пахта толаси сотиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-330-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Илова* қилинаётган Тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналарга мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 май,
43-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 май,
2006-27-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

«САНОАТКОНТЕХНАЗОРАТ» ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

199 **Кон қолдиқларидан фойдаланишда ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
31 майда 1577-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 9 июндан кучга киради)

«Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорини бажариш мақсадида **буюраман:**

1. «Кон қолдиқларидан фойдаланишда ишларнинг хавфсизлиги қоидалари» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.
3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғи **Р. САИДОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 14 февраль,
28-сон

«САНОАТКОНТЕХНАЗОРАТ» ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

200 **Мис эритиш ишлаб чиқариши ходимлари учун ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
31 майда 1578-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 9 июндан кучга киради)

«Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорини бажариш мақсадида **буюраман:**

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

1. «Мис эритиш ишлаб чиқариши ходимлари учун ишларнинг хавфсизлиги қоидалари» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.
3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғи Р. САИДОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 февраль,
31-сон

+

-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 27 майдан 2 июнгача бўлган маълумот

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Тайёр тўқимачилик маҳсулотини экспорт қилувчи корхоналарга мулк солиғи бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 12 майдаги 43, 2006-27-сон қарори.*

2006 йил 31 майда 1576-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 9 июндан кучга киради).

2. «Кон қолдиқларидан фойдаланишда ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғининг *2006 йил 14 февралдаги 28-сон буйруғи.*

2006 йил 31 майда 1577-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 9 июндан кучга киради).

3. «Мис эритиш ишлаб чиқариши ходимлари учун ишларнинг хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғининг *2006 йил 14 февралдаги 31-сон буйруғи.*

2006 йил 31 майда 1578-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 9 июндан кучга киради).

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан
ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал
қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2005 йил 13 сентябрда 02-01/63 ХФУ-сон, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 14 июндаги 460-ХФУ-сон ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиной дарамадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан 2005 йил 13 сентябрда 18/594-05-сон билан тасдиқланган қўшма хати.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжатлар бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимномалар киритилди.

**Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан
чақириб олинди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 14 июндаги 02-01/155, 22-5716-сон хати.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.

+

-

-

+